Әзелден жақсылыққа ҳам эстетикалық гөзаллыққа жаны кумар қарақалпақ халқының қәлбинен орын алған көркем өнер өтмиш тарийхымызда ҳам бүгінги күнде де айрықша орынға ийе тәрбия мектебиниң бири болғанлығы анық. Халқымыз өтмиште илим ҳам билим сырларын ийелеўи менен бирге көркем өнердин хәр қыйлы тараўлары менен шуғылланып келди.

«Егер, еки адам сәўбетлесип, үшінши адам оны тыңласа, мине усының өзи-театр», – деген еди польшалы актёр Густав Холоубек. Дүньядағы барлық халықлар ҳам миллетлер сыякы қарақалпақ халқының да әсирлер даўамында қәлиплескен ҳам әўладтан-әўладқа өтип киятырған дәстүрлери ҳам үрп-әдетлери оғада бай руўхый мийрас сыпатында мәнәўий тарийхымызда өшпес из қалдырған және халық аўыз-еки дәрәтпелериниң дүрданаларында, хәр түрли мәресимлерде, қыз-жигитлердин бәзимлеринде, балалар ойындарында сақланып қалған.

Той ҳам басқа да мәресимлерде дәстанларды атқарған жыраў-бақсыларда актёрлық шеберликтин, «қудалық», «ел қәде», «қыз узатыў», «беташар», «бесик тойы», «гусаў кесиў» мәресимлеринде, «Аға бий» және басқа да дәстүрий халық ойындарында ҳақыйқый театрласқан тамашалардың көриниси, анығырағы эпизодлары жаркын сәўлелендирилген. Халық дәстанларындағы синкретлик сыпаттың орын алыўы,

халық қәлбинде сахналық көринислердин раўажланыўына түртки болды, десек қәтелеспеймиз. Мине, усы орында халқымыздың жақын өтмишинде, анығырағы, XX әсирдин биринши ярымында өзиниң дәслепки адымларын атқан театр өнери, «Таң нуры» труппасының шөлкемлестирилиўи бизиң бул пикиримизди тастыйықлайды.

1920-жылларда бурынғы аўқамның барлық орынларында болғанындай, Қарақалпақстанда да театр өнерин қәлиплестиреўге айрықша дыққат қаратылып, хәр түрли мәдени-ағартыўшылық шөлкемлер, театр-концерт топарларын шөлкемлестиреў жумыслары басланды.

Қарақалпақстан автоном областы Атқарыў комитетиниң 1926-жыл 11- апрельдеги «Қарақалпақ миллий драма труппасын шөлкемлестиреў ҳаққында»ғы арнаўлы қарары менен «Таң нуры» Қарақалпақ миллий театр труппасы шөлкемлестирилип, оның көркемлик жақтан басшысы лаўазымына Төрткүл қаласындағы педагогикалық техникумның оқытыўшысы З.Ф.Қасымов белгиленеди.

Труппа ағзалары 13 адамнан ибарат болып, олар – Ж.Аймурзаев, А.Матякубов, Г.Убайдуллаев, М.Матжанов, Ж.Сейтова, Қ.Бекмуратова, М.Темирханова, П.Сакеева, Т.Исметуллаева, Қ.Алланиязов, Б.Сейтов, Ж.Пирназаров, О.Төрәмуратовлардан ибарат болған. Бул инсанлар «Таң нуры» труппасының, бүгінги қарақалпақ театрының туңғыш қарлығашлары сыпатында тарийх бетлеринде мәңги қалды.

1926-жылы 8-ноябрьде Қасым Әўезовтың «Тилек жолында» атамасындағы 4 картиналы тарийхий драмасы менен «Таң нуры» труппасының биринши пердеси салтанатлы ашылды. Қарақалпақ миллий театры тарийхының жылнамасы, мине, усы күннен басланды.

1927 – жылы З.Қасымовтың өзиниң тийкарғы жумысына қайтыўы себепли труппаға Әбдираман Өтепов басшылық етип баслады.

Бул жылларда труппа ағзаларының саны әдеўир көбейди, труппа репертуары М.Орайди, К.Тикчурин, С.Абдулла, Ҳамза, сондай-ақ, жергиликли авторлардан С.Мажитов, Ә.Өтепов, Қ.Әўезов, А.Бегимов, А.Матякубов, М.Дәрибаев, Т.Сейтамутовлардың жаңа дәрәтпелери менен толықтырылды.

1930-жылларда «Таң нуры» труппасы республикамыздың барлық аўылларында, қалаларында

сапарда болып, театр өнерин пүткіл халқымызға көрсете алды. Нәтижеде елимизде биринши Қарақалпақ мәмлекетлик театрын шөлкемлестиріуге тийкар салды. Бунда усы миллий труппада хәм директор, хәм режиссёр, хәм артист, хәм сазенде, хәм қосықшы және драматург ұазыйпаларын атқарған Әбдираман Өтеповтың пидайы мийнетлери айрықша орын тутады. Әлбетте, бул дәуірде режиссёрлық жумыстың усыллары жетерли емес еди.

Сахналастырылған пьесалар суфлёр жәрдемінде атқарылып, спектакльлерге арнаўлы декорация, жақты беріу үскенелери, реквизитлер, бутафория хәм баска компонентлер исленбеген еди. Себеби, бундай спектакль безеўлери ол дәуірде миллий театрымыз дәстүрлеринен орын алмаған еди. Хәтте, кешки спектакль хәм концертлердің қойылыуы хаққында жаршылар, сырнай-карнайлар жәрдемінде халыққа дағза етилип жарияланған. Районларда кешки спектакльлер ушын зәрүр әсбап-үскенелер, безеў буйымлары, бас кийим, аяқ кийимлер сол жердеги халықтан жыйнап алынып, сахнада пайдаланылған.

Ол дәуірлерде режиссёрлар актёрларға роль бөлистириу, суфлёр жәрдемінде сахнада пьесадағы сөзлерди айтып, тамашагөйлерге еситириу сыяқлы әпиўайы көрсетпелер беріу менен ғана шекленген.

Декорация безеўлери арқалы дәуірдің өзине тән белгилерди, адамлардың турмыс шараятын, күн, пасыл, мекән, мәўсим өзгешеликлерин сәўлелендириу сияқлы сахналық қағыйдалар болмаған. Сахна ушын арнаўлы кийимлер, безениу буйымлары, курал-жарақлар натурал характерге ийе болып, иллюстрацион мазмунды аңлатқан.

Мине, бул халат қарақалпақ театр өнеринің жаңа кәдем қойып, аяққа турыу процесин көрсетеди хәм бул еле профессионал тәриздеги театр өнерине жетиу жолындағы дәслепки дәуір хақыйқатлығын аңлатады.

Пьеса мазмунына, персонажлардың аўхалына байланысы болмаған қосықлар атқарылып, музыкалар берилген. Миллий дәстүрлер хәм үрп-әдетлерге сәйкеслестиріу хәм басқа сахналық талап және тәртіптерге жетерли дыққат берилмеген. 1930-жылдан баслап театр искерлигиндеги бундай сахналық кемшиликлер сапластырылып басланды. Сол жылы декабрьде «Таң нуры» труппасының шеңберинде Қарақалпақ мәмлекетлик миллий театры шөлкемлестирілди хәм бул қубылыс профессионал театр басқышына өтиуге тийкар жаратты.

1927-1930-жыллар Қарақалпақстанда театр көркем өнеринің қәлиплесіуинің жуўмақлаушы басқышы есапланады. Усы орында айтып өтетуғын және бир социаллық халат соннан ибарат, яғный халық арасындағы бундай жаңа қубылыс – бурын болмаған театрды тамаша етиу ел ишинде дәуірге толық сай келе бермеген жаңаша түсиниктеги жәмийетлик ойды, сананы және қарым-катнас қәделерин пайда етти. Ел арасында те-

атрдың, көркем өнердің халық ишинде тәсир етиу шеңбери кеңейди хәм халық массасы арасында жаңа мәдений қарым-катнас формасы пайда болды. Театр (ең дәслепки әпиўайы мәниде) тамаша етиуге келген халық массасы бурынғы тойға келгендей әпиўайылығын жыйнақлауға бет бурды, театрға келгенлер таза кийимде келиу, белгили дәрежеде көпшилик арасында өзін ушлап-тутыудың жаңа усылларына өтип баслады. Бул, өз гезегинде, халықтың мәдениятының хәм жәмийетлик санасының әпиўайыдан қурамалыға өтиўин тәмийинледди. Феодализм жәмийетлик системасынан капитализмнің толық қәделерин сақламай сол дәуірдеги соцреализмнің (мәдениет тараўында) системасына өтиўдин белгилери сезилди.

Театр сахнасында қойылған дәретпелердің мазмуны хәм идеясы тамашагөйлерди тәрбиялаушы күшке айланып баслады. Яғный бурынлары тойлардағы, хәр қыйлы байрам салтанатларындағы қыз-жигитлер айттысы, жырау хәм бақсылардың дәстанлар, халық қосықларын атқару көринислерине, қыссаханлық өнерине, дерлик, ұқсамайтуғын инсанға жаңа тәсир етиу куралы болған театр пүткіл жәмийетшиликте жаңа жәмийетлик мазмунға ийе формасы материаллық, бирәк мазмуны адам сезимин раўажландыратуғын курал болды.

Демек театр, соның ишинде, «Таң нуры» труппасы XX әсирдің биринши ярымында жаңа жәмийетлик система менен бирге қарақалпақлар арасына орналасып, дәуірге сай руўхый дүньяны қурамаластырған, адамларды мәдений кәмилликке жетелеген мектеп болды, десек қәтелеспеймиз.

Театр өзи шөлкемлескен дәуірден баслап халқымыздың мәнаўиятын жоқары шеклерге көтерди, миллий халықшыл қәдириятларымызды, салт-дәстүр хәм үрп-әдетлеримизди сахнада көрсетип бере алды. Театрдың қайсы дәуірдеги искерлигине нәзер салсақ та, дәретиўши жәмәәт халыққа пидайы және қалыс хызмет қылуыдай салтанатлы ұазыйпаны орынлап, актёрларымыздың дәуірге сай жаңа усыллардағы атқару шеберлиги хәм уқыпларының үзликсиз раўажланып қиятырғанына гүә боламыз.

Дәслепки шөлкемлестирілген дәуірден баслап-ақ бул уллы дәрғайда дәретиўшилик пенен шуғылланған устаз-актёр хәм актрисалардың ең аўыр және машақатлы жылларда да республикамыздың узақ аўылларындағы гастрол сапарларындағы хызметлери, атқарған концерт хәм спектакльлери халқымыз ядында мәңги сақланады, деп исенимли айта аламыз. Себеби «Таң нуры» труппасы, соңғылығындағы бүгинги академиялық театр қарақалпақ халқын дүнья мәдениятына алып шығуға себепши болған, дүньялық мәдениет пенен елди таныстырған руўхый-мәнаўий тәрбия мектеплеринің ең алдыңғыларынан бири болды, десек асыра айтқан болмаймыз.

Әдебиятлар

1. Белинский В. Г. Собр. Соч. в трех томах. Том II, -Москва: 1948. -С. 5-66.
2. Қабдолов З. Сөз өнери. -Алматы: «Мектеп», 1982. 9-б.

РЕЗЮМЕ

Мақалада қарақалпақ театрининг шаклланиш дәври ва ундаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида, миллий театрининг ривожланиши халқнинг янги маданий қарашларининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши ҳақида илмий-тарихий-фалсафий фикрлар талқин қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается период формирования каракалпакского театра и его особенности, научно-историко-философские взгляды на развитие национального театра, которые привели к появлению новых культурных воззрений народа.

SUMMARY

The article discusses the period of formation of the Karakalpak theater and its peculiarities, scientific-historical-philosophical views on the development of the national theater, which led to the emergence of new cultural views of the people.

TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANÍW

Til bilimi

ЛИСОНИЙ ХОДИСАЛАРГА ПРАГМАЛИНГВИСТИК ВА
ЛИНГВОПРАГМАТИК ЁНДАШУВ ҲАҚИДАМ.С.Эрназарова – филология фанлари доктори
Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: лисоний ходиса, прагмалингвистика, лингвопрагматика, прагматика, семиотика, адресант, адресат, мулоқот системаси, лисоний система.

Ключевые слова: лингвистическое явление, прагмалингвистика, лингвопрагматика, прагматика, семиотика, адресант, адресат, система общения, лингвистическая система.

Key words: linguistic phenomenon, pragmalinguistics, linguapragmatics, pragmatics, semiotics, adresse, addressee, communication system, linguistic system.

Ўзбек тилшунослигида лисоний ходисаларни назарий ўрганиш, лисоний умумийлик ва моҳиятларни тиклаш, лисоний структур муносабатларни аниқлаш вазифаларининг тўла маънода бажарилиши тилни навбатдаги эмпирик ўрганишга мустаҳкам замин ҳозирлади. Тилни жонли воқеланишда тадқиқ қилувчи турли янги лингвистик парадигмалар шаклланди. Прагмалингвистика ёки лингвопрагматика тилшуносликнинг ана шундай йўналишларидан биридир. Аммо «кейинги йилларда «прагматика» атамасини қўлламайдиган тилшунос қарийб қолмади десак муболаға бўлмайди. Натижада ўзига хос прагматик «фетишизм» пайдо бўлиб, бажарилган тадқиқотларда атаманинг қўлланишидан ташқари унинг мазмунига оид бирон-бир маълумотни топиш қийинлашиб бормоқда» [2:53]. Айниқса, лингвистик прагматика ёки прагматик лингвистиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати кучаймоқда.

Прагматика сўзи грекча *pragma*, *pragmatos* сўзларидан олинган бўлиб, «иш», «ҳаракат» этимологик маъноларига эга. Прагмалингвистиканинг шаклланиши фандаги прагматик оқим билан боғлиқ. Келиб чиқиши жиҳатидан, аслида, фалсафий таълимот бўлиб, у фалсафани ҳар хил ҳаётий вазиятлардаги кишиларнинг туғилган муаммоларни ечишининг умумий методи сифатида талкин қилган. Прагматизм нуқтан назаридан билиш объектлари амалий масалаларни ҳал қилиш чоғида билиш ҳаракатларининг келиб чиқиши учун сабаб мақомига эга. Бошқача айтганда, билиш объектлари ва билиш ҳаракатлари сабаб-оқибат диалектикасини ўзида акс эттиради. Масалан, тафаккур организмнинг устунликка эришиш мақсадида муҳитга мослашиш воситаси ҳисобланса, бунда тафаккур маҳсули бўлган тушунча ва назариялар фаолият жараёнидаги қурол, асбоблар мавқеидир; ҳақиқат прагматизмда амалий фойдали ходиса сифатида талкин этилади. Демак, қўринадик, прагматика амалиётдаги назария, назариядаги амалиёт бўлиб, назария ва амалиётнинг диалектик яхлитлигини ифодалайди.

Прагматика атамаси «Сократдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар» [2:37]. Фанда прагматика илмий оқим сифатида XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда шаклланган бўлиб, асосий тамал тошлари Ч.Пирс томонидан қўйилган. Ч.Пирс ғоялари эса унинг салафлари бўлмиш У.Жемс, Ж.Дьюи, Ф.К.Шиллер, Ж.Г.Мид, Ч.И.Моррис каби ўз даврининг етакчи назариётчи прагматиклари томонидан ривожлантирилган. Сўнгра прагматика семиотиканинг таркибидан ҳам мустақил бўлим сифатида ўрин олиб, унда муайян бир ишоравий тизимдан фойдаланадиган субъектларнинг муносабатлари ўрганиладиган бўлди.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»да **прагматика** тушунчасига олимларимиз А.Мадвалиев, Й.Солижоновлар қуйидагича тавсиф беради:

«Прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик прагматика аниқ шакл, ташқи қўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувидаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ қўлаб масалалар қиради» [6:164]. Прагматикада бевосита нутқ билан боғлиқ қатор кўп тармоқли ходисалар ҳам диққат марказида бўлади: «Баённинг ошқора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва б.); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва б. ҳислатларига баҳо берилиши; сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати қабилар. Прагматикада нутқ адресати, ўзаро алоқага қирувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар билан боғлиқ ҳолда ҳам қўлаб масалалар ўрганилади. Бугунги кунда прагматика ғоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, информацион-қидирув тизимларида фаол қўлланилмоқда» [6:164].

Прагматика терминининг бошқа соҳаларда қўлланишида ҳам ҳаётий воқелик, реал факт асос қилиб олинади. Масалан, тарихий воқеликни англатувчи «1438 йилги прагматик санкция», «1713 йилги прагматик санкция» (*Sanctio pragmatica*) хрононимлари фикримизнинг далилидир.

XI асрнинг дастлабки йилларида ўзбек тилшунослигида ҳам прагмалингвистика соҳасида тадқиқотлар юзга кела бошлади.

М.Ҳакимовнинг «Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини» мавзусидаги докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматикага оид назарий масалалар биринчи марта монографик аспектда тадқиқ этилди [7:283]. Мазкур тадқиқот ишида лингвистик прагматиканинг тарихий илдизлари, унинг умумназарий масалалари, прагматиканинг тилшуносликнинг унга ёндош бўлган бошқа йўналишлари билан муносабати, лингвистик прагматика билан ўзбек тили сатҳлари орасидаги ўзаро алоқаси ҳақида баҳс юритилган, матн семантик тузилишида қатнашувчи прагматик мазмун турлари ўзбек тилидаги матнлар мисолида ўрганилган [8:6].

Проф. Ш.Сафаровнинг 2008 йилда нашр қилинган «Прагмалингвистика» номли монографияси тилшунослик фанининг нисбатан янги соҳаси бўлган прагмалингвистика фанининг бугунга қадар эришган ютуқларини умумлаштириш, унинг истиқболи ҳақидаги назарий қарашларни илмий таҳлил этишга бағишланган. Бу тадқиқот прагмалингвистиканинг «зурриёдлари» бўлмиш этнопрагматика, социопрагматика, қиёсий прагматика ва бошқа қатор илмий йўналишларнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти тўғрисида кенг қўламдаги илмий материалларни жамлаган дастлабки тажрибалардандир [2:286].

Шундай қилиб, прагматика тилшуносликнинг янги амалий тармоғи сифатида тилнинг нутқий жараён, нутқий вазият, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният билан алоқадор муаммоларини ўрганувчи [7:14] соҳа сифатида шаклланмоқда.

Прагматика ғоялари семиотикада ўрнашган семиотиканинг ўзи каби тилшунослик билан ҳам боғлана бошлади. Маълумки, семиотика ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ҳамда белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси, у ёки бу объектнинг семиотика нуктаи назаридан ўрганиладиган тизими мақомини ҳам олди. Лингвистик семиотикадаги (семиотик лингвистика эмас) асосий категория лисоний белги (лисоний бирлик) ҳисобланади. Бошқача айтганда, лингвосемиотика муайян лисоний бирликларни маълум бир ишора, белги, ифодаловчи сифатида талқин қилади. Матн ёки мулоқот тизимида воқеланган лисоний бирлик ҳамда унинг маъноси шакл ва мазмун яхлитлиги сифатида намоён бўлади. Белги сифатидаги лисоний бирлиكنинг маълум бир маъноси асосида у билан шартли равишда боғланган нарса-ходиса ҳақида кишилар коммуникацияга киришадилар – ахборот алмашинуви акс эттирадилар. Семиотиканинг тилшунослик билан бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ боғланиб кетишининг сабаби тилнинг бошқа ишоравий системалардан мукамаллиги, жонлилиги, қайишқоклиги каби хоссаларидир. Шунинг учун табиий саналувчи инсон тили сунъий ишоравий системалардан (сунъий тиллар, дастурлаш тили, физика, кимё, математика ва мантиқдаги рамзий тизимлар) амал қилиш вазиятига мослашувчанлиги билан белгиланадиган мураккаблиги асосида ажралиб туради.

Лисоний белгиларнинг ишоравий функцияларини ўрганишда синтактика, семантика ва прагматика яхлитлиги ва фарқлиги мавжуд. Яъни улар ўрганиш объектларининг умумийлиги жиҳатидан мужассамлашиши билан биргаликда ўрганиш предметларининг хусусийлигига кўра фарқланади. Семиотика нуктаи назаридан синтактика белгиларнинг мулоқотдаги занжирсимон кетма-кетлигини, семантика белгиларнинг ички ва ташқи унсурлари орасидаги муносабатни, прагматика эса белгилар тизимидан фойдаланувчиларнинг белгилар системаси амал қиладиган пайтдаги вазият билан муносабатини тадқиқ этади [3:336]. У Ч.С.Пирс талқинидаги «белгининг муносабат майдони уч йўналишдан иборат:

1) белги, аниқроғи, репрезантамен – бирор нарсанинг ўрнини алмаштирувчи моддий кўринишга эга бўлган восита;

2) идрок этувчининг онгидан ўрин олган ва белгининг тавсифини берувчи восита – интерпретанта;

3) белгида акс этаётган объект» [4:125-126; 5:50-53] яхлитлигининг янги ва ривожлантирилган шаклдаги кўринишидир.

Шу асосда лисоний белги маъноси ва вазият унсурлари синтактик омил асосида боғланади, оқибатда лисон ва прагматика муштарақлиги вужудга келади. Бу эса тилшунослик ва прагматиканинг лисон ҳамда вазият унсурларидан бирини ўрганиш объектлари сифатида танлашига олиб келади.

Прагматика инсоннинг коммуникатив фаолияти, унинг махсули бўлган мулоқот жараёни ва мулоқот вазияти воситасида юзага чиқади. Прагматика объекти аниқ форма ва қиёфадан холи, уни адресант ва адресат табиати ҳамда уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатини коммуникатив вазият билан боғлайдиган муаммолар мажмуи ташкил қилади. Масалан, адресант табиати билан боғлиқ бўлган ҳамда мулоқот сифати ва самарасини

белгилайдиган коммуникатив интенция; мулоқот стратегияси ҳамда тактикаси; мулозамат ва мулоқот одоби; коммуникантларнинг лисоний компетенцияси, қарашлари, қизиқишлари, макон ва замон қабилар мулоқот вазиятининг таркибий узвлари саналади. Улар асосида лисоний бирликлардан бирининг танланиши эътиборга олинади. Бунинг учун эса лисоний бирликларнинг маъновий хусусиятлари, синтактик имкониятлари, функционал қиймати, муқобиллик даражаси ўрганилади. Шу маънода тилшунос Ш.Сафаров «Прагмалингвистика» монографиясида прагматик лингвистиканинг ўрганиш объекти ва таҳлил методологияси таҳлили жараёнида прагмалингвистик тадқиқ доирасини торайтириш сифатида баҳолаган Ж.Катзнинг «Грамматика гап турлари структураси ҳақидаги таълимотдир, прагматика эса, аксинча, лисоний тузилмаларнинг қурилиши, уларнинг грамматик хусусият ва муносабатларини ёритиш билан шуғулланмайди. Прагматик назариялар гап белгиси ва пропозициянинг матндаги мувофиқлигининг сўзловчи ва тингловчи томонидан оқилона таъминланишини ўрганадилар. Шунга кўра, прагматик назария нутқий фаоллик (перформация) назариясининг маълум бир қисмидир» [9:19] деган фикрини лингвистик прагматика объекти нуктаи назаридан туриб оқлаш имкониятлари борлигини таъкидлаш лозим. Зеро, прагматика фаолият назарияси экан, унинг тури сифатида лингвопрагматика эмас, балки прагмалингвистика бўлиши мақсадга мувофиқ. Устоз Ш.Сафаров С.Левинсоннинг лисоний ходисани биринчи ўринга чиқариб билдирган «прагматика тилдан фойдаланувчиларнинг гапларининг контекстда ўринли қўлланилаётганлигини ўрганувчи соҳадир» [10:24] деган фикрини «тор доирада тасаввур қилиниши» сифатида бўлса-да, қўллаб-қувватлаши, биринчидан, анъанавий прагмалингвистикани лингвопрагматик мазмунда тушунишга мойиллигини кўрсатади. Иккинчидан, прагмалингвистиканинг тадқиқ тамойили сифатида «тил – прагматика» ва «прагматика – тил» жуфтлигини олаётганлигидан далолат беради. Унинг мазкур асарнинг 69-саҳифасида баён этган «лингвопрагматик таҳлил объекти эса ҳар қандай ҳолда ҳам лисон ва унинг фаолият жараёнида воқеланадиган хусусиятлари ва, умуман, коммуникация категориясидир» деган фикрининг биринчи қисми («ҳар қандай ҳолда ҳам лисон») ҳам бизнинг нуктаи назаримизнинг ишончлилиги даражасини кўрсатади. Ишнинг «умуман, коммуникация категорияси» қисми эса лингвопрагматиканинг ўрганиш объекти масаласини маълум даражада мавҳумлаштиришини истиҳола билан таъкидлашни истардик. Зеро, «прагмалингвистика функционал услубнинг махсус бўлими сифатида эндиgina оёққа тураётган ва фақат ўзининг категорияси, тадқиқий усуллари аниқлашга киришаётган соҳадир» [1:46].

Кўринадики, фанда прагматик лингвистика лингвистик прагматикадан фарқланмаганлиги туфайли уларнинг тадқиқ объектларини белгилаш ва «муаллифлар сони кўпайган сари берилаётган таърифлардаги турли хиллик, фикрлар зидлиги ҳам ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз».

Демак, айтиш мумкинки, мазкур қўш соҳанинг умумий объекти сифатида қаралаётган:

«коммуникатив фаолият категориясининг асосий фаолиятдир;

тил коммуникантларнинг ўзаро муносабатини ҳаракатга келтирувчи воситадир;

лисоний фаолият мулоқот муҳити билан боғлиқ ходисадир» [2:69] ҳукмларининг биринчисинигина прагмалингвистика тасарруфида қолдириш ўринлидир.

Тилшуносликнинг исталган парадигмасининг, у анъанавий бўладими, замонавий бўладими, ўрганиш объекти тилдир. Модомики, прагматик лингвистика ёки лингвистик прагматика тилшунослик йўналиши сифатида қаралар экан, унинг ўрганиш объектини лисоний бирлик ва структурадан иборат системадан кидирмоқ лозим.

Диалектик нуктаи назардан серкирра мохиятли мулоқот тизимиға икки томондан ёндашиш мумкин. Унинг бир томони мулоқот вазиятининг қандай лисоний воситалар асосида эканлиги бўлса, иккинчи томони мавжуд лисоний бирликларнинг мулоқот вазиятига ҳосланиши муаммосидир. Шу нуктаи назардан прагматик йўналишнинг тадқиқ объектига икки хил ёндашув юзага чиқади:

- а) «мулоқот системаси → лисоний система»;
- б) «лисоний система → мулоқот системаси».

Биринчи тамойилга кўра, тадқиқ объекти сифатида мулоқот системаси, тадқиқ предмети сифатида эса лисоний система намоён бўлади. Тилшунослик учун эса ҳеч қачон мулоқот системаси ва лисоний система

зиддиятида мулоқот системаси тадқиқ объекти сифатида биринчи даражада аҳамият касб этиб, лисоний системанинг ўрни иккинчи ўринга туширилиши мумкин эмас. Таъкидлаш лозимки, мулоқот системаси ёки лисоний системани «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосида ўрганишни мутлақ инкор этиш ниятида эмасмиз. Аммо ҳар бир ҳодисани ҳолис номлаш тамойилига кўра, «мулоқот системаси → лисоний система» тамойили асосидаги ёндашувни лингвистик прагматика (яъни тилшуносликнинг прагматик соҳаси) эмас, балки прагматик лингвистика (яъни прагматиканинг тилшунослик соҳаси) атамаси билан юритиш ва мантиқан нолингвистик соҳа сифатида қарамоқ лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланаётган янги соҳалари қаторида лингвопрагматиканинг тадқиқ объекти ва предмети тўғри идрок этиш ҳамда шу асосда унинг тадқиқ методологиясини танлаш катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Ахманова О.С., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика. // Вопросы языкознания. №3. – М.: 1978. – С.46.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. 286-б.
3. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, филологии, искусства. – М.: «Наука», 1971. –С. 336.
4. Сусов И.П. Семиотика и лингвистическая прагматика. // Язык, дискурс и личность. – Тверь: 1990. – С.125-126.
5. Сухачев Н.Л. О семиотике Ч.С.Пирса. Тройственный знак в универсуме репрезентаций. – СПб.: -М.: «Наука», 2003. - С.50-53.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. 164-б.
7. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 2001. 283-б.
8. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001. 6-б.
9. Katz J. Propositional Structure and Illocutionary Force. – New York: Crowell, 1977. – P.19.
10. Levinson S. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – P.24.

РЕЗЮМЕ

Мақолада лингвистик прагматика ёки прагматик лингвистиканинг тилшунослик ва прагматикага алоқаси масаласини, уларнинг ўрганиш объектини ойдинлаштириш зарурати, фанда прагматик лингвистика лингвистик прагматикадан фаркланмаганлиги туфайли уларнинг тадқиқ объектларини белгилаш масалалари ҳақида сўз юритилган. Ҳар бир ҳодиса ҳолис номлаш тамойилига кўра таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об отношении лингвистической прагматики или прагматической лингвистики к языкознанию и прагматике, о необходимости уточнения их объекта, а также обсуждаются вопросы определения отличия прагматической лингвистики от лингвистической прагматики в науке. Каждое явление проанализировано по принципу объективного именования.

SUMMARY

The article discusses the issue of linguistic pragmatism or the relationship of pragmatic linguistics to linguistics and pragmatics, the need to clarify the object of their study, the definition of their research objects because pragmatic linguistics in science does not differ from linguistic pragmatism. Each event was analyzed according to the principle of unbiased naming.

ЛЕКСЕМЫ ЦВЕТООБОЗНАЧЕНИЯ СИМВОЛИКИ ЦВЕТА В ПАРЕМИОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО, УЗБЕКСКОГО И КАРАКАЛПАКСКОГО ЯЗЫКОВ

И.М.Ходжалепесова – *стажёр преподаватель*

Каракалпакский государственный университет имени Бердаха

Таянч сўзлар: мақол, паремиологик бирлик, ранг рамзи, рангнинг белгиланиши, антропоцентрик характеристикаси.

Ключевые слова: пословица, паремиологическая единица, символика цвета, цветообозначение, антропоцентрическая характеристика.

Key words: proverb, paremiological unit, symbolic of colour, colour-denotant, anthropocentric characteristics.

Одной из важных и актуальных проблем современных лингвистических исследований является изучение семантики фразеологических единиц, в частности, пословиц. Пословицы – это афористически сжатые изречения с назидательным смыслом и ритмически организованной формой [5:432]. Несомненный интерес лингвистов к пословицам обусловлен прежде всего тем, что, формируя важнейший элемент духовной культуры, они заключают в себе смысловой уровень, показывают семантику языка и в краткой лаконичной форме сохраняют миропонимание каждого народа. В связи с этим, до сих пор пословицы остаются предметом сосредоточенного внимания отечественных и зарубежных исследователей.

Пословицы, характеризуясь образностью выражения того или иного смысла, свидетельствуют об особенно-

стях образности мышления каждого народа, о способах его метафорического осмысления картины мира, позволяют увидеть образно сформулированную систему ценностей народа и перечень рекомендуемых моделей поведения практически в любых жизненных ситуациях [6:70].

Пословицы представляют интерес в плане своей национально-культурной семантики, ведь в них раскрываются особенности национально-этической природы, общественного порядка, фольклора, художественной литературы, искусства, быта и обычаев разных народов мира. Каждый язык обладает своей сокровищницей паремиологических единиц, как зеркало отражающих историю, культуру, быт его носителей. Пословицы из поколения в поколение передают национальное самосознание и национальный менталитет определён-

ного народа или этноса и становятся важной чертой в образовании картины мира. По этой причине пословицы считаются теми языковыми единицами, которые описывают или раскрывают особенности национального менталитета. Однако пословицы могут вызывать у человека, как представителя определённого этноса, индивидуальные ассоциации и воображения, а также степень восприятия. Это объясняется тем, что в основе образа мира каждого народа лежит своя система предметных значений, социальных стереотипов и когнитивных схем [3:38].

«Пословицы не сочинялись, а рождались. Кто сочинял пословицы неведомо никому. Это сочинение и достояние общее, как и сама радость и горе, как выстрадавшая таким приговором... Пословицы не сочиняются, а вынуждаются силою обстоятельств, как крик или возглас, невольно сорвавшийся с души; это целые изречения, сбитые в один ком, в одно междометье» [2:7].

М.А.Черкасский считает, что пословица относится к особому надязыковому ярусу, отличающемуся от языковых единиц и неязыковых (музыка) [8:37]. Г.Л.Пермяков относит пословицы к паремиологическому ярусу, который является верхним в иерархии языковых ярусов [7:32].

Пословицы – это жемчужины житейской мудрости, духовное богатство и культурное наследие народа, проверенное на многовековом опыте [1:98].

Основная часть. В сравниваемых языках обнаружены пословицы, содержащие лексемы цветообозначения и раскрывающие разные сферы человеческой деятельности, быта, образа жизни и характера, взглядов на явления окружающего мира.

Символика чёрного цвета в паремиологии может указывать не сколько на цвет, сколько на недостатки человека: *Every bean has its black* – И на солнце есть пятна. Обычно данная пословица употребляется в случае описания недостатков совершенного человека, который, как и все другие люди, может совершить какую-либо ошибку. В узбекском языке выявлен следующий аналог этой пословицы: *Хар бир дуккакнинг ўз қорачиги бор*. Заметим, что в пословице также присутствует семантика чёрного цвета.

Рассмотрим другую английскую пословицу со значением чёрного цвета: *There are black sheep in every flock* – (букв.) В каждом стаде имеется паршивая овца = В семье не без урода. Пословица метафорически указывает на то, что в любом человеческом обществе, будь это семья или профессионально-трудовой коллектив, присутствует человек, который отличается от других какими-либо отрицательными характеристиками и портит общую оценку этого социума. Приведём узбекскую идентичную паремию: *Хар поданинг ўз қора қўйи бор* – В каждом стаде есть “чёрная” овца.

Интересная антитеза цветового спектра раскрывается в английской пословице *Two blacks do not make a white* – (букв.) Два чёрных не создаст белое = Чужим грехом своего не искупишь. На аналогичной антитезе построены узбекские и каракалпакские пословицы: *Қора итнинг уяти оқ итга тегар* – Чёрное всегда пристаёт к белому. В каракалпакском языке, напротив, высказывается другая идея: *Аққа қара жоқ, қараға шара жоқ* – Чёрное к белому не пристанет. Заметим, что в приведённых примерах под семантикой чёрного и белого цветов скрываются два противопоставления: плохое и хорошее или зло и добро. Отсюда следует, что в картине мира носителей сравниваемых языков такое восприятие чёрного и белого цвета одинаково.

В английском языке особую популярность приобрела пословица *The devil is not so black as it is painted* – Не

так страшен чёрт, как его рисуют. У данной пословицы нет узбекского и каракалпакского эквивалента. Встречаются пословицы с цветообозначениями, происшедшими из названий драгоценных металлов: *Kill the goose that laid the golden eggs* – Убить курицу, несущую золотые яйца. В данной пословице речь идёт о компоненте *golden* – золотой, золотистый, в основе которого лежит слово *gold* – золото. Популярностью пользуется каракалпакская паремия *Сабыр түби сары алтын* – (букв.) На дне терпения жёлтое золото.

Покраснение цвета имеет положительную оценку в пословицах английского языка, поскольку связано с чувством стыда или совести: *Blushing is virtue's colour* – (букв.) Покраснение – признак совести. В узбекском и каракалпакском языках не обнаружены подобные пословицы. Зато в родственных языках (узбекском и каракалпакском) критикуется покраснение лица молодого мужчины: *Емен деген ағаштың ийилгени сынғаны, кызыл жүзлі жигиттің уялғаны* – өлгени – (букв.) Если дуб гнётся, это все равно, что он сломан, если джигит (юноша) краснеет, это все равно, что он умер; *Қизил юзлі йигитнинг қызарғани* – ўлғани. В последнем примере значение красного цвета актуализируется два раза: в первом случае красный цвет указывает на цвет лица: *қизил юзлі*, а в слове *қызарғани* имеется в виду покраснение лица, скорее всего, от стыда.

Следующая английская пословица с семантикой серого цвета номинирует идентичность человеческой натуры в темноте на основе метафоризации зоокомпонента: *All cats are gray in the dark* – Ночью все кошки темны. К пословице подобран узбекский эквивалент: *Қоронғида қора қўринасан, ёруғда – оқ*.

Зелёный цвет часто присутствует в английских пословицах: *The grass is always greener on the other side of the fence* – (букв.) Трава зеленее по ту сторону забора = В чужой каше зёрна крупнее. Пословица используется в контексте сравнения человека своих благ с благами других людей, особенно когда кажется, что у других людей больше и лучше. Обнаружен узбекский аналог этой пословицы, однако без сохранения зелёного цвета: *Қўшининг товуги гоз қўринар* – Соседская курица кажется гусем. Приведём другую английскую пословицу, в которой зелёный цвет обозначает постоянство, жизнестойкость: *A hedge between keeps friendship green* – Стена между друзьями сохранит дружбу навсегда.

Сугубо негативной оценкой обладает английская паремия *Bring somebody's gray hair to the grave* – (букв.) Принести чей-либо седой волос в могилу = Напрасливый чужой век заедает. Пословица обозначает плохое и неуважительное отношение к пожилым людям (чаще родителям). В узбекской и каракалпакской языковых культурах не обнаружены идентичные пословицы, что связано с менталитетом и уважительным отношением молодёжи к старшему поколению.

Остановимся на примере пословицы с разделением цветов на хорошие и плохие: *A good horse cannot be of bad colour* – Хорошая лошадь не может быть плохой масти = Тучи яхшидан чекина. В основе значения пословицы лежит соответствие красивой внешности и внутреннего содержания. Примечательно использование оттенков «тёмный/светлый» в паремиологических единицах сравниваемых языков: *The darkest hour is that before the dawn* – Самый тёмный час наступает перед рассветом = Нет худа без добра; *Ойнинг ўн беш кун қоронғи, ўн беш кун ёруғ* – В месяце пятнадцать дней тёмных, а пятнадцать – светлых, т.е. после тёмной полосы наступает светлая полоса. Вот прямой каракалпакский эквивалент данной пословицы: *Айдың он беси қараңғы, он беси жарық* – Не всё ненастье, будет и красное солнышко.

В каракалпакской паремиологической картине мира

знание ассоциируется со светлым: *Билимги ерге нур жауар* – (букв.) На землю знаний падает свет.

Следует отметить, что антитеза часто проявляется с цветообозначениями чёрного и белого цветов: *Wash a black amoor white* – Чёрная шерсть от мытья не побелеет = *Қорани ювган билан оқ бўлмас*.

У представителей узбекского и каракалпакского народов ряд пословиц имеет идентичную структуру и семантику: *Жақсы қатын ерин ер қылады, жаман қатын ерин қара жер қылады* – (букв.) Хорошая жена делает мужа мужем, а плохая жена делает мужа чёрной землёй. Узбекский аналог: *Эрни эр қиладиган хотин, қора ер қиладиган хотин*.

В паремииологии сравниваемых языков темнота символизирует печаль, несчастье, а свет, наоборот, наоборот надежду, радость и счастье: *Light shining in the darkness* – Проблеск надежды [4: 207]; *Look on the bright side* – Где надежда, там и проблеск = *Яхши ният, ярим давлат*.

Порой под цветом подразумевается умение различать людей и понимать суть дела: *Blind men can judge no colours* – Слепой не видит не зги. Данная пословица актуализирует своё значение на основе метафорического переосмысления.

Временные промежутки в пословицах также могут передаваться с помощью цветообозначений: *Once in a blue moon* – В кой-то веки = *Куннинг куни бўлганда*. Внезапность чего-либо отражается в следующей паремии: *Out of a blue sky* – Как гром среди ясного неба = *Қутмаган тош бош ёпар* [4:313].

Простота человеческой души отражается в следующей пословице: *The darkest place is under the*

candlestick – На каждого мудреца довольно простоты = *Шам ёруги тубига тушмас*. Достоинство благородного человека актуализируется в пословице *True blue will never stain* – Чести дворянин не кинет, хоть головешка погибнет = *Асл одам ҳеч ўлмас*.

Красный цвет приобрёл особую популярность в английской паремииологии: *Like a red rag to a bull* – Как красное для быка. Не дразни собаку – укусит.

Заключение. Каждый цветовой символ в исследуемых языках может использоваться как отдельное слово, так и в сочетании с другими словами, тем самым формируя фразеологические и паремииологические единицы. Лексемы цветообозначения могут реализовать положительную, нейтральную и отрицательную оценки и активно использоваться в характеристике внешности человека, возрастной категории, внутренних переживаний, психологических реакций на явления и события окружающего мира. Цветообозначения широко используются в указании на профессиональную деятельность человека, его социальный статус и материальное положение.

Лексемы цветообозначения в составе паремий английского, узбекского и каракалпакского языков выражают разные оценки поступков человека, поведенческих моделей, жизненных ситуаций и личностных характеристик. В составе пословиц и фразеологических единиц компоненты с символикой цвета часто реализуют своё значение на основе метафорического или метонимического переосмысления, а также ассоциаций с определёнными цветовыми символами.

Литература

1. Бакиров П.У. Концепт и пословицы. Филология ва маданиятлараро коммуникация: долзарб масалалар ва истикболлар. – Тошкент: 2018. – С. 98-101.
2. Даль В.И. Пословицы и поговорки русского народа. – СПб. 1998. –С. 544.
3. Жалгасов Н.М. Прагматические и лингвокультурологические особенности оценки человека в провербиальных образованиях (на материале английского, узбекского и каракалпакского языков). Дисс. ... PhD по филол. наукам. – Нукус: 2020. –С. 161.
4. Караматова К.М., Караматов Х.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. – Тошкент: «Меҳнат», 2000. 398- б.
5. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна: «Феникс», 2005. –С. 488.
6. Мирзаев Ф. Лингвокультурологическая направленность обучения в языковом вузе. // Тил ва адабиёт таълими. Илмий-методик журнали. – Тошкент: 2017. № 9. -С. 69-70.
7. Пермяков Г.Л. Основы структурной паремииологии. – М.: 1988. –С.235.
8. Черкасский М.А. Опыт построения функциональной модели одной частной семиотической системы. (Пословица и афоризм). Паремииологический сборник: Пословица. Загадка (Структура, смысл, текст). – М.: 1978. – С. 35-53.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада антропоцентрик хусусиятларни тавсифлаш учун ранг рамзи воситасида инглиз, ўзбек ва қарақалпоқ мақоллари таҳлил қилинади. Инглиз, ўзбек ва қарақалпоқ тиллари паремияларидаги ранг билдирувчи лексемалар инсон хатти-ҳаракатлари, ҳуқ-атвор моделлари, ҳаётини ҳолатлари ва шахсий хусусиятларини турлича баҳолайди.

РЕЗЮМЕ

В статье анализу подвергаются английские, узбекские и каракалпакские пословицы с символикой цвета для описания антропоцентрических характеристик. Лексемы цветообозначения в составе паремий английского, узбекского и каракалпакского языков выражают разные оценки поступков человека, поведенческих моделей, жизненных ситуаций и личностных характеристик.

SUMMARY

The present article is devoted to analysis of English, Uzbek and Karakalpak proverbs with symbolic of colour for describing anthropocentric characteristics. Color lexemes in the parems of the English, Uzbek and Karakalpak languages express different assessments of human actions, behavioral models, life situations and personal characteristics.

ТИЛДА ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ФАРҚЛАРИ ҲАҚИДА

И.Худайназаров – филология фанлари номзоди, доцент
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қариш филиали

Таянч сўзлар: гендер, неологизм, нутқ андазаси, коммуникация, рефлекс, антропология, жинс, нутқий ҳамкорлик.

Ключевые слова: гендер, неологизм, образец речи паттерн, общение, рефлекс, антропология, гендер, речевое сотрудничество.

Key words: gender, neologism, speech pattern, communication, reflex, anthropology, gender, speech cooperation.

Сўнгги пайтларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида гендер тенглиги муаммоларини муҳокама қилиш оммавий тус олди. Касбий, ижтимоий ва сиёсий фаолиятда аёлларга ёки эркекларга нисбатан муносабатни билдириш зарурлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бироқ, тилда гендер ассиметрияси муаммоси шу пайтгача фақат тор доирадаги мутахассисларга таниш эди.

Русча "гендер" атамаси, инглизча "гендер" сўзи ҳам дастлаб жуда тор маънога йўналтирилган бўлиб, фақат грамматика соҳасига тегишли бўлган. Янги терминологик маъно пайдо бўлиши билан (ижтимоий-маданий жинсий алоқа) ва гуманитар билимларнинг гендер компонентининг ривожланиши билан жинс ўлчови тил тизимининг барча даражалари учун долзарб эканлиги ва лексик бирликларнинг семантикасининг

анча чукурроқ, денотатив ва коннотатив маъноларга кириб борганлиги, жамиятда, яъни дунё микёсида маълум бир лингвистик сўз билан боғлиқдир. Тадқиқотда жинснинг расмий грамматик белгилари бўлмаса, муҳолифат эркак / аёл тилнинг концептуал метафора тузилишига қандай кириб боришини кўрсатиш учун инглизча сўзнинг семантикасида жинснинг намоён бўлишининг турли жиҳатлари ўрганилган.

Сўзлар ва иборалар семантикасида кимнинг (эркак ёки аёл) тажрибаси / билимлари / баҳолари улар томонидан кодланганлигини кўрсатадиган таркибий қисмлар мавжуд дейишга асос бор. Шундай қилиб, номзодларни кўрсатиш жараёнида гендер муҳим параметр бўла олади.

Ҳозирги даврда гуманитар фанларнинг турли соҳаларида гендер масалалари муҳим рол ўйнайди. Маданиятни ривожлантиришда жинсларнинг ролини ўрганиш фалсафада, тарихда, тилда, адабиётда ва санъатда уларнинг рамзий ифодаси жамият ривожланишининг янги қирраларини кўришга, содир бўлган жараёнларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради.

Тилшунослик бўйича гендер тадқиқотлар тобора кучли ва мустақил позицияни эгаллашга киришиши, авваламбор, жамиятдаги аёлларнинг ижтимоий мавқеи аста-секин ўзгариб бориши билан боғлиқ. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, улар анъанавий эркакларнинг турмуш тарзи ижтимоий шароитларга мос келмаслиги ҳақида ёзишни бошладилар. Бу ҳодиса бир неча тадқиқотчилар томонидан “эркаклар инкйрози” деб номланди.

Т.Г.Попованинг фикрича, гендер атамаси миллатлараро хилма-хилликнинг социал-маданий сабаби сифатида табиий эмас. Гендер тизими, жинсига қараб, жамият аъзоларига қаратилган ассиметрик баҳолаш ва умидларни акс эттиради. Айтиш керакки, гендер фарқлари табиий равишда инсоннинг нутқи хатти-ҳаракатида намоён бўлади [3].

Тилшуносликда коммуникатив ёндашув жараёнида турли хил алоқа турларини ўрганиш ўринлидир. Шу билан бирга, “ривожланишнинг ҳозирги босқичидаги тилшуносликнинг антропологик йўналиши мулоқотнинг гендер аспектини ҳисобга олиш зарурлигини талаб қилади” [4].

Бу тадқиқотлар диққат марказида гендер-вариатив тил фарқлари асосида тизим механизмларини шакллантириш, аёллар ва эркаклар учун жамият муносабатини аниқлаш, эркак ва аёл фазилатларини стереотипларни сабаб, маданий ва ижтимоий-психологик омиллар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тил ва жинс ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларини ўрганиб чиқадиган ишларда А.А.Григорян куйидаги йўналишларни баён қилади:

- эркаклар ва аёлларнинг тил амалиётидаги фарқлари ва умумий хусусиятлари;
- гендер тамойиллари ва тилнинг номутаносиблиги [1].

Эркак ва аёл нутқлари ўртасидаги фарқ тилнинг фонетик, фонологик ва сўз бирикмаларида жойлашган. Эркак ва аёл сўзлашувидаги фарқлар тилшуносликка оид ишларда кўриб чиқилган.

Гендер жиҳатдан “аёл” сўз бойлиги нисбатан кичикроқ, аёллар сўзлашувининг асосий қисми, яъни сўз бирикмасидан фойдаланишидир. Лексик бирликларда нутқнинг пайдо бўлиши юқори частотаси бўлган бўлсада, инсонларда кўпроқ неологизм, касбийлик ва сўзнинг архаик шакллари ишлатилади, улар кўпроқ умумий сўзлар ва ибораларни топа олмайди.

Аёллар эркакларга қараганда мулоқот қилишда

биринчи ўринда турадилар. Одатда, аёлларнинг сўзлашуви табиатан хулқ-атворлари билан тил муносабатлари бошланади, унинг мақсади мулоқот қилувчининг ниятларини бевосита эълон қилиш эмас, балки суҳбатдош билан ҳиссий алоқа ўрнатишдир.

Кўпчилик ҳолларда, аёлларнинг сўзлаган биринчи нутқи, савол туғдиради. Рефлекс даражасида интервью интонацияси одамни жавоб беришга ундайди ва шу билан уни автоматик равишда ички мулоқот ҳолатидан олиб қўяди. Диалогик жиҳатдан ўзаро таъсирга эга бўлиб, аёл ҳозирги шароитда раҳбарлик қилиш кераклигини дарҳол сеза бошлайди. Ўзига жалб қилиш, сўзларни қидириб топиш учун у бутунлай суҳбатдошга таянади. Бундай бошланиш одатда ижобий натижа беради.

Аёллар нутқидаги сўзнинг семантик бошланғич нуқтасидаги фарқнинг сабаби, эркаклар ва аёллар билан мулоқотга киришадиган асл ноёб ниятлари ўртасида “Аёллар учун нутқ дўстлашиш ва муносабатларни сақлаб қолиш воситаси, инсон учун гапириш, ҳақиқатларни етказиш” деган маъноларни англатади [3].

Тилда аниқ мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг бири сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Баёнотлар тингловчига аниқ таъсир кўрсатиши учун амалга ошириладиган ҳаракатлар (нутқ актлари) нинг самараси ҳисобланади. Нутқнинг мақсади ҳар қандай бошқа ҳаракат каби, тингловчининг кузатиш объекти бўлиши ва бунинг асосида тингловчи сўзловчининг режалари тўғрисида хулоса чиқариши мумкин.

Ахборот воситаларининг етарли даражада ўзаро тушунишига, нутқда ва уларни ифода қилиш усуллари ўртасида мунтазам алоқалар мавжудлигини таъминлайди. Аёллар ўз нутқларини ривожлантириши сабабли, бошланғич тил ечимларини тан олмайдилар ва гапнинг яширин маъносини қидиришни афзал кўришади. Ҳар бир янги мулоқотда ташаббускор аёл катъий равишда мақсадга эришади, бунда аниқ амалий натижага эришиш учун зарур шарт-шароитлар ва ҳиссий ўзгариш механизмини яратади. Алоқа соҳасидаги икки томонлама табиатан шеригига етарли даражада шаклланган вазифани белгилашни қийинлаштиради.

Аёл репликалари одатда бирлашган нутқ актидир. Мулоқотнинг мақсади ташқи позицияга боғлиқ ҳолда нотўғри таъриф берилиши спикернинг тахминларини нотўғри талқин қилишга ёки шеригининг мулоқотдан қочишига олиб келиши мумкин.

Коммуникатив алоқалар, агар улар ўртасида умумий белгилар билан алоқа жойи пайдо бўладиган бўлса, бир хил фикрдан фойдаланган ҳолда манзилни амалга ошириш ҳолатлари учрайди.

Австралиялик машҳур ёзувчилар (Пиз А., Пиз Б.) аёлларда мулоқотда устунлик қилиш ҳолатлари эркакларникидан кўра кўпроқ қобилиятга эга эканликларини аниқладилар [2]. Мулоқотнинг дастлабки сўзларидан аёллар дарҳол суҳбатдошининг ўрнини эгаллашга тайёргарлик кўришлари ва вазиятни ўз позициясида баҳолашлари ҳақида шошиладилар (лекин бу ҳар доим ҳам ўз нуқтаи назаридан воз кечишни англатмайди). Суҳбатдош билан ўзини таништириш жараёнининг расмий белгиси, “**буз**” деб ном олган атама эркакларга қараганда аёллар кўпинча ўзларининг дастлабки маслаҳатларини ўз ичига олади.

Эркаклар учун мулоқотнинг ўзига хос мақсади, пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратадилар. Қарама-қарши жинс вакиллари, камдан кам мулоқотда тўлиқ шерик сифатида кўрилади. Суҳбатнинг бошида эркаклар аёллар учун мақбул бўйсунуш схемасини тақдим этадилар. Тил режасида ҳозирги ҳолатдаги фаолиятнинг ягона мавзу позицияси “**мен**” деган ном

билан ифодаланади.

Шундай қилиб, инсон онгида тизимнинг ролини ўйнайдиган ўзига хос кундалик тушунчалар мавжуд. Уларнинг принципи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ижтимоий-маданий келиб чиқиши, шарҳланиши ва баҳоланишидир. Гендер ёндашув тилнинг антропологик йўналишини янада ривожлантириш ва инсон омилининг тилда янада аниқроқ кўриб чиқилишига имкон беради.

Диалог бошланиши, шахсларо ўзаро таъсир механизмини тузатишга йўналтирилади. Инсон нутқининг бошланғич таркибидаги иштироки келгусида мулоқотнинг мақсадини аниқ белгилаш билан чекланган. Ушбу коммуникатив ролни амалга ошириш бошланғич ва ядронинг ажралмас табиятига, "мен" атамасининг фаол ишлатилишига, дастлабки фикр ва оғзаки нутқнинг кўринишига қатъий мос келиши билан таъминланади.

Сухбатга киришишнинг асосий қулай имкониятини яратиш учун аниқ ҳаракатлар назарда тутилади. Исталган ҳолатга эришиш сухбатнинг умумий мантикий ва семантик тузилмасидан сўз бошланиши аниқ таксимланиши, нутқ кўринишлари ўзгариши, сухбатдошнинг нутқида тақлид қилиш орқали содир бўлади. Мулоқотнинг эркак услуби ижтимоий ҳукмронлик ва мустақилликка интилиш, хотин-қизлар билан ҳамкорликка бўлган интилишларини кўрсатади.

Айни пайтда, диалог давомида аёлларнинг катта иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва рақобат эркинликларини бериб, тез-тез очиқ душманлик ва тажовуз формасини олади. Бунда хилма-хил бўлган ноаниқ фикрлар вужудга келиши мумкин.

Бундай низои ҳал қилишдан кўра, олдини олиш осонроқдир. Қабул қилишнинг мумкин бўлган усулларида бири таклиф қилинган сухбат моделининг қисман нутқнинг пайдо бўлиши қарама-қарши жинсдаги сухбатдошнинг нутқ хатти-ҳаракатлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши мумкин.

Асосий фикрни ифодалаш, унинг тўлдирилиши вазиятга боғлиқ бўлиб, асосан шерикнинг нутқ ҳаракатлари билан аниқланади, дастлабки сўзлар тўғридан - тўғри мулоқот пайтигача қисман

тайёрланиши ва оғзаки равишда тузилиши мумкин.

Шу ўринда, шеърийта гендер хусусиятларнинг ифодаланишини кўриб чиқишимиз натижасида қуйидаги ҳолатларни кузатишимиз мумкин.

Шеърий асарларда нутқ асослари нуқтаи назаридан ўрганиш бизда гендер ҳодисаларнинг мавжудлигини очиқ беришга имкон беради.

- лингвистик матнларда объектив равишда мавжуд бўлган ҳақиқатлар маълум бир асарнинг ички мавзуси объектларини ёритиш ва улуғлаш натижасида юзага келадиган паралингвистик жинс бирликларида иборатдир. Ўқувчининг шеърийта ҳақидаги тушунчаси матн яратувчи бирликларнинг барча турдаги категория функцияларини, шу жумладан, гендер функцияларини онгли ёки онгсиз равишда ёритишга асосланган бўлади.

Асарда жамиятдаги айрим чиркин иллатлар ҳам бадий-рамзий ёки ғайритабiiй шаклда ўз ифодасини топган. Турли идора ёки корхоналардаги эрталабдан кечгача бесамар қоғозларга кўмилиб ишда ўтирувчи, натижада, оиласи, фарзандига деярли вақт ажратолмайдиган айрим ходимлару мутахассислар ҳамда раҳбарлар фаолияти танқид қилинади. Зотан, оилада фақат иш ташвиши билан банд бўлган ота-онанинг фарзанди эртага юрт келажагига қандай раvнақ кўша олади? Бу каби оилалар билан келажакка одимлаётган жамият раvнақига ким қафолат беради? Шу маънода, китоб бундай кимсаларга нисбатан ўқувчида нафрат туйғусини уйғотади: «Билмадим, – деди ходим. – Мен анча йиллардан бери тепага кўтарилганим йўқ... Иш кўплигидан вақтимиз тежамли. Вақт етавермагач, ишхонанинг ўзида тунаб қоладиган бўлдик... Рафасни кўмишди. Мен у билан шу ердаёқ видолашиб қўя қолдим. Ишим кўп эди. Кўмиш маросимида қатнашолмадим... Рафаснинг камсукум ўлимни раҳбарлар роса макташди. «Ҳақиқий қасбига содиқ инсонлар шундай бўлиши керак», дейишди [1: 84].

Асарда ҳаёт уммонидаги чигалликлар олдида боши қотган қаҳрамон руҳияти чуқур таҳлил қилинган. У давр ва жамиятнинг чиркин иллатлари олдида ожиз. Бу жамият бўшлиқдан бошқа нарса эмас: «У ўзининг доира ичидаги даҳлизга – зулмат қоплаган бўшлиққа чиқиб қолганини тушунди – шунда ҳаёт нақадар аянчли, деган фикр келди ҳаёлига» [1:87].

Н.нинг Қ биносидаги «саргузаштлари»дан сўнг шоир билан учрашув лавҳалари бошланади. Асарда номи келтирилмасдан, шоир дея кўрсатилган қаҳрамон тилидан келтирилган қуйидаги жумлалар уни собиқ тузум мафкурасидан қутулиб, янги давр ғояларини яратувчи киши сиймосида гавдалантиради: «Аслида ҳам шу вақтгача амал қилинган нарсаларнинг ҳаммаси

сохта эди... Менинг қаҳрамонларим аксил одамлар. Улар бу дунёни йўқ қилиб, вайрон қилиб берадилар. Дунёда янги ишонччи, янги Муҳаббатни, янги қаҳрамонни барпо қиладилар. Шу сабабли эски дунёга хос барча қалбларни синдиришим, у ерда аксил одамлар яратишим, нимаки эски бўлса, ҳаммасини вайрон қилишим керак. Шеърларимдаги ваҳм ва кўркувлар шу мақсад йўлидаги илк қадамларим. Мен одамни қайта яратиш учун уни вайрон қилиш, йўқ қилиш керак деб биламан. Сўнг вайронани тозалаб, янги бино қуриш мумкин бўлади». Дарҳақиқат, эски тузум саркитларидан қутулмагунча, янги ғоялар билан иш кўриш мумкин эмас. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлаганларидек, «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бўзма». Аммо шу каби янгича фикрларга эга бўлган шоир ҳам Н.нинг, балки асрлар давомида халқимизнинг қалб кўрида, кўнглида жимгина сақлаб келган бетакрор миллий урф-одатларию анъанларига асраб-авайлаб келинган тимсолнинг мавжуд эканлигига шубҳа билан қарайди.

Асарда жонли характер сифатида изланган, аммо ҳеч бир нишони мавжуд бўлмаган терговчи тимсолидаги мавжуд тузумни қаҳрамон шунча уриниб ҳам топа олмайди. Бу тузум ютуқларини мактаган, кўкларга кўтарган, аммо уни мутлақо топмаган қаҳрамон тимсолини шоир образида кўришимиз мумкин: «Сиз билмайсиз... Оҳ, билмайсиз... Бир умр унга ёкиш учун шеърлар ёздим. Китобларимни унга бағишладим. Унинг оғзидан чиққан фикрни дoston қилдим... У эса киё бокмади... Унинг битта дастхати ёки хайрихоҳлиги менинг келажагимни ҳал қилиб юборади... Ахир у кишининг дастхатини олганлар биринчи шоирлар қаторига қўшилишади».

Шу ўринда синчков китобхон кўз ўнгига Н. образи мавжуд тузумнинг ҳукмрон мафкураси ғояларига ишонган одамлар томонидан кўриб-билиб туриб тан ола билмаган асрий урф-одатларию миллий ўзлиги тимсолида ҳам қабул қилиниши мумкинлигини истисно қилмаслик керак. Буни Н.нинг ўрнига ишга қабул қилинган ва орадан ойлар ўтиб унинг уйига қоғозларини олиб келган ходимнинг сўзлари мисолида ҳам илғаш мумкиндек: «Афсуски, ўзимни сиз ўлмагандек, деб қанчалик мажбурламай, барибир... гарчи, ўз кўзим билан кўриб турган бўлсам ҳам сиз тириксиз, деб тасдиқлай олмайман» [1:150]. Асарда қаҳрамонни, ниҳоят, ўлишга мажбур қилишади.

Романда жамиятдаги чиркин иллатлар, давр журналистикадаги иллатлар рамзий-ҳаётiiй кўрсатиб берилган. Муаллиф бу дунёда турфа хил тақдирлар яратилиши, турфа хил одамлар билан дуч келиш мумкинлиги, шу билан баробар, ҳаётда юзингга қулиб қараб, аммо зоҳиран бошқа киёфадаги одамлар мавжудлигини кўрсата олган. Бундай одамлар табиатида ёлғон ва ҳасад, мужмаллик ва қабихлик асосий характерга айланган. Муаллифнинг таъкидланганидек, «ёлғон бу дунёга қўнгил қувончи, шавқи, завқи қилиб жўнатилган. Ёлғон одамдан, одамзотдан кўра кучлироқ салтанат, одамзотни қириб ташлаш, йўқ қилиш мумкин, лекин ёлғонни йўқ қилолмайди, чунки у қалб ўйини, қалб ҳарамии, қалб қароргоҳи...»

Асарда номи келтирилган ягона аёл Ҳавонинг номланишида ҳам раvмз бор. Роман билан танишган зийрак китобхон бундай енгил табиатроқ аёлнинг ҳаётида маъно-мазмун бўлмаслиги, унинг умри худди ўткинчи шамоллар каби бўш-баёв – ҳаводек бўлишига ишора янглиғ қабул қилади.

Адабиётлар

1. Назар Эшонкул. Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви (роман). – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
2. Ёқубов И. Бадий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: «ТДПУ», 2011.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Назар Эшонкул “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи таҳлили келтирилган. Мазкур роман замонавий ўзбек адабиётининг машҳур бадий асарлардан бири ҳисобланади, жумладан таҳлил раvмзий – фалсафiiй ёндашув асосида олиб

борилган.

РЕЗЮМЕ

Статья представляет анализ романа Назара Эшонкула «Гур угли и источник жизни». Роман является одним из известных литературных произведений современной узбекской литературы и анализ был проведён на основе символично-философическому подходу.

SUMMARY

The given article deals with literary analysis of the novel «Gur ugli yokhud khayot suvi» (Gur ugli or source of water) by Nazar Eshankul. The novel is one of the notable work of modern Uzbek literature and the analysis was done under the symbolic-philosophical approach.

Зульфия – 106

ЗУЛЬФИЯ - МУҚАДДЕС ЎАТАН ТУЙҒЫСИ ЖЫРШЫСЫ ...

К.Алламбергенов - филология илимлериниң докторы, профессор

Эжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Зульфия поэзияси, ўзгачалик хусусиятлари, Зульфия ва Шарқ поэзияси, Дехли, Африка-Осиё ёзувчилари конференцияси, Ватан, Она юрт мавзуси, давр нафаси, Зульфия ва қорақолпоқ адабиёти.

Ключевые слова: поэзия Зульфии, особенные качества, Зульфия и Восточная поэзия, Дехли, конференция писателей Африки и Азии, Родина, отчизна, дух времени, Зульфия и каракалпакская литература.

Key words: Zulfiya's poetry, special features, Zulfiya and Eastern poetry, Delhi, Africa-Asia writers' conference, Motherland, birthplace, spirit of the time, Zulfiya and Karakalpak Literature.

Ўзбекистан халық шайыры, қатар халық ара сыйлықлар лауреаты Зульфия Исраилова XX ҳам XXI әсирдеги бир тутас өзбек әдебиятының белгили тулғаларынан саналады. Себеби, Зульфияның поэзиясында лирикалық сезим менен публицистикалық мазмун терең байланысып, биринши орында халықтың мәпи шайыраның нәзик сезимлери арқалы жырланады. Шайыраны өз дәуириниң өшпес жұлдызы болды, десек қәтелеспеймиз. Бул теңеу асыра силтегенлик емес. Себеби, бүгинги күни буған жетерли тийкарлар баршылық, яғный оның дәретиўшилигиндеги терең реализм, жоқары дәрежедеги көркем шеберлик, поэзияның өз ишиндеги жанрлық көптүрлилик, соның менен бирге, психологизм, драматизм терең байланысы Зульфия шығармаларының хәр қандай сын талқысынан бекем өтиўине мүмкиншилик береді [2:92-94].

Индиялы белгили шайыр, жазыўшы хәм сыншы Би-плаб Мажиджи 1970-жылы Индияның Дехли қаласында өткерилген 4-Африка-Азия Жазыўшыларының конференциясында қатнасып, Зульфия Исраилова менен ушырасты хәм оның поэзиясы менен танысып, шайыра хәкқында өзиниң «Китап дүнйасы» газетасына усы жылы берген интервьюинде шайыраның жаслық дәуириндеги ғайратлы поэзиясын еслеп «мениң нәзеримде Зульфия Ўзбекстанның әтир гүли еди» деп жоқары дослық баҳасын береді.

Әжайып талант ийеси Зульфия қайсы темада шығармалар жазбасын, оларды ҳадал хәм таза жүрегинен ҳаяллық-аналық сезимлеринен өткерип, айрықша бир азаматлық және инсанийлық көтеринкилик пенен йошып жырлайды. Өйткени, шайыраның қәлби, көкиреги толы пәк хәм таза, пикирлери кең қулашлы, ойлары тереңге жатырғанын сезиў қыйын емес. Сондықтан болса керек, шайыра өз туўылған жери, әзийз Ұатанын жырлар екен бул туйғыны өз Анасы менен қатар қойып сүўретлейди. Ол туўылған жер хәкқында ойлар екен, шайыраға өз журтындағы хәр қандай экзотикалық көринислерден де бурын анасының меҳирли хәм нурлы келбети елеслейди. Бундай сыпатларды шайыра көплеген қосық қатарларында анық көрсеткен. Мысалы, оның «Мениң таңым» хәм «Мениң Ұатаным» қосығына нәзер салайық:

*Бала ойларымды Ұатан деп билдим
Хәм көзди жайнатқан сулыў бағыңды.*

Тилим сөзин тапты, көзим-зияны,

Меҳин хәм ерк пенен жасадым сонда.

Бүгин халқым менен байрамға барып,

Күшли қолларыма аламан сазым,

Саған әзийз Ұатан, саған ана журт,

Меҳриң, ышқың менен толған пәрўазым [1]. («Мениң Ұатаным»)

Ана топырақ дем алып жатыр,

Алып түңги құдиретли күшин.

Мениң таңым жүректе атар,

Жақсы қосық жазылмақ ушын [1]. («Мениң Ұатаным»)

Шынында да, шайырдың терең толғанғанындай, Ұатан ана менен теңдей бирлик саналады. Себеби, ана болмаса инсанға да, басқа жанлы мақлукқа да туўылған жер де, ана Ұатан да жоқ деген сөз.

Шайыраның Ұатан хәкқында ой-сезимлери оның «Шығыс өзи ана болған әзелден» атлы қосығында айрықша көтеринкилик пенен жаңа формада (сарбастта, верлибрде) жырланады:

Мен еле сиз бенен бармадым Афрасиябға.

Бабалар даңқын етип гүрриңлер

Мың өлим,

Мың зулым,

Мың тыйықлы қылыштан

Аман алып шыққан халқым гәўҳарым

Мақтаныш меҳир менен берип зор пардоз.

Сизге жарқыратып көрсете алмадым.

Бул топырақ үйимиз,

Бул дүнъя нанымиз,

Бул қуяш жанымиз,

Бирақта бир сарай

Мақтанышымыз [1].

...Өзбек-өзине бек!

Деген атақты

Жаратқанның өзи берип қойыпты

Ғәрремлик болмас па, бул әзиз атты

Құл болғанбыз деп елди кемситиў!

Қәте, қәте!

Басын таж,

кеўиллерде жарқын нур биліп,

Ардақлаймыз мақтанышымызды.

Тарийх гүға,

Неше заман,

әсирлер,

Не көзлерден асырап

Қалдық бул елди,

Сиз биреўге

жалтақ

құл деген сөзлердің

Тамырына урың хұжданнан балта

Билің,

Кәмил,

Дана,

Дүня жұлдызларына

Шығыстың өзи ана болған әзелден... [1].

Мине, шайырдың туўылған жерди көклерге көтериўши усындай романтикаға толы қатарлары оқыўшыны айрықша толғандырады хәм жағымлы көринеди, булардың барлығы киндик қан тамған топы-

раққа, муқаддес елге болған шексіз ықлас және мұхаббат хәм ынтықлықтан туыылған ойлар екенлиги белгилі. Себеби, хәр бир инсаннның өзиниң туыылған жери дүньяда хеш нәрсеге алмастырып болмайтуғын ПАТШАЛЫҚ!

Улыўма, бир тутас алғанда шайыраның дәслепки жыллардағы Ұатан, туыылған жер ҳақкындағы қосықларын оқып отырсақ, оларда жаслық романтика, сағыныш, бир қатар экзотикалық көринислерге де берилип сүүретлеу сыяқлы белгилерди көбирек ушыратсақ, ал көркем сөз устасы өзиниң соңғы шығармаларында бир қатар жаңа қырлары, заманның да басқаша жаңа түс алыўына байланыслы талапшаңлығы, туыылған топырағындағы жүз берип атырған өзгерислерди де көркем сәўлендириўге қумарлығы менен көзге тасланады. Бундай өзгерислердиң болыўы да тәбийғый саналады. Себеби, ўақыттың өтиўи менен заманлар, адамлар өзгереді, шайырдың инсан сыпатындағы характер эволюциясы да өсип өзгериپ отырады.

Шайырдың «Ядым сынақлары» қосығы дәўирдиң жаңа нәписи менен дөрелген қосық. Мысалы:

*Ғәрезсизлик, келдиң бе, ақыры келдиң,
Пинҳана сағындым, пинҳана күттим.
Жамғырға баўырын тутқан саҳра яңлы,
... «Ұатан сүйгиши» деп биз өз-өзимизди,
Теңизлер қурыпты, ширипти балық,
-Адамсаң басыңды көтер,-дементти,
Кеўлиң қалыптеди бизлерден, Халық,
Өзиң берип едиң пәклик, ҳадаллық,
Ийман, исенимлер пүтин, миннетсиз.
Шайтан да қылапмас еди дәлдаллық,
Билим, ҳикметлерге бай бир миллетпиз.
Кел, сен Ғәрезсизлик, Аман-аман кел,
Сени кеўлим, көзим, сөзим күтер.
Ўақыт жетип, сол халықта қалар дәптерим,
Ўақыт жетсе сол жақта қалар дәртлерим.
Руўхым сол жақларға қус болып ушар...[1]*

Миллий ғәрезсизлик дәўиринде де бир тутас өзбек поэзиясы, соның менен бирге шайыра Зульфияның поэтикалық дөретиўшилиги де, мине, усындай дәстүрлерге садық түрде дәўирдиң диалектикасын, оның барлық унамлы хәм унамсыз тәрептерин ҳадал хәм қалыс сүүретлеу жолы менен даўам етти. Себеби, жаңа дәўир шынлығы шайыраның поэзиясының арқаўы болды, десек қәте болмайды. Ол халқы менен бирдей өз дәўириниң шынлығын азаматлық позицияда турып қабыл етти хәм ҳақыйқый халықшыл инсан, интелегенция ўәкили сыпатында әдил баҳалап шығармаларында усы идеяны жырлады.

Әдебиятлар

1. Зульфия. Таңламалы шығармалары (Қарақалпақ тилинде). - Нөкис: «Билим», 2015.
2. Құрамбаев К. Қорақолпоқ адабиётининг хәм ихлосмонди эди. // «Илим хәм жәмиет», 2015, №1, 92-94-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XX асирнинг иккинчи яrimi билан XXI аср бошидаги ўзбек поэзиясининг фахри булган Зулфия Исроилова ижодининг ўзбек ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида сўз бориши билан бирга унинг Ватан, Онаярт, халқ тағдири ҳақидаги шеърлари кенг таҳлил этилган. Шу билан бирга Зулфия поэзиясининг ҳозирги қорақалпоқ шоирларига, айниқса шоирларга бўлган таъсири, умуман, Зулфия ва қорақалпоқ адабий алоқаларига кенг ўрин берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена Исроиловой Зулфии, которая является гордостью узбекской поэзии начала XXI века, автор подчёркивает место поэтессы в узбекской и мировой литературе. В том числе, анализируется её творчества по темам Отчизна, Родина, голос времени, судьба народа. Автор затрагивает вопросы о связи поэзии Зулфии с Каракалпакской литературой, и влияние на творчество каракалпакских поэтов, особенно поэтессам каракалпакской литературы.

SUMMARY

The article determines the place of Zulfiya Israilova, who is proud of the nation and lived in the end of the XXth century and the beginning of the XXI century, in the Uzbek and World literature. Furthermore, there is presented detailed analysis of her poem on themes: Motherland, spirit of the time, fate of the nation, and love to the birthplace. Author attributes affect of Zulfiya Israilova on Karakalpak poet, especially on poetess. Generally, author discusses relationship of Zulfiya with Karakalpak Literature.

МУҲАММАДНИЁЗ НИШОТИЙНИНГ “ҲУСН-У ДИЛ” ДОСТОНИ ВА КУБРАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДАГИ “ЎН УСУЛ” ҲАМДА РАНГЛАР ТАЛҚИНИ

У.К.Аметова – ўқитувчи

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: Нажмиддин Кубро, Муҳаммаднийез Нишотий, адабий анъана, ранглар, издошлик, ҳамоҳанглик.

Ключевые слова: Наджмиддин Кубро, Муҳаммаднийез Нишоти, художественная традиция, цветов, последовательность, ритмичность.

Key words: Najmiddin Kubro, Muhammadniyaz Nishoti, literary tradition, quatrain, apprenticeship, harmony.

Шайх Кубро даҳосини ва унинг кубравийлик таълимоти ғояларининг кейинги адабиётга баракали таъсирини ўрганиш, шубҳасиз, адабиётшуносликнинг ҳам долзарб масалаларидан биридир. Зеро, адабиётшуносликда эътироф этилганидек, мумтоз адабиётни тасаввуф таълимотисиз тасаввур этиш қийин. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос хусусияти эса унда анъанавийликнинг устуворлигидир.

Хоразм адабий муҳити ўзининг буюк намояндалари ва улкан адабий меросига эга. Бу мумтоз асарларда, албатта, Хоразмда яшаб ижод этган адибларнинг ғоя ва бадииятдаги ўзаро уйғунлиги адабий ҳақиқатлардан биридир. Давр ўтиши ушбу новаторликлар ҳам яққол кўзга ташланса-да, адабий анъаналар ҳам ўз изларини муҳрлаган. Мана шундай таъсирга эга умрбоқий ғоя ҳамда бетакрор бадииятнинг бош манбаларидан бири, шубҳасиз, Нажмиддин Кубро шахсияти, ирфоний асарларининг мазмун-моҳияти ва у асос солган тариқат маслагидир. Қутб Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Огаҳий каби шоирлар ҳам мазкур кубравия адабиёти анъаналаридан баҳраманд бўлганлиги бир ҳақиқатдир. Хусусан, Нишотий ва унинг “Ҳусну Дил” достони фикримизни тўла қувватлайди.

Нажмиддин Кубро асарларида мурид тарбиялашнинг ўзига хос ўн асос, яъни тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжуҳ, сабр, мувоқабат, ризо каби талабларнинг аҳамиятини назарий асослаб берган. “Ҳусн-у Дил” асарини таҳлил қилиш жараёнида эса Муҳаммаднийез Нишотийнинг мана шу ўнта талабни бадиий тарзда шарҳлаганига ва асарнинг мазмун моҳиятига моҳирона сингдириб юборганига гувоҳ бўлдик:

*Неча маҳал йўл юрубон ул ғариб,
Зовия кўрди бағоят ажиб,
Ҳар сори боқмоқ била ул муҳтарам,
Бўлди намоён анга байтул ҳарам.
Вусъатро олими кубро эди,
Яъники бир ланкари узмо эди.
Бор эди ул ланкари анбарсиришт,
Назҳатаро ўйлаки боги биҳишт.
Оти онинг қасри Таваккул эди,
Матлаби ҳар жузв эди, ҳар гул гул эди.
Онда ажаб шайхий эди фаҳри дин,
Онга мурид эрди замону замин.
Инс ила жондин онга узлат эди,
Оти онинг Шайхи Қаноат эди. [1:60]*

Асардан олинган мана шу мисраларда олими кубро дея таърифланаётган Таваккул қасрида узлатга чекинган Шайх Қаноат бу Нажмиддин Кубронинг бадиий инъикосига ўхшайди. Ва шу ўринда Таваккул, Қаноат, Узлатнинг кетма-кетликда жойлаштирилиши ҳам ўн усулнинг “Ал-усул ал-ашара”даги ўрни билан муқояса қилинганда бир хил. Чунки “Ал-усул ал-ашара”да ҳам таваккул, қаноат, узлат бардавом жойлашадики, Нишотий ҳам ўз асарида бунга амал қилади.

Адиб асар қаҳрамонларидан Найнинг нуткида шундай мисраларни келтиради:

*Мундин эрур эл ичига бормогим,
Ўн ҳунарнинг эгаси ҳар бармоғим [2:370].*

У мана шу жумласида ҳам кубравийликдаги ўн асосга ишора қилади. Бундай дейишимизга сабаб, найнинг нутқи бошдан охиригача тасаввуфий йўсинда эканлигидир.

Маълумки, маънавий карвонда энг зарур, қийматли Ишқдир. Сайри сулукда матонат ва сабот ҳосил қилиб, таваккул, ризо, қаноат, сабр, зуҳд, тарк кабиларни дунёга келтирувчи муҳаббатдир. Ва буларнинг барини руҳоний бир ҳаёт тарзига айлантирувчи куч ҳам кўнгилдаги ишқ туфайлидир. Бу масала ҳам дostonда муаллиф томонидан ишончли, асосли тарзда ёритиб берилди. Нишотий Ишқ мамлақати, водийи ушшоқ каби жой номларини келтирадики, бу мажозий ишоратларнинг бари Ҳақ йўлчилигидаги Фуоднинг руҳий бир сафарини очиб кўрсатиб беради. Dostonдаги мана бу мисраларга эътибор қаратайлик:

*Ё Раб, этиб меҳру муҳаббати ёр,
Ишқ шаҳи даргоҳида бер қарор.
Ақлимни эт тобеъи фармони Ишқ.
Кўнглимни қил банди аҳсони Ишқ [3:314].*

Адабиётда нафс ва руҳ, вужуд ва кўнгил тазоди мавжуд экан, ишқ ва ақлнинг зидланиши ҳам мана шу қаршилантиришларнинг замирида пайдо бўлган. Нажмиддин Кубро ҳазратлари “маърифатнинг қаноти муҳаббатнинг қанотидан баланд”, дея эътироф этсалар-да, сайри сулукда манзилни қатъ этиш ишқ билан эканлигини қайта-қайта барча асарларида айтиб ўтган. Солиқ қалбида талабнинг туғилишидан то валий мақомига кўтарилгунча бўлган сайри сулукда ишқ раҳбардир. Водийи ушшоқ – Ошиқлар водийсини босиб ўтмасдан Ваҳдат майдонига етиб бўлмайди. Бу ҳолларни бир сайр манзараси ўлароқ Нишотий шундай таъриф этганди:

*Нукта киби доираи баҳраро,
Қутб они дер эди дашти само.
Сув юзида бор эди андоққи хол,
Мушк иси ондин топар эрди шамол.
Зийнатро муфатҳар офоқ эди,
Оти анинг Водийи Ушшоқ эди [4:318].*

Асар сўнгида ҳам Муҳаммаднийез Нишотий Ишққа алоҳида эътибор қаратади ва йўлчиликда раҳбар, муридиди комил, деб атайди. Фақат унинг раҳнамолигида нафси амморадан нафси софияга етиб бориши мумкин:

*Кимки Худо бўлса анинг ёвари,
Бўлғусудур ишқ онинг раҳбари [5:368], -
дея Нишотий дostonнинг сюжетига ишқнинг ролини таъкидлайди. У гоҳ бир мамлакат, гоҳ даҳшатли бир водий, баъзан йўлбошчи ва ҳоказо. Бироқ асардаги барча образларни, ходисотларни боғлаб турувчи асосий занжирдир. Dostonда ўқиймиз:
Меҳру муҳаббат эрур икки қанот,
Солиқ учун топғали оби ҳаёт.
Кимга агар бўлмаса бу болу пар,
Учмоқ анга бермоғусудур самар.
Ишқ мураббийлик этарди Фуод –
Топти, неким бор эди анга мурод [6:368].*

Кубро ҳазратлари ҳам муридни икки қанотли куш деган эдилар. Хавф ва ражо, қабз ва баст, хузун ва хузур унинг қанотларидир. Худди шундай Нишотий ҳам оби ҳаёт излаётган солиққа меҳр ва муҳаббат икки қанотдир. Унинг узун ва котиқ йўлчиликда тайр айлаши ва Висол манзилига етишида ишқнинг мураббийлиги шарт ҳисобланган.

Муҳаммаднийез Нишотий асарлари, жумладан, “Ҳусну Дил” дostonи, аввало, том маънода тасаввуфий қарашларни ирфоний-бадиий тарзда ифодалаган асар

эканлиги билан шайх Нажмиддин Кубро асарларига ҳар жиҳатдан издошдир. Уларнинг маслағи бир экан, тарғиб этувчи дидактик ғоялари ҳам, бу мақсад ифодасидаги рамз ва ишоратлар ҳам бир хилдир. айниқса образлар оламидаги уйғунлик эътиборга молик. Айтиш мумкинки, бу издошлиқни белгилловчи, тасдиқловчи асослардан бири тасаввуфий истилоҳлардир. Шайхнинг ирфоний асарларидаги таваккул, ишқ, ризо, фуод, хусн, каноат, сабр каби истилоҳлар Нишотийнинг дostonида маълум бир образ – асар қахрамониға айланган. Натижада бетакрор ифода услуби китобхон тасаввурини янада ойдинлатган ва таъсир қуватини ҳам оширган.

“Хусну Дил” дostonи тариқат тарбиясининг назарий

Адабиётлар

1. Очилов Э. Донишмандлар туҳфаси. (Рубоийлар). –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. Асрлар нидоси. Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
3. Муҳаммаднийез Нишотий. Хусн ва Дил. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.
4. Исҳокова Замира. “Шайх Нажмиддин Кубро”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
5. Гўкбулут С. Нажмиддин Кубро. –Истанбул: “Инсон яйинлари”. 2010.
6. Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: “Мовароуннахр” 2004.
7. Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: “Ёзувчи”, 1996, 259-б.
8. Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. –Т.: 1994.

РЕЗЮМЕ

Муҳаммаднийез Нишотий асарларидаги фалсафий фикрлар ва ахлокий қарашлар Н.Кубро ижоди ғоялари билан чамбарчас боғлиқ. Улар асарларидаги илк ўхшашлик инсон ва унинг ахлоқини, нафс камолоти ҳамда илоҳий гўзаллиқни бадийлаштиришида кузатилади. Булардан ташқари улар адабий меросида тасаввуфий образлар уйғунлигини кўрамиз.

РЕЗЮМЕ

Философские мысли и моральные взгляды в эпосе Мухаммаднияза Нишоти взаимосвязаны с идеями творчества Н.Кубро. Первое сходство в их произведениях, что встречаются усовершенствования божественного желания и божественной красоты, мораль человека. Кроме того, в своих художественных сокровищах дают наблюдать соответствия мистицизма.

SUMMARY

Philosophical thoughts and moral views in Muhammadniyaz Nishoti's epic "Husn-u Dil" of collection are interconnected with the ideas of N.Kubro's creativity. The first similarity in their works is that there is an improvement in divine desire and divine beauty, the moral of the person. In addition, in their artistic treasures, they carry a correspondence with mysticism.

ТАРИХИЙ ҲИКОЯДА СЮЖЕТ ТАКОМИЛИ

З.М.Амиркулова – ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, аждодлар, поэтика, ижодкор, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиоров, Муҳаммад Али, Солим Исҳоқ, Уйғун, Иzzат Султон, Ойбек, Хамид Олимжон, Абдулла Орипов.

Ключевые слова: история, рассказ, предки, поэтика, создатель, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Одил Якубов, Пиримкул Қодиоров, Мухаммад Али, Солим Исхак, Уйғун, Иzzат Султан, Ойбек, Хамид Олимджон, Абдулла Арипов.

Key words: History, story, ancestors, poetics, creator, Abdulla Kodiriy, Abdurauf Fitrat, Odil Yakubov, Pirimkul Kodirov, Muhammad Ali, Soyim Iskhak, Uygun, Izzat Sultan, Oybek, Khamid Olimdzon, Abdulla Aripov.

Бадий адабиётнинг қудрати, кучи шундаки, сўз сеҳри билан қалбни жунбушга келтиради, фикрлашга, мушоҳада қилишга чорлайди. Шу сабаб инсон хоҳ насрий, хоҳ назмий асар бўлсин, унда ўзлигини, ўз қалби кечинмаларини, таниш туйғуларини кидиради. Бу кечинмалар ва туйғулар бадий асар мавзусида ўз аксини топади. Бадий асар ижодкорнинг борлиқ билан муносабати маҳсули ўлароқ воқе бўлади. Яъни борлиқда яшаётган индивид сифатида ижодкорни муайян муаммолар ўйлатади, ташвишга солади. Ижодкор учун ўша муаммони идрок этиш ички эҳтиёжга айлангани сабаб ҳам асарга қўл уради. “Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материалини танлайди ва тасвирлайдики, бу бадий асар мавзуси ҳисобланади” [1:54]. Ёзувчи тарихий мавзуда асар яратар экан, тарихда содир бўлган воқеаларни қайта жонлантиради. Бундан мақсад, яқин ёки олис ўтмишда яшаган тарихий шахсларга бағишланган асарлар яратиш ва шу орқали ўқувчида ўз ҳалқининг тарихий ўтмишига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш, маънавиятли авлодни тарбиялаш, шонли ўтмиш воқеаларидан, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли томонлардан сабоқ олишга ундаш ва бугунги воқеликдаги айрим нохуш воқеа ҳамда ҳодисаларга ўтмишни тасвирлаш орқали муносабат билдиришдир. Илмий асарлардан фарқли равишда, ёзувчи ёки шoir тарихий мавзудаги асарда тарих ҳақиқатига суянган ҳолда бадий тўқимадан ҳам

унумли фойдаланади. Ижодкор тарихий ҳодисаларни ёритишда тарихий шахслар ва шу шахслар образини ёрқин акс эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ифода этилаётган давр манзарасини кенг ва атрофлича ёритиш учун асарга тўқима образларни олиб қиради.

Мустақиллик даврига келиб эпик турнинг ҳикоя жанрига бошқа жанрлардан кўра кўпроқ эътибор қаратилди. Ҳикоянинг мавзу кўлами кенгайди ва тарихий ҳикоялар яратиш жадаллик билан анъана тусига кирди. Унинг бошқа турлари ҳам оммалашди. Адабиётшунос У.Жўрақулов 2012 йил ўзбек ҳикоячилиги ҳусусида тўхталиб, “Ҳикоялар, аввало, хронологик тартиб жиҳатидан тарихий, яъни ўтган замонга тегишлидир; иккинчидан, мазкур ҳикоялар у ёки бу даражада тарихий-маданий, тарихий-ижтимоий, тарихий-маиший, тарихий-психологик жарёнларни акс эттиради; учинчидан, ва, энг муҳими, 2012 йил ўзбек ҳикоячилиги туркий-ўзбек насрининг минг йиллик бадий анъаналари вориси, Шарқу Фарб классик поэтикаси ҳамда замонавий прозасининг қонуний бир узидир [2:21]. Охириги пайтларда Назар Эшонкул, Отаули, Шойим Бўтаев, Маҳкам Маҳмуд, Фарход Ҳамрожонов, Ғулом Каримий, Рисолат Ҳайдарова, Темур Қурбон каби ёзувчилар тарихий мавзудаги ҳикоялар тақомилида ўзига хос ғоявий изланишлар олиб борди.

Адабиётшунослиқда портрет образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир. “Бадий асардаги портретнинг характери ва функциялари ранг- баранг

бўлади. Бироқ портретнинг энг муҳим характери унинг психологик портрет бўлишидир. Психологик портрет ёзувчига персонажнинг ташқи кўриниши орқали унинг руҳий дунёсини очишга ёрдам беради. Шунинг учун айтиш мумкинки, портрет ёзувчининг шахсий услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турлича даражада берилиши мумкин” [3:252]. “Сибизга воласи” ҳикоясида муаллиф Искандар образи портретини яратар экан, образнинг ташқи кифёси ва унинг хатти-ҳаракатини тўлиқ тасвирламайди. Балки унинг ташқи кўриниши ва характерига оид муҳим бўлган бир нечта деталларни келтиради ва бу тасвирларни ҳикоячи нутқи орқали ҳикоя сюжетига сингдириб юборади. Адабиётшунос Баҳодир Каримов: “Нодир санъат дурдоналарида адабий қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши муҳим, айниқса, портрет чизгисида кўзлар марказий ўринни эгаллайди. Зотан инсоннинг кўнгли, қалб ҳолати сўзи ва кўзида намоён бўлади” – дейди ва портретда кўзга алоҳида эътибор қаратади [4:54]. “...Искандарни ташқарида хушсурат, алпқомат, икки елкасига иккита фаришта кўниб туради, сиймоси тонг офтоби каби шафақ таратади, деб таърифлашарди. Кўз олдидан анчайин хунук, юзи гезарган, кўзлари ўлжа кўрган бўриникидек совуқ, кишига ҳамиша шубҳа ва гумон билан боқадиган бадбуруш кимса турарди” – деб таърифлашларининг ўзиёқ халқ орасида унинг обрўси ва доврўги кўрқув асосига қурилганини билдиради. Искандар халқ орасида худонинг ердаги сояси ва ҳатто худонинг ўзи дея улуғланган. Ва шу кўрқув халқнинг унга тобе бўлиши учун етарли асос бўлган. У кишига ҳамиша шубҳа ва гумон билан боқади. Ва бу табиий ҳол. Унинг атрофида ҳар хил тоифа кишилар бор. Искандар одамларни ажрата олади ва уларнинг мақсадини кўзларидан билишга одатланган. Бу унга ўз ҳаётини ва давлатни умрбод қўлда ушлаб туриши учун муҳимдир. Унинг “Қўқлам жилғалари тилимлаб ташлаган адирни ва селдан сўнг ёрилиб қолган қатқолоқни эслатадиган” юзи унинг умр бўйи жангу жадаллар ичида қон кечиби яшаганини билдирса, “ўлжа кўрган бўриникидек совуқ” кўзлари меҳр-шафқатдан йироқ, ўлимларни кўравериб дийдаси қотган инсон эканига ишора қилади. “...Искандарнинг на ўзида, на юзида, на хатти-ҳаракатида ақл оладиган ҳеч нарса йўқ. Оддий, ҳатто териси ўта эҳс, қурумсиқ, худди калатакесакнинг терисини эслатадиган, озгина бадбўй ҳид ҳам анқирди”. Бу каби ровий нутқи воситасида ифодаланган тасвирлар Искандар образининг характер-хусусиятини очиби беради. Худди шу ўринда, айтиш мумкинки, муаллиф образнинг ташқи кўринишини тасвирлаш орқали унинг характери ни тўлақонли очиби беришга эришган. “...Искандарни ташқарида хушсурат, алпқомат, икки елкасига иккита фаришта кўниб туради, сиймоси тонг офтоби каби шафақ таратади”, “... худди еб ўтирган нони тортиб олинган қаландардек юзида аламзадалиқ қотиб қолган, на нур, на илоҳиёт таралардиган” юзи эса зулмқорлик ва босқинчилик унинг ҳаётининг бир қисмига айланганини эслатиб туради.

Шуни таъкидлаш лозимки, воқеалар муайян бир йўналиш бўйича ривожланиши ва ҳодисалар тизимли, тартибга мос тарзда юз бериши ёки асарда вақт кетма-кетлигига амал қилинмаган, жараёнлар эса воқеа ривож босқичларига таянган ҳолда турли йўналишларда юз бериши ҳикоя жанрининг ўзига ҳос хусусияти ҳисобланади. Шунингдек, умумий баёнда бир-бирига қўшилиб кетмайдиган, аммо маълум муддатдан сўнг умумий баён оқимида қўшиладиган шохчаларга бўлинишдан иборат ҳикоя қилиш методи ҳам учрайди. Ижодкор ҳикоя жанрининг характерли усуллари мисол сифатида умумий тасаввур тамойилига кўра тасвирлаш композицияси ва

мустаҳкам ички боғланишли қисмлардан ташкил топган типни келтириш мумкин. Назар Эшонкул ўз асарларида шу икки усулни аралаш ҳолда қўллаган. Баъзан бирор образни яхлит гавдалантириш учун у алоҳида қисмларни ҳам батафсил ифодалайди. Бу кераксиз туюлган сахналар образнинг яхлит кифёсини шиддат билан чизишда қўл келади. Ҳикояда сартарош образи худди мана шу усулда гавдалантирилган. Бунда муаллиф бадиий тасвир ва ифода воситаларига кенг ўрин бериш орқали, асар бошидаёқ қаҳрамоннинг вазияти, ҳолати ва руҳиятини очиби беради. Демак, соқчилар ва дарбон қандайдир шум хабарни олиб келяпти ва бундай хабарлар “дарвозалари олдида ҳаётнинг ёрқин хулосалари ва сабоқлари битилган саҳифалардай бўжмайган афт-ангорлари, мусибату ҳасратдан буқилган таналарини офтобда тоблаб ўтирган чоллар” учун янгилик эмас. Улар бу каби мусибату синовларда тобланган ва ҳаёт ҳақида ўз хулосаларига эга. “...орзу ва хаёлларини тепкилаб ўйнаб юрган болалар” эса бу фожиадан хабардор бўлсалар-да, ҳали гўдак қалби билан ҳис қилолмаган ва келажак хавфни болаларча ўйинқароқлик билан қаршиламоқда. Бу шум хабарни болаларга ҳос соддалик билан хушхабар айтаётгандек етказишади. “Гўё ўз қилмишларини қуёшдан яширмоқчидай қалқонлари билан юзларини офтобдан тўсганча найзаларини қуёш нурида ялтилатиб, шаҳарнинг тош кўчаларини худди ногора чалишаётгандай бир маромда ҳарбийчасига тўқиллатганча эринчоқлик билан келаятган” учта соқчи ва оксоқ дарбон бу фожа даракчилари сифатида навбатдаги қурбон томон келишар экан, унинг кимлиги, қандай одам экани муҳим эмас. Муҳими, қандай бўлмасин топшириқни бажариш ва шу билан зиммасига юкланган вазифасидан озод бўлиш. Уларнинг дийдаси қотган ва бу каби қурбонларни кўришга одатланиб кетишган. Улар навбатдаги қурбонлари томон хотиржам келмоқдалар. Бу каби тасвирлар бир тарафдан асарда образлар характерини очишга хизмат қилса, иккинчи тарафдан асарнинг таъсирчанлигини оширади. Ўқувчи тасаввурида образлар ҳақида тушунча ҳосил қилади.

Бадиий образ носирнинг мукамал гўзаллик нуқтаи назаридан яратган типларида ўз ифодасини топади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, “Мутлақо гўзаллик камраб олинмаган, балки фақат эстетиканинг хунуклик категорияси ўлчовлари доирасида яратилган образлар ташаққулида ҳам эстетик идеал иштирок этади” [5:11]. Олимнинг фикрини давом эттириб айтиш мумкинки, хунуклик категорияси асос бўлган образ, характер ва портретлар заминидан шундай хунукликка қарши турган – гўзаллик концепти бўртиб кўринади. Назар Эшонкул тасвирида ҳам шу жиҳат етакчилик қилади.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн образи халқ оғзаки ижоди ва бадиий адабиётда кенг қўлланилган. Александр Македонский ҳақидаги ilk асар “Псевдо Каллисфен” (“Сохта Каллисфен”) бўлиб, милодий I асрда яратилган. Ва кейинчалик унда келтирилган маълумотларнинг сохта эканлиги олимлар томонидан исботланган. Эрон, араб халқлари оғзаки ижоди, қадимий ҳинд эпоси “Калила ва Димна”да ҳам Искандар Зулқарнайн образига мурожаат қилинган. Мумтоз адабиётда Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома”, Амир Хусрав Дехлавийнинг “Ойинаи Искандарий”, Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonларида Искандар Зулқарнайн образи инсоният ҳалоскори сифатида тилга олинади.

Бадиий асарларда воқеликни, инсон феъл-атворида бўлаётган ўзгаришларни ва унинг фаолиятини бадиий шаклда қайта яратиш мумкин. Қайта ишланган асардан ижтимоий-фалсафий маънолар қидиришга уриниш

ёзувчиликнинг ўзига хос хислатларидан биридир. Мавжуд миф ва афсоналарни бадий-эстетик тафаккур тарзида асарга олиб кирса ҳам бўлади. Ва турли ифода йўсинлари орқали давр руҳини, қаҳрамонларнинг кечинмаларини ифодалаш, улар орқали китобхонни фалсафий мушоҳадага чорлаш Назар Эшонкул услубининг етакчи омилларидандир. Шу сабаб бўлса керак, унинг “Маймун етаклаган одам”, “Баҳовуддиннинг ити”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати” каби ҳикояларида тарихийлик, яъники, афсона ва ривоятлар нафасини ҳис этамиз.

Адабиётдаги поэтик ўзлаштириш, яъни асар сюжети ўхшашу, муаллиф муддаоси бошқа бўлиши мумкин. Кўринадики, адабиётда мавжуд асар таъсирига тушиш ёмон, аммо ўша асардан ўтказиб, бадий жихатдан пишиқ асар яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Муаллиф мана шу вазифани бажаришга ҳаракат қилган ва асарга ўзига хос янгиликларни олиб кирган. Жумладан, асар якуни ҳам ўзига хос. Яъни сартарошнинг тақдир ва унинг кейинги ҳаёти камишларда яширинган сир орқали баён қилинган. Бу асарнинг ўзига хослигини таъминлаган. Назар Эшонкул “Сибизга воласи (миф-ҳикоя)” ҳикоясини сюжет нуқтаи назаридан поэтик ўзлаштирган бўлсада, янги услуб яратиш ўқувчига манзур бўладиган даражада шакллантирган [6:45]. Натижада шундай классик ҳикоя юзага келган. Ҳикоя ҳақида адабиётшунос У.Жўракулов қисқагина қилиб шундай ёзади: “Н.Эшонкулнинг “Сибизга воласи” асари нашр этилгани заҳоти енгил-елпи баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳикоя халқ орасида юрадиган Искандар ҳақидаги мистик ҳикоят(чўпчак)нинг бадийлаштирилган баёнига қурилган. Натижада, жўн бир мистика ҳам маъно, ҳам хронотоп кўлами нуктаи назаридан поэтик универсалия касб этган. Ҳикоя сюжети, Искандар ва сартарош образлари типологик киёфа олган. Аммо ёзувчи шу ўринда бир нозик масалани – рецепция жараёнидаги ўқувчи ассоциатив камровининг чеки йўқ ва тизгинсизлигини, у ҳамма

нарсани қўйиб, тўғридан-тўғри ҳазрат Навоий “Хамса”сидаги Искандарга, қолаверса, “Қуръони карим”да зикр этилган Зулқарнайнга қадар даҳл қилиши мумкинлигини, оқибат ўлароқ, чўпчак талқини кечириб бўлмас бир ёлғонга айланиб қолишини эътиборга олмаган” Аслида, Назар Эшонкул “Қуръони карим” ва “Хамса” дан фарқли ўлароқ Искандарни золим шох сифатида тасвирлашдан мақсади асар ғоясига сингдирилган “умри қиска ёлғон”ни фош этиш эди. Ўқувчи асарни ўқигач, “ҳар қандай ёлғон барибир фош бўлади” деган хулосага келади. Ижодкор “Сибизга воласи” ҳикоясига тарихий манзарани жо қилган. Ва шу орқали ўқувчига сабоқ бўлувчи мавзунинг ёритган.

Носир асарларида, кўпинча, шаклий ўзига хослик устунлик қилади. Тафсилотларни рамзлар орқали бериш, ўтмишга мурожаат, йўқликнинг сири томон китобхонни бошқариш унинг услубига хос. Бу ҳикояда ҳам адиб услубидаги шу ўринлар бир қадар кўзга ташлангандек кўринади. Аввалига ўқувчи ёзувчининг қадимий афсонага ёндашувидаги янги талқиндан умидвор ва шундай бўлиши табиий. Ҳикоя бош қаҳрамони ҳам, ҳикоячи ҳам бир киши. У эринмасдан кулминацион воқеагача бўлган тафсилотларни баён қилади. Асарда шаҳар қисматида сартарошсиз қолиш фожеаси битилган. Аслида, инсонни ҳайвондан айириб турувчи асосий жиҳат ҳам соч-соқолини олиб, ўзига оро бериб юришидадир. У эса мамлакатдаги сўнгги сартарош. Носир ёвуз ҳукмдор асраётган сир фуқароларни орқага, жаҳолатга қайтаришга сабаб бўла бошлади, демокчидек туюлади. Шунга қарамай айтиш мумкинки, Назар Эшонкул мавжуд афсона асосида янги ва ўзига хос бадий асар яратди. Тарихий шахс образи орқали ҳикоя ғоясини ўз услубига хос тарзда ифодалай олди. Бадий тўқималар ва тасвирлар билан бойитди. Натижада, “Сибизга воласи” ҳикояси мавжуд асарлар таъсиридан холи, оригинал асар тусини олди.

Шундай қилиб, тарихий ҳикояларда сюжет тақомили воқеаларини ривоялаш услубига кўра муаллиф нутқи, қаҳрамон нутқи, персонажлар нутқи каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради.

Адабиётлар

1. Курунов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: “Akademnashr”, 2013, 158-б.
2. Жўракулов.У. Хос калом хосияти (2012 йил ҳикоялари таҳлили). / “Шарқ Юлдузи”. 2013. № 3. 21-б.
3. Хотамов Н., Сармсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983.
4. Карим Б. “Кўз”нинг поэтик моҳияти. //Бадийят уфқлари. – Тошкент: Университет, 2008. 54-б.
5. Сармсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. -Тошкент: 2004. 11-б.
6. Эшонкул Н. Сибизга воласи. // “Ёшлик”, 2012. № 5. 45-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тарихий мавзудаги ҳикояларда бадий сюжет воситалари ва хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Бунда тарихий мавзуда асар ёзаётган ёзувчи тасвирланаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари асосида ўрганиши, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний тасвирлаши, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириши зарурлиги ҳақида батафсил баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются средства и особенности художественного сюжета в исторических рассказах. При написании произведения на историческую тему автор подробно описывает жизнь того периода или жизнь и деятельность описываемого автором исторического деятеля на основе исторических документов, точно отображая исторический колорит этого периода, отражая язык персонажей.

SUMMARY

This article discusses the means and features of the artistic plot in historical stories. While writing a work on a historical topic, the author describes in detail the life, period or life activities of the historical figure described by the author on the basis of historical documents, accurately depicting the historical color of this period, reflecting the language of the characters.

ДИНИЙ-ТАСАВВУФИЙ АДАБИЁТ ВА ОЛИМ ШАРАФИДДИНОВ ҚАРАШЛАРИ

М.Атаниязова - катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: ўзбек адабиёти, тарих ва талкин, тасаввуф адабиёти, чигатой тили ва адабиёти, Ахмад Яссавий асари, шўро сиёсати, тахлил.

Ключевые слова: узбекская литература, история и интерпретация, суфийская литература, язык и литература Чигатая, произведение Ахмада Яссави, политика советского союза, анализ.

Key words: Uzbek literature, history and interpretation, Sufi literature, Language and literature of Chigatay, work of Ahmad Yassawi, politics of the Soviet Union, analysis.

Биз ушбу мақоламизда Олим Шарафиддиновнинг диний-тасаввуфий адабиёт вакиллари тўғрисидаги қарашларини тахлил этишга ҳаракат қилдик. Шу ўринда олдиндан айтиш керак, Олим Шарафиддинов ҳам бошқа сўз санъати усталари каби масалалар талқинини тадрижий равишда тадқиқ этади. Унинг қарашларида ҳам бадий ижод тадқиқи шўро адабиётшунослигига тараққий этиб боради ва ягона социалистик-коммунистик тузум даврига келибгина қўйилган “ҳақиқатлар” рўёбга чиқади. Бу “қизил чизик”ни ҳисобга олган ҳолда шўро даври адабиёти ва шунинг сингари унинг адабиётшунослигига ҳам муносабат билдириш талаб этилади. Ҳатто, Олим Шарафиддинов-Айнинг ўзи ҳам айрим ҳолатларда шу йўлакдан юришга мажбур бўлади. У “ўзбек халқи бутун совет халқи билан бирга муваффақиятли равишда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият қурганлиги”, “бу оламшумул тарихий вазифани бажариши учун кишилик томонидан тўпланган билим бойликларини танқидий ўрганиш ва эгаллаш зарурлиги”, “уларни эгалламай туриб, тор миллий рамкада қолиш мумкинлиги, социализм маданият қурилишидан орқада қолиши аниқлиги”ни эътироф этади [3:15]. Шунга қарамайдан, Олим Шарафиддинов адабий-танқидий қарашлари, тўплаган бой материаллари, амалга оширган кўп сонли қўлёзма ва тошбосма манбалар тадқиқи, тарихий давр ва адабий ҳаёт бўйича йиққан далиллари, ижодкорлар ҳаёти ва кўплаб адабий ёдгорликлар юзасидан олиб борган илмий изланишларининг самарали натижалари унинг йирик адабиётшунос сифатидаги сиймосини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Олим тадқиқотлари давомида дастлаб “чигатой улуси”, “чигатой тили”, “чигатой адабиёти” тушунчаларига изоҳ беради. Чунки бу атамалар жадид даври ўзбек адабиётшунослигида бир мунча кенг истеъфода этилади ва турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Бу тушунчалар ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетаётган бўлса-да, ўз даври тарихи ва маданияти учун муҳим эди. Унинг фикрича, “Чингиз томонидан ўгли Чигатойга идора этишга топширилган Мовароуннахрни қўшни халқлар, кўпроқ эронликлар “чигатой улуси” деб атайдилар. Мана шу “чигатой улуси”да ишлатилган туб турк халқларининг адабий тилини шу территорияга нисбатан “чигатой тили” деб атаганлар. Ҳатто баъзан мўғуллар истеълосига қадар мавжуд бўлган адабиёт ҳам мўғулларнинг Ўрта Осиёдаги ҳокимияти тугатилгандан сўнг темурийлар даврида вояга етган ва эрон адабиёти билан мусобақа қиларлик даражага кўтарилган адабиёт ҳам шу ном билан аталди. Бу термин эронликлар орқали Европага кўчиб “чигатой тили”, “чигатой адабиёти” таъбирлари тарихий адабиётда умумий бир тусга кириб кетди” [3:16]. Олим Шарафиддинов ҳодиса тарихига назар ташлаб, бу давр адабиётининг тил хусусиятлари кам ўрганилганлигини айтади. Бунда олим ўзбек тасаввуф адабиёти ва миллий тили тараққиётида чигатойчилик ўзига хос ўринга эгаллигини назарда тутди. Олим Шарафиддинов эътиборини тортган ўзбек адабиёти тарихи билан боғлиқ бир жиҳат – бу диний-тасаввуфий адабиёт ҳисобланади. Маълумки, тасаввуф таълимоти нафақат миллий, балки жаҳон илм-фани оламини ўзига қаратган бир оламшумул ҳодиса эди. У пайдо бўлиши, тараққий

этиши, тариқатлар кўлами, мазмун-моҳияти, бадий ифода шакллари билан дунё илм аҳли эътиборини тортади. Айниқса, Шарқ мумтоз адабиёти поэтикаси ихлосмандлари ўзларини тасаввуф маърифатидан айро ҳис эта олмайдилар. Худди шундай Олим Шарафиддинов ҳам ўзбек классик адабиёти мутахассиси сифатида тасаввуф фалсафаси ҳақида тўхталиб ўтмасдан иложи йўқ эди. “У даврда, - дейди олим, адабиёт ва фалсафада Шарқ мусулмон тасаввуф назарияси (сўфизм) катта роль ўйнади. Бизгача сақланиб келган асарлар мана шу сўфизм оқимининг вакиллари томонидан яратилган эдилар” [3:18]. Гап шунда кўринадики, шўро мафкураси дин ва тасаввуф масаласида қатъий инкор позицияда бўлса-да, унинг мумтоз адабиёт орқали ифодаланган рамзий-мажозий тимсол ва талқинлари бу суронли дамларга ҳам бардош бера олди. Шўро танқидчилиги диний-тасаввуфий адабиётнинг рамзий образ ва ифодаларидан ҳатто манфаатлари учун фойдаланди. Масалан, тасаввуф адабиётида талқин этилган риёкор шайхлар ёки дунёдорлар танқиди мисоли “буржуазия”, “капитализм”, “бой ва задогонлар”га қарши кураш сифатида баҳоланди. Бу мумтоз ва тасаввуф адабиёти поэтик оламини ўз моҳиятидан мутлақо узоқлаштириб, уни синфий курашлар мотивига айлантирди. Олим Шарафиддиновнинг бу борадаги илмий қарашлари тилда давр руҳини ифодалагани билан синчков кузатувчи унинг дилда ажодлар меросига муҳаббатини ҳис этади. Улуғ алломалар ва улар туркий тилда яратган мумтоз адабиёт намуналарини эътироф этишнинг ўзи бир жасорат эди. Гўё Олим Шарафиддинов бу мумтоз адиб ва асарларни танқидий руҳда бўлса-да қайд этиб, ўзбек ёзма адабиёти қадимдан мавжуд бўлганлигини ва у қачонлардир ҳаққоний баҳосини олишини эслатиб қўяди. Олим Шарафиддинов Навоийшунос сифатида Алишер Навоий берган бу таърифдан ҳабардор бўлганлиги ҳеч қандай эътироз уйғотмайди. Олим бу тушунча моҳиятини, бу мақомга лойиқ шахснинг ўрнини жуда яхши англайди. Чунки унинг ўзи ҳам ҳаётда маънавий жиҳатдан шундай улуғ силсила билан боғланади. Танқиди адабиётшунос Абдуғафур Расулов Олим Шарафиддинов ҳақида фикр юритиб, у “1903 йилда Саидали эшон оиласида” туғилгани, “унга Саидолим деб исм қўйилгани”, “эшонзодалар фарзандларига таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор бергани”, “Саидолим ҳам диний, ҳам дунёвий илм олгани”ни қайд этади [1:14]. Бундан кўринадики, Олим Шарафиддинов насаб жиҳатдан эшонлар сулоласига мансубдир. Олим Шарафиддинов Ахмад Яссавийни “Ўрта Осиё сўфизмининг йирик намоёндаларидан” деб баҳолайди, унинг “Ҳикматлар”и, шоғирди Сулаймон Боқирғонийнинг “Охир замон”, “Боқирғон” китобларида муҳим ўринга эгаллигини айтади. Эътиборли томони шундаки, олим тасаввуф адабиётининг бу намоёндалари ва улар қаламига мансуб асарлар ҳақида ўша вақтда анъанага айланган шўро мафкураси руҳидаги айрим қайдларни билдиради, бироқ шу фикрларда ҳам Ахмад Яссавий улуғ сиймо сифатида намоён бўлади. Яъни, уларга нисбатан қанчалик адолатсиз қарашлар илгари сурилмасин, уларнинг буюкликлари олдида бу адолатсизликлар ожиз бўлиб қолаверади. Олим Шарафиддинов ҳам ўша

даврдда Хожа Ахмад Яссавий ҳақида трафаретга айланган гапларни такрорлайди. Унинг асарлари ва тариқатида “турмушдан қочиш”, “ўлмасдан бурун ўлиш”, “таркидунёчилик”, “халқни эзувчиларга бўйсунтиришга чақириш” мотивлари ифодаланганлиги айtilади. Олим томонидан эътироф этилган “Ахмад Яссавий тасаввуфнинг махсус оқими бошида туриши”, “яссавийлик тариқати”, “Ҳикматлар”нинг унга мансублиги, “яссавия мактаби кенг тарқалганлиги”, шогирди Боқирғоний ёзган китобларда “яссавийлик тарғиб этилганлиги”, “диний ва ахлоқий шеърлари”, “Яссавий ва Боқирғонийларнинг асарларида кўзга ташланган хусусият тилининг соддалиги, ифоданинг равшан ва форма томонидан фольклорга яқин туриши, бу ҳол то сўнгги йилларгача халқ ичига тарқалиши ва ўқилишига сабаб бўлган”лиги ҳақидаги салмоқли ҳулосалари юқоридаги фикрларни ортга чекинтиради. Олим Шарафиддинов бир ўринда “Аҳмуд Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний асарларининг эски нусхалари (асл нусхалари – таъкид бизники) йўқ, фақат кейинги асрлардаги кўчирмалари бор”, - дейди [3:17]. Албатта, биз олимнинг ўзбек мумтоз ва тасаввуф адабиёти ҳақидаги барча қарашлари ҳолис ва мукамал, деб айтиш фикридан йироқмиз. Масалан, Олим Шарафиддинов бир ўринда “адабиёт дин-сўфийлик натижасида тараққий этолмади” – дейди [3:17]. Ҳақиқат эса бу фикрнинг аксини кўрсатади. Шарқу Ғарбда адабиёт тараққиёти дин ва мистик таълимотлар билан шундай чамбарчас боғланганки, диний таълимотсиз бадий-эстетикани ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақда жаҳоннинг энг йирик адабиётшунос олимлари яқдил фикрдадир. Яъни, бадий хис-туйғу дин ва илоҳиётга эҳтиёж сезади, ундан рухланади. Мисол учун Шарқда Ахмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Машраб ва бошқалар асарлари Қуръон ва Ҳадисларнинг бадий ифодаси сифатида қаралади. Шу маънода адабиёт дин-тасаввуф туфайли юксак даражаларга кўтарилди, поэтик жозиба касб этди, мазмунан ҳам, моҳиятан ҳам кенгайди.

Олим Шарафиддинов Ўрта Осиё иқтисодий-маданий ҳаёти мўғуллар истилоси оқибатида оғир аҳволга тушиб қолганлигини қайд этади. Бу даврда ўлкада бадий ижод билан шуғулланишга имкон йўқолди, ижод аҳли ҳам бошқа юртларга кетишга мажбур бўлди, асарларини ўзга муҳит, шароит, ҳатто тилларда яратишга тўғри келди. Адабиётшуноснинг бу қарашлари тарихий ҳақиқатлигини эътироф этган ҳолда “баъзи асарлар диний-таълимий бўлишдан нарига ўта олмади”, – деган фикри анча баҳсталаб эканлигини қайд этиш зарур. Чунки олим зикр этган “Қиссаи Юсуф” (1233 йил, Али), “Қиссасул-анбие” (1310 йил, Насриддин Рабғузӣ), “Мифтаҳул-адл” (ёзилган йили ва муаллифи номаълум) каби асарлар диний руҳ ва мотивда бўлишдан қатъий назар бевосита ижтимоий-маънавий ҳаёт билан боғлиқ эди. Мисол учун Юсуф

Лап жанры қарақалпақ фольклористика илиминде арнаўлы түрде илимий изертлеў жумысы болмады. Бирақ, лаплар барлық фольклорлық мийраслар менен бирге халық аўзынан жазып алынып Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими Н.Дәўқараев атындағы гуманитар институтының қолжазбалар фондында сақланып келинген. Мине, усы институт қолжазбалар фондында сақланып келинген қолжазбалар фольклорист алымлар тәрәпинен қайта көрип шығылып, үйренилип, халық массасына, илимий жәмийетшиликке усыныў ушын 2007-жылдан баслап «Қарақалпақ фольклоры» сериясы менен баспадан жәрияланып келинбекте. Лаплар жәрияланып атырған усы қарақалпақ фольклорының 84-томында (Нөкис: «Илим» баспасы, 2014-жыл 77-87-томлар) жарық көрди. Бул томда «Айдос пенен Жумағұл мерген» (P-450, №176393), «Усыған аспай, көлге асаң ба?» (P-533, №176476), «Көкнаршылар» (P-534, №176477), «Өмирбектиң бир лапгөйге ушырасыўы» (P-534, №176477), «Өмирбектиң шәкирти» (P-453, №176396), «Өмирбектиң кызы» (P-533, №176476), «Қудайберген лапгөй» (P-589, №180082), «Бултқа тийген бой» (P-450, №176393), «Өмирбектиң баласы» (P-450, №176393), «Әкесин жеңген бала лапгөй» (P-450, №176393), «Сақпан» (P-1299, №183812), «Жайын» (P-1299, №183812), «...Ол өгиз бе еди» (P-588, №180401), «Көргенинди айт» (P-141, №50413), «Қарақалпақтың бөлиниўи (P22a, №82401), «Жолаўшының шәрти» (P22a, №82401), «Айыплы күзе», (P-448, №176391), «Мыр дейсең бе?» (P-535, №176478), «Балық бол-ә енеғар!» (P-535, №176478), «Алданған хан» (P-535, №176478), «Еки көкнаршы» (P-535, №176478), «Қарәт пенен сөйлесіў» (P-535, №176478), «Молланы жылатқан шопан» (P-535, №176478), «Тарыдан бос

қалған адам» (P-535, №176478) сыяқлы 24 лаплар ямаса лап сөзлер жәрияланған.

Мине, усы қарақалпақ фольклорының 84-томында жарық көрген лапларды жанрлық, идея-тематикалық хәм көркем-эстетикалық дәреклерин үйрениў, изертлеў қарақалпақ фольклористика илиминиң актуаль мәселелериниң бири болып табылады. Усы томда жәрияланған «Өмирбектиң бир лапгөйге ушырасыўы» деп аталған лап әңгиме бизиң итибарымызды тартты: Мысалы: «Өмирбек заманында бир лапгөй болып, ол Өмирбекти көриўге қуштар екен. Бир күни базарда ол Өмирбек пенен ушырасып қалыпты да, Өмирбекке өзін шәкирт етип алыўды өтинипти.

Өмирбек:

-Ол жағын көре берермиз. Бүгин екеўимиз базардан бирге аўылға қайтамыз, - депти.

Жолда киятырып Өмирбек лапгөйден әдеўир жерге озып кетипти. Өмирбектиң алдынан бир топар адам шығып:

-Базарда қандай қызықлы ўақыялар болды, не арзан, не қымбат? - деп сорапты.

Сонда Өмирбек:

-Базардың нырқы өз турысында дә, бирақ базардың қапталындағы көлге от тийип, көл қамысларының бәри өртенип кетти, - деп жуўап қайтарыпты.

Хайран болған жолаўшылар не дерин билмей киятырса, алдынан лапгөй шыға келипти. Олар лапгөйди иркип турып:

-Жаңағы бир адамнан базардың хабарын сорап едик, ол бизлерге көлге от тийди дей ме, әйтеўир, болмаған өтирикти айтты, өзиниң дени саўы ямаса жили екенин айыра алмады, сиз базарда болған болсаңыз, айтып берин, - депти.

Сонда лапгөй:

-Көлге от тийгени ырас шығар, бүгин базарға түскен балықлардың бәриниң куйрық-қалашлары күйип қалған екен, - депти.

Жолаўшылар инанарын да инанбасында билмей, жөнине кетипти.

Өмирбек изинен жеткен лапгөйдиң жолаўшыларға берген жуўабын билип алыпты да, шәкирт етип алыўға келисим берипти.» [5:422].

Лап сөзлер күлкили сөзлер (анекдотлар) менен араласып келгенлиги сыяқлы бул жанрлардың атқарыўшылары да оғада талантлы, сөзге шешен, дилўар, бир еситкенин умытпайтуғын қатықулақ, шебер сөзли, хәр гәпти куйқылжытып, асыра айта (гиперболалық) алатуғын адамлар болған. Лап сөзлердиң мазмунының, идеясының, сюжет хәм көркемчилигиниң тәсир күши айтыўшыға, атқарыўшыға байланысly. Биз жоқарыда мысал етип көрсетип өткен «Өмирбектиң бир лапгөйге ушырасыўы» лап әңгимеси бүгинги күнге шөкем өз кунын жойтпай жасап келген. Бул лап әңгимени гештек-отырыспаларда сөзге тақыўа жигитлер тәрәпинен атқарылып, жыйналған көпшилик жас жигит-қызларды күлгиге бөлеген.

Улыўма айтқанда бундай лап әңгимелер инсанияттың жәмийетлик турмысында, жас жигит-қызлардың гештек-отырыспаларында, байрам сейиллеринде, той-тамашаларда, жол-жөнекей гейде сәўбетлесіўлерде күлки туўдырыў, күлгиге бөлеў сыяқлы көркем-эстетикалық тәсир көрсетиў менен бирге, адамзаттың ой-пикир, қыял сүриў дүнәсын раўажландырыўдан ибарат.

Әдебиятлар

1. Ахметов С., Бахадырова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзилиги. -Нөкис: «Билим», 1993, 40-41-б.
2. Ахметов С., Есенов Ж., Жәрімбетов Қ., Әдебияттануы атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. -Нөкис: «Билим», 1994. 152-б.
3. Веселовский А.Н. «Синкретизм древнейшей поэзии и начала дифференциации поэтических родов». Вкп. Историческое поэтика. -Л.: 1940. -С. 200.
4. Рүзимбетов С., Руўзимбетов Х. Фольклор атамалари қысқаша лүгати. -Урганч, «УрДУ», 2007. 22-б.
5. Қарақалпақ фольклоры (көп томлық: 77-87-томлар: 84 том). -Нөкис: «Илим», 2014. 422-б.

РЕЗЮМЕ

Қорақалпоқ оғзаки ижодида лофлар жанр моҳиятидан латифага жуда яқин. Бирок, уларда кучли муболағаларнинг ишлатилиши ва диалог асосига қурилиши лофларни латифалардан ажратиб туради. Лофлар аксарият профессионал ижрочилар томонидан айтилиб, асосон аскиячи ва кизикчилар репертуарида кўзга ташланади. Мақолада мана шу алоҳида аҳамият касб этган лофларнинг жанрий хусусиятлари, пайдо бўлиш манбалари, шаклланиш босқичлари, адабий ривожланиш тарихи сўз этилган.

РЕЗЮМЕ

В каракалпакском устном искусстве лофты очень близки анекдотам по сути жанра. Однако использование в них сильных выражений и построение их на основе диалога отличает чердаки от анекдотов. Лофы поют большинство профессиональных исполнителей и в основном представлены в репертуаре аския и любительской музыки. В статье рассматриваются жанровые особенности этих батонов, источники их происхождения, этапы формирования, история развития литературы.

SUMMARY

In Karakalpak oral art, lofts are very close to anecdotes in the essence of the genre. However, the use of strong expressions in them and their construction on the basis of dialogue distinguishes attics from anecdotes. Lofs are sung by most of the professional performers and are mainly represented in the repertoire of askia and amateur music. The article examines the genre features of these loaves, the sources of their origin, the stages of formation, the history of the development of literature.

ИСТИҚЛОДАН КҮЧ ОЛГАН КҮНГИЛ

Р.И.Ибрагимова - катта ўқитувчи

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: мустақиллик, ҳикоя, мисра, ватан, Орол, туйғу, рух, кўнгил.

Ключевые слова: независимость, рассказ, полустихие, Родина, Арал, эмоции, дух, душа.

Key words: independence, narrative, line, homeland, Aral, motherland, emotion, spirit, soul.

Ушбу мақолада Раёно Раҳмон кизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух ман-заралари» китобига киритилган ҳикоя, лавҳаларининг ўзига хос мавзу ранг-баранлиги, бадиийлик хусусиятларини таҳлилга тортишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, Қорақалпоғистонда туғилиб вояга етган ҳар бир ижодкор асарларида Орол муаммоси ўзига хос мавзу сифатида акс этади. Муаллифнинг ушбу китобида ҳам Орол мавзусига бағишланган мақолаларини, ҳикояларини ўқиймиз. Бу мавзулар баёнида ижодкорнинг дардли кўнгил кечинмалари тасвирланади. «Бобомерос тупрок» мақоласида қари мўсафид тилидан баён қилинган фикрлар тасвири берилади. «Ватан! Ватан!» - деб кўкка кўл чўзиб ҳайқирганингнинг фойдаси йўқ. Ватан дегани ўзи бу нима? Ватан бу туғилиб ўсган тупроғинг, уйинг, жойинг, дўстларинг» [1:51]. Бу фикрларининг тасдиғини муаллиф бир қанча кичик - кичик ҳикояларни мисол келтириш билан инсонларнинг ватан ҳақидаги тушунчаларини, ватан ҳақидаги муқаддас туйғуларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Инсон ўзи туғилиб ўсган тупроғини ҳар қандай ҳолатда асрашини, ташлаб кетолмаслигини бадиий тарзда тасвирлаб беради. «Ватан дегани балки шудир. Ота-она ҳоки қўйилган тупрокка меҳр, эхтиромдир. Балки инсоннинг «Сени яхши кўраман, тупроғим» деб айтмаган, айтиши ортиқча бўлган, қалбининг энг нозик торларидан жой олган сўзидир одамнинг. Чиндан ҳам бу туйғу сўзга қандай кўчсин? Бу туйғулар олдида сўз ожиз. Муҳаббат, меҳр, қалби иши, қалб мулки, қалбнинг овозсиз мусиқаси эмасми, ахир» [1:53] - дегани инсон дил тубидан баралла айтилган фикрларни мўсафид тилидан китобхонга жуда таъсирли шаклда етказиб беришни урдалаган. Бу фикрларни баён қилишда сўзларни ҳам ўз ўрнида маҳорат билан қўллаш баробарида образ танлашда ҳам жуда тўғри йўл танлаган. Воқеаларнинг мўсафид тилидан айтилиши ҳам, айнан Орол фожиаларини ўз кўзи билан кўрган инсон сиймосида бор ҳақиқатлиги билан намоён бўлади. Оролбўйлари ҳозир хувиллаб қолгани, денгиз гурқираб турган пайтларда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан одамлар ишлашга келгани, лекин кейинчалик бу ерларга ишлаш учун келган одамлар аллақачон бу қум, чанг, шўр тузларга чидамай ўз юртларига қайтиб кетганлиги, лекин ота - боболар ҳоки бўлган тупрокни фақат бу қадимий заминнинг қадр - қимматини англай олган инсонлар тарқ эта олмаганликлари дард изтироб билан тасвирлаб берадиган экан мўсафид тилидан шундай дейди: «...бизнинг бу ерларда ота қабрларимиз бор. Бир томчи имкон бор экан, биз бу ерлардан воз кечолмаймиз. Бу ерлар бизларга бобомерос-Ватан!».

Ҳақиқатга тик боқиб қаралса, албатта, бу қум бўронлари, шўрхок туз ҳавосидан нафас олиб яшаётган аҳоли айнан мана шу ота тупрокни ардоқлагани, оталар, хокига эҳтиромни туфайли бу жойларни ташлаб кетолмасдан, яна обод қилиш учун умид боғлаб, мардонавор курашиб келмоқда. Табиат ўз куч-қудратини кўрсатишда давом этмоқда, лекин Ватан дея сажда қилган Орол бўйи халқлари ҳали ҳануз катта умид ва ишонч билан олға интилаётгани унинг кейинги мақолаларида ўз аксини топган. Ушбу мақолада Орол сувининг қамайиши билан бутун табиат, инсоният, ҳайвонот оламига қанчалар зарар етказилаётгани, табиатнинг инсонлардан ўч олиши бир қанча мисоллар асосида тасвирлаб берилар экан, албатта мана шу халқ ҳаётига оид лавҳалардан фойдаланади ва муаллиф ижодида қорақалпоқ миллий калорити акс этиб туради.

Муаллиф «Холоскор» ҳикоясида ҳам ўз услубига содиқ қолган ҳолда кўнгил мулки ҳақида баён қилади. «Бадиий асарда ҳикоя эпик жанри ривожланиб келди. Ҳикоя кўпинча муайян ижтимоий шароит учун хос бўлган битта, баъзан бир неча кичик воқеани акс эттирувчи, характерни кўпинча тайёр ҳолда кўрсатувчи жанр ҳисобланади.» [2:221]. Кўнгил мулки бу ҳар бир одамнинг ўзигагина аён бўлган, эслаганда эзилиб кетадиган, юрагининг аллақачонини кемириб турадиган муҳаббат яраларининг залвори-ю, муҳаббатнинг илоҳийлигини қисқагина ҳикояда оддийгина учта образ суҳбати-ю, кўнгил кечинмаларида акс эттиради. Кўнгил сирли олам, унинг қалитини топган пайт у бу оғир дарддан халос бўлиш мумкинлиги, акс ҳолда бу азоб инсонни не қуйларга солиши реал воқеалар тарзида таъсирли акс этирилган. Муҳаббат, бир-бирига ҳурмат, бир-бирини тушуниш, инсоний фазилат эканлиги улуғланган.

Шундай ҳикояларидан яна бири «Изҳор» ҳикоясидир. Ҳикояда ижод аҳлининг ўзига хос табиати, оддий одамлар, дўстлар орасидаги самимий муносабатлар тасвирланар экан, мусаввир тасаввурлари ҳикояда асосий таҳлилга тортилувчи ҳолат сифатида акс этади. Бу ҳолат фақат ижод аҳлидагина содир бўлиши табиий, бу нақадар гўзал тасвир эканлиги эса муаллифнинг ижодий эстетик ғояларининг нақадар юқорилигидан дарак беради. Бу туйғуларни фақат ҳис қилиш мумкин, тушуниш эса қийин. Суратнинг ёмғирлар остида пайдо бўлиши, мусаввирнинг ҳаёлидаги ҳолатни қоғозга тушириши китобхонни уйга толдирадиган, диққатини тортадиган ҳолатдир. Лекин буни оддий одам ҳеч қачон ҳис қила олмайди ва бу ҳолатни шунча машаққатлар билан чизилган суратнинг кадрига етмаган дўсти уйидаги ҳолат билан тасвирлар экан, асарни минг

машаққат билан чизиш, унинг бир ҳолатга келгунигача бўлган ички изтироблари муаллиф томонидан акс эттирилган экан, бу санъат асарига муносабатни кўрган расомнинг ички кечинмалари, изтироблари ҳар бир китобхонни ўйга толдириши табиий менимча. Асар китобхонни санъатни тушуниш, кўнгил оламини тушунишга ёрдам беради, ижод машаққати-ю, мусаввир тасаввурларини англашга ёрдам беради, китобхонда санъатга, ижодга, инсон қалбига, нозик туйғуларига ижобий муносабатни шакллантиради. Асар айнан шунинг учун ҳам «Изҳор» деб номланган бўлса ажаб эмас. Раъно Раҳмон ҳикоя охирида қаҳрамон тилидан шундай ёзади: «Бир улуғ яратувчи бор-ҳамон маъқулларди қалби. –У одамга суврату сийрат, жон берган Зотдир. Биз эса бор йўғи улардан нусха кўчиришга ҳаракат қилдик ва катта хато қилдик. Муҳаббатимизни шу тарзда изҳор қилмоқчи бўлдик, шекилли. Рангларга сиғмаган дунёларимиз, изҳорларимиз муҳаббатга поёндоз бўлсин, поёндоз бўлсин»... (Р.Раҳмон, 2003:174). Муаллиф қаҳрамон нутқи орқали асар мазмун - моҳиятини жуда чиройли тарзда очиб беради, хулоса қилади.

Бу китобни ўқир эканмиз энг аввало муаллифнинг Оллоҳга бўлган ишонч, эътиқоднинг нақадар кучли эканлигини ҳар бир мавзусида кўрамиз. Китобдан ўрин олган мавзулар яратганга бўлган улуғ ишончни тарғиб қилишга, инсонларнинг кўнгил мулкига бу туйғуларни сингдиришга бўлган нусха кўчиришга ҳаракат қилдик ва катта хато қилдик. Муҳаббатимизни шу тарзда изҳор қилмоқчи бўлдик, шекилли. Рангларга сиғмаган дунёларимиз, изҳорларимиз муҳаббатга поёндоз бўлсин, поёндоз бўлсин»... (Р.Раҳмон, 2003:174). Муаллиф қаҳрамон нутқи орқали асар мазмун - моҳиятини жуда чиройли тарзда очиб беради, хулоса қилади.

Сен истасанг юраклар гул очади,
Сен истасанг нигоҳлар нур сочади.
Сен истасанг кўнглим лаҳзада тўлгай,
Тилдан қолган соқов ҳам тил очади.

Адабиётлар

1. Раҳмон кизи Р. Рух манзаралари. –Тошкент: 2003.
2. Худойкулов Э. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: 2007.

Ушбу мақолада Қорақалпоғистонда яшаб ижод этган шоира, публицист Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух манзаралари» китобида қиритилган ҳикоя, шеърлар, лавҳаларнинг ўзига хос мавзу ранг-барангликлари, бадиийлик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сўз қўллаш маҳорати, рамзларнинг ўзига хосликлари, ижодкор ички кечинмаларининг ифодаланиши таҳлил қилинади.

В статье рассказывается об уникальных тематических и художественных особенностях рассказов, стихов и истории вошедших в книгу «Пейзажи духа», одного из произведений поэта, публициста Рано Рахмона кызы, жившего и творившего в Каракалпакстане в период годы независимости. Автор также анализирует навыки использования слов, уникальность символов и выражение творческого внутреннего опыта.

This article tells about the unique thematic features and artistic features of the stories, poems and stories included in the book «Landscapes of the Spirit», one of the works of the poet, publicist Rano Rahmon kzy, who lived and worked in Karakalpakstan during the years of Independence. Author also analyzes word usage skills, the uniqueness of symbols, and the expression of creative inner experiences.

J.AYMUZAEV – QARAQALPAQ SATIRALIQ PROZASININ BASLAWSHILARININ BIRI SIPATINDA

A.S.Jaqshilqova - doktorant

Ajiniyaz atindagi Nökis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: obraz, asar, kinoya, janr, proza.

Ключевые слова: образ, произведение, сатира, жанр, проза.

Key words: image, work, satire, genre, prose.

Satira erkin jámiyetimizdegi unamsız qásiyetlerge qarsi gúresiwe, olardı ashshı kúلكi arqalı áshkaralawda, turmıstağı irkinish beretuğın hádiyselerdi sinawda, teńitayı joq kórkem sóz quralı. Satirik jazıwshıdan avtorlıq poziciya, xalıqlıq kóz-qaras, joqarı estetikalıq ideya, ómir shınlığın shıǵarmada kórkemlik penen súwretlew sheberligi talap etiledi. Bul jaǵınan satirik jazıwshıǵa da ulıwma

Ул кўзнинг ойдинлари ғоят чуқур,
Чуқурга чўка-чўка жоним чиқур.
Кўнглимни қазий-қазий қазо топсам,
Ўримдан шуқур дея сазо чиқур.»

Шеърда яна Оллоҳга бўлган мурожаат акс этади. Яъни инсоният учун яхшиликлар ҳам ёмонликлар ҳам сендан бежавоб бўлмас, сен назар қилсанг ҳар бир кўнгил шод бўлмай дея инсонларга яхшиликларни тилайди. Чуқурга чўкиш эса яхшиликлар қилиш учун ҳаракат қилиш, акс ҳолда ёмонликлар ичра фарқ бўлиш мумкин. Кўнглимни англай олмай қазо топсам дея тасвирлашида ҳам бир олам маъно бор. Чунки шоиранинг энг асосий тушунчаси бу инсон ўз кўнглини англай олиши, «Одам ўз кўнглини, кўнгил ўз одамиани англай олиши шунчалар мураккаблигини билган киши учун бошқалардан гинага ўрин йўқ. ...кўнглига тенг кўнгил топа олган инсон, икки дунё саодатини топибди»-дея таърифлайди. Демак, муаллиф фикрича, кўнглини англай олмоқ бахт. Инсон Оллоҳ инояти ила ўз кўнглини англай олиш бахтига муяссар бўлар экан, уни ўзгаларга шу сеҳри ила етказиб берилади. Мана шунинг учун ҳам шоира агар ўз кўнгил мулкимни тополмай, кўнглимни англай олмай қазо қилсам, шуқур қиламан, деганида ҳаққоний фикрни илгари суради, чунки, ўз кўнглини англай олмаслик азоб, минг бир изтироб.

Шунингдек, шеърда парчада гул, тил, нур каби бири-бирига оҳангдош бўлган қофиядош сўзларни ҳам танлай олганки, уларнинг барчаси ҳар жиҳатдан ижобий маънони ўзида мужассам этган сўзлардир. Мақолада Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратган ўзига хос қалб кечинмалари акс эттирилган, кўнгил салтанатининг мулки бўлмиш ички туйғулар ҳақидаги асарлари имкон даражасида таҳлилга тортилди. Бу йилларда шоира ижодидида жуда теран маъноларга эга бўлган ва мавзу жиҳатдан жиддий асарлар яратилган. Бу асарлар айнан адабий жараёнда давр силсиласи таъсирида яратилган ўзига хос асарлар бўлиб, ўзбек адабиётида мустақиллик мавзусини ўзига хос тарзда акс эттирган ижод намуналаридан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Қорақалпоғистонда яшаб ижод этган шоира, публицист Раъно Раҳмон қизининг мустақиллик йилларида яратилган асарларидан бири «Рух манзаралари» китобида қиритилган ҳикоя, шеърлар, лавҳаларнинг ўзига хос мавзу ранг-барангликлари, бадиийлик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сўз қўллаш маҳорати, рамзларнинг ўзига хосликлари, ижодкор ички кечинмаларининг ифодаланиши таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается об уникальных тематических и художественных особенностях рассказов, стихов и истории вошедших в книгу «Пейзажи духа», одного из произведений поэта, публициста Рано Рахмона кызы, жившего и творившего в Каракалпакстане в период годы независимости. Автор также анализирует навыки использования слов, уникальность символов и выражение творческого внутреннего опыта.

SUMMARY

This article tells about the unique thematic features and artistic features of the stories, poems and stories included in the book «Landscapes of the Spirit», one of the works of the poet, publicist Rano Rahmon kzy, who lived and worked in Karakalpakstan during the years of Independence. Author also analyzes word usage skills, the uniqueness of symbols, and the expression of creative inner experiences.

J.AYMUZAEV – QARAQALPAQ SATIRALIQ PROZASININ BASLAWSHILARININ BIRI SIPATINDA

A.S.Jaqshilqova - doktorant

Ajiniyaz atindagi Nökis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Tayanch so'zlar: obraz, asar, kinoya, janr, proza.

Ключевые слова: образ, произведение, сатира, жанр, проза.

Key words: image, work, satire, genre, prose.

dóretiwshilik xızmetkerlerine qoyılǵan joqarı ideyalıq penen kórkemlik sheberliginiń biyik talabı qoyıladı.

Satira shıǵarmada súwretlengen turmıslıq qubılıslardı, jeke adamlardıń háreketi menen minez-qulqındağı unamsız momentlerdi shegine jetkerip áshkaralaw arqalı jasaladı. Egerde yumorda qubılıstağı ekinshi dárejeli momentler kúلكige alınsa, satira bul qubılıslardı tutas tiykarı menen

biykarlaw bağıttan jasaldı. Satira jay ǵana zıyansız sınav yamasa kemshilik, unamsız momentti súwretlew emes, al áshkaralawdıń kúshi menen tıp-tamırınan biykarlaw. Satiralıq shıǵarmalardıń obyektı turmıstıń unamsız momentleri, jaramsız qubılıslardan ibarat. Jazıwshı olardı saplastırıw ushın ádewir kúsheytıp kórsetedi. Auditoriyaǵa málimlep, biykarlawshı húkım shıǵaradı. Unamsız adamnan oqıwshını jerkendiredi, aradan alıslatıwdı aldına maqset etip qoyadı. Durıs, satırada da kúlki bar. Biraq, onıń tiykarında ashshı mısqıl, ǵázepli kúlki jatadı. Satıradaǵı kúlki avtordıń zıǵırdan qaynatqan, qubılısqa, adam minezine ǵázebin, ızasın keltirgen zili bar kúlki. Adam ómirdegi áshkaralanıp otırǵan qubılıstıń ishki qarama-qarsılıǵın ashıwda onı astarlı mánide ǵana emes, al ulǵaytıp beriw arqalı mánisin túsindiridi, onı kerektsiz sıpatında súwretleydi.

Qaraqalpaq ádebiyatınan iliminde satira máselesi ele tıń jatırǵan ilimlerdeń biri. Keyingi on jıllıqlarda ǵana ko'rkem ádebiyatımızda satiranıń rawajlanıw máselelerine ańıqlap qol urılıp atır. Satira janrınıń baslı ushı folklor menen ushılasadı. Biz bilemiz, awız ádebiyatındaǵı yumor-satira tek O'mirbek yaqı Jiyrenshe sheshen so'zi menen sheklenip qalmaǵan. Ol dástanlarda, qıyalıy hám turmıshlıq erteklerde, turmıs-salt jırlarında, jumbaqlarda hám basqa da túrli ádebiy janrlarda ushırasıp otıradı. Sonday-aq jazba ádebiyatıń eń daslepki wákilleri bolǵan Berdaq, Kunxoja, O'tesh shayırlardıń qáleminde de, sońınan XX ásirge kelip T.Jumamuratov, D.Aytmatov, J.Aymurzaev shıǵarmalarında da o'z ko'rinishin taptı.

Qaraqalpaq ádebiyatınıń talantlı tulǵalarınń biri Jolmurza Aymurzaev lirikalıq, epikalıq, dramalıq janrlarda teń qálem terbetip, jańa formalarınń jaratılıwına úles qosıwshı pútkil ádebiyat jankúyerleriniń ustazı desek boladı. Onıń shıǵarmalarında xalıqtıń real turmısı, óz dawırınıń sóz etpekshi bolǵan aktual máseleleri ayqın kózge taslanadı. J.Aymurzaev prozaǵa 30-jıllardıń basında bir qatar publicistikalıq maqalaları, ocherkleri, feletonları gúrrińleri menen kirip keldi. Al, 30-jıllardıń aqırına kelip bolsa prozanıń povest janrında qálem terbetpe basladı. Jazıwshı urıs dáwirine kelip te, urıstan sońǵı dáwirlerde de bir qatar shıǵarmalar dóretpip, joqarı nátiyjelerge eristi. Onıń dóretilishiliginde jańa formalar, yaǵnıy biz sóz etpekshi bolǵan satiranıń sıpatlı belgilerin kóremiz. Biz J.Aymurzaev satiranıń daslepki baslawshılarınıń biri sıpatında bilemiz. Buǵan tiykar jazıwshı shıǵarmalarınń satiralıq ruwx, shıǵarma qaharmanlarındaǵı satiralıq karakter bunıń kórinisi bola aladı.

J.Aymurzaevtıń “Traktor kelgende”, “Miynet eri Nuratdin”, “Kolxoz eri” sıyaqlı eń daslepki gúrrińleri, sońın menen bir qatarda “Quwat” povesti, “Kelin” gúrrińi, “Jetimniń júregi” povesti, “Qálmenbaydıń hiylesi”, “Ámiwdarya boyında” romanı, “Sheberxannıń shırmawıǵı”, “Aygúl-Abat” piesaları payda boldı. Lekin, bul shıǵarmalar da satiralıq talaplarına tolıq juwap bermese de, yaǵnıy satira menen lirikalıq sheginisler aralas, komediya menen dramalar birge aralasıp júrer edi.

Jazıwshınıń “Kelin” gúrrińindegi burınǵı kózqarastan, jańa zaman turmısına biyimlese almay atırǵan awıl adamlarınıń turmısı sóz etiledi. Shıǵarma mazmunı Ukraina qızı Nadejda, qaraqalpaq jigiti Dawletmurat, Ótemurat ǵarǵı obrazları arqalı ashıp beriledi. Nadejda kishpeyil, miynetkesh, sabırlılıq tımsalı, dúnyaǵa kózqarasınıń keńligi menen kózge taslanadı. Ol jas basına barlıq qıynshılıqlardı basıp ótedi. Óz elinen alısta júrip qıyın awhalǵa tússe de, ózindegi bekkem isenim menen aldınan shıqqan barlıq tosqınlıqlardı jetip shıǵadı. Shıǵarmada Nadejda menen Ótemurat ǵarǵı obrazları arasındaǵı kelispewshilik, Nadejdanıń bul tosqıqlarǵa sabırlılıq penen qarsı turıwı obrazlı súwretlenedi.

Gúrrińde Ótemurat ǵarǵı obrazı ayrıqsha ahmiyetke iye. Qaharmanda eskilik topıraǵınan ele shıǵa almay atırǵan, ápiwayı awıl adamınıń kelbeti sáwlelenedi. Ótemurattıń

Nadejdaǵa bolǵan múnasibeti, oǵan degen jek kóriwshilik kózqarası, onıń jawız insan ekenligin kórsetpeydi. Tek ǵana ortadaǵı ayırım túsınbewshilik Ótemuratı usı halatqa salıp qoyadı. Nádejdanıń bir ǵana iygili is menen Ótemurat ǵarǵınıń oǵan bolǵan múnasibeti pútkilley ózgerip ketedi. Jazıwshı Ótemurat obrazında satiralıq sıpatlardı sawlelendiriwge háreket etedi.

J.Aymurzaevtıń jáne bir kewilge qonımlı dóretpeleriniń biri “Jetimniń júregi” povesti bolıp esaplanadı. Povest avtobiografiyalıq, memuarlıq xarakterge iye. Shıǵarmada qaharmanıń jas bala waqtınan baslap kórgen bárshe qıyın-keski turmıs waqıyaları sóz etiledi. Belgili ullı ilimpazlarımızdıń biri, professor K.Allambergenov “XX ásir qaraqalpaq ádebiyatı” sabaqlında J.Aymurzaevtıń portretin kórkem súwretlep berip, ásirese jazıwshınıń “Jetimniń júregi” shıǵarmasına tereń analiz jasadı. Shıǵarma qaharmanına tán barlıq sıpatlı belgilerdi tolıq ashıp kórsetedi.

Belgili sóz sheberi J.Aymurzaevtıń “Ámiwdarya boyında” romanı satiralıq prozanıń daslepki úlgeri sıpatında kórsetiledi. Jazıwshınıń “Ámiwdarya boyında” romanı 1958-jılı jazılıp, romanıń tiykarǵı teması qaraqalpaq xalıqınıń turmısı hám abadanlıǵı ushın gúres, miynetkesh xalıqtıń qaharmanlıq qurılıstıǵı isleri sóz etiledi. Roman qaharmanları xarakterinde, xalıq, eli ushın janın ayamaytuǵın márt insanlar obrazı sawlelendiriledi.

Shıǵarmań bas qaharmanı Rawshan bolıp, avtor Rawshan obrazı arqalı xalıqın ardaqlaǵan, tınısız miynetniń mashaqatınan qashpaytuǵın haqıyqıy jetik, kámil insan obrazın, súwretleydi. Tek ǵana sabırlıq, adalatlı, haqıyqatshıl insannıń tımsalı bolǵan Rawshan awıl xojalıq institutın pitkergennen soń, óz awılına kelip jumıs isleydi. Qaharmanń tiykarǵı tilegi tuwılıp ósken awılın rawajlandırıw, gúllendiriwdi maxset etedi hám bul niyetine erisiw ushın sabırlılıq penen jumıs alıp baradı. Sonıń menen birge ózine uqsǵan márt, miynetkesh mexanik jigitlerdi toplaı, olardı da jámaátlik xojalıqtı aldınǵı qatardaǵı daramatlı xojalıqqa aylandıırıwǵa shaqırıp, aldılarına úlken wazıypa júkleıdi.

Awılın jası ullıları jas, miynetkesh Rawshandı kórip oǵan sheksiz isenim bildiredi. Búginin oylǵan basshılardı qaralaydı. Awılın abadanlasıp baratırǵanına quwanış penen qaraydı.

Rawshan obrazı qarama-qarsı qoyılǵan obraz Kámekbay obrazı bolıp sanaladı. Bul eki insan arasındaǵı pariqlı adamgershiliginde. Kámekbay Rawshannan pútkilley pariqlanadı. Ol tuwılǵan jerin gúllendiriw degen ideyalardı pasıq miyine sińdirgisi kelmeydi. Jazıwshı Kámekbay obrazı arqalı insandaǵı satiralıq sıpatlardı kórsetip beredi. Kámekbay basshı lawazımında islewine qaramastan hámme waqıt menmenlikke berilip, basqalardıń ústinen zulım ótkeriwdi abzal kóredi. Kámekbay jeke mápin, jámaát mápinen ústin qoyıp insaniylıǵın umıta. Bul bolsa óz nawbetinde Kámekbaydıń ruwxıy jarlı ekenligin kórsetedi. Ol óz orınnan ayırılıp qalıwdan qorqıp, qasındaǵı bilimli, talantlı jigitlerdi ótirik qaralap, kóp hayal alıwshılıqta ayıplaı kórsetedi.

Kámekbaydıń hújansızlıǵı sebepli ómirlik joldası erte qaytıp bolıp qaladı. Onıń boyındaǵı bunday adamgershiliksiz kórinisler oqırmanın kewlinde jerkenish sezimni oyatadı. Aysholpannıń mezgilsiz dúnyadan ótiwi Kámekbaydıń miyırımsızlıǵı sebebinen júzege keledi. Misalı:

Aysholpan azıraq kózin ashtı, sóytıp sál-pál esin jıynadı. Sińlisi Rawshandı shaqırıp:

-Rawshan azıraq suw ber!-dedi jas baladay názik dawısı menen.

Má, saǵan suw!-dep, Kámekbay suw qabaqtan zerenge suwdı toltırıp quyıp betine serpip jiberdi.

-Hay, hay janım-ay. Sennen suwıq suwda jaqsı-aw. Boyımdı jeńiletip, kózimdi shayday ashtırdı,- dedi Aysholpan [2]

Бул қатарлардаги Кáмекбай образидаги сувиқ сувдай миъримсизлик, менменлик, ҳúджансизлик айриқша кóзге тасланadi. Жазíвшí бул Кáмекбай образí арқалí халíқимíз арасíнда ушíрасатуғíн усíндай миъримсиз инсанларí, óз ма́пí ушíн хíзмет етíп жүрген башшíлардí óткíр сíнга алади.

Шíғармада Кáримбай образíнан башқа да сатíралíқ образлардí кóриwmíзге болади. Áсíресе Кáримбайдíн қолқанатларí болíп жүрген Кáраматдíн, Саттар образларíнда кóрсетíп óтíw орíнлí. Бул образларда Кáримбай сýяқлí óзлерíнíн бойíнда барлíқ сумлíқтí сíндíрген инсанлар. Жазíвшí бул образлардí пáлектíн асítнда жапарахат кún кórwshí, rawajlaníw máсеlesín артқа сýríвшí инсанлар келбетíн байан етедí.

Жаманлíқтíн íзінде жақсылíқ болғанíндай, Rawshan ҳам башқада онíн тáрепдарларíнíн кóбейíwí аwíl хожалíқ таравíнíн гúлленíwine алып келдí. Мíynetкеш жигитлер Борис, Мурат образларí арқалí аwíl адамларíнíн мíynetке ҳадal кóзқараста қаравí ҳам сана-сезímíнíн ҳár тáреплеме óсíp барíwí кóркем байан етедí. Мурат óз мíynetкешлígí менен Кáримбайдíн жаманлíқларíна сýнбайдí, ҳақиқатлíқ жолíнда гúресíп, дushпанíнíн алдíнда бугíлíp қалмай, óзíníн ақíллíгí менен жаманлíқтí же́нíp шíғадí.

Адебиётлар

1. Paxratdinov Yu. Qaraqalpaq satirası. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1992.
2. Aymurzaev J. Shıǵarmaların eki tomıǵı. I-II tom. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 1980.
3. Paxratdinov A., Allambergenov K., Bekbergenova M. XX ásir qaraqalpaq ádebiyatı tariyxı. –Nókis: “Qaraqalpaqstan”, 2011.

Мақола қорқақалпоқ адабиётшунослигида кам о’рганилган долзарб муаммоларнинг бирига бағ’ишланган. XX аср қорқақалпоқ адабиётда сатиранинг о’rganilishi jarayoni, o’ziga xos xususiyatlari, satirik prozaning rivojlanish masalalari so’z etilgan. Shuningdek qorqaqalpoq adabiyotining yirik adibi J.Aymurzaevning “Amiwdarya boyında” asaridagi satirik obrazlar talqin qilingan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена одному из наименее изученных актуальных вопросов каракалпакской литературы. Рассматривается процесс изучения сатиры в каракалпакской литературе XX века, её особенности, развитие сатирической прозы. А также интерпретированы сатирические образы в произведениях великого писателя каракалпакской литературы Ж.Аймурзаева «Әмиўдарья бойында» (У берегов Амударьи).

РЕЗЮМЕ

The article is devoted to one of the least studied topical issues of Karakalpak literature. It is described the process of studying satire in the karakalpak literature of XXth century, its features, the development stages of satire prose. More over, there interpreted satirical images in the work of the great karakalpak writer J.Aymurzaev Amudarya boyında (At the bank of Amudarya).

SUMMARY

ЭПИК АНЪАНАЛАР ТАЛҚИНИДА ИЖОДИЙ СИНТЕЗ МУАММОЛАРИ

С.Жумаева – филология фанлари номзоди

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: эртак, достон, эпик тур, ижодкорлик, мавзу, вариант, бахши, жиров, сюжет, образ, анъана, услуб, трансформация, эпизод.

Ключевые слова: сказка, эпос, эпический тур, творчество, тема, вариант, бахши, жиров, сюжет, образ, традиция, стиль, трансформация, эпизод.

Key words: fairy tale, epic, epic tour, creativity, theme, variant, bakhshi, dzhirov, plot, image, tradition, style, transformation, episode.

Эртаклар халқ ижодиётининг эпик тури сифатида энг қадимий жанрлардан бири бўлиб, халқнинг улуғвор ғоялари, дунёқараши, руҳий кечинмалари ижтимоий-сиёсий, оилавий – маиший, диний, ахлоқий қарашларини ўзига хос бадиий акс эттиради. Воқеабандлик, бирор ҳодисани мукамал тарзда баён этиш бу жанрга хос бўлган асосий белги – хусусиятлардир. Шу маънода, асрлар оша давр таҳририга учраб, сайқаллашиб, гўзал шакли, чуқур ва теран мазмуни билан бизгача етиб келган эртаклар ханузгача энг сеvimли, энг жозибали халқ китоби бўлиб яшаб келмоқда. Хусусан, “Зиёд ботир”, “Сўлмас гул ва вафодор хотин”, “Маликаи Хуснобод”, “Озодачехра”, “Тухматга учраган келин” номли бир қатор эртаклар ўзбек халқ эртакчилигида поэтик тизимнинг яхлитлиги, маиший йўналганлиги, анъанавий шакли ва мазмун моҳиятига кўра алоҳида ўрин тутди. Мазкур эртакларда “...вафодорлик мавзуи етакчилик қилади... Ишқ-вафо, тухмат азоби порлоқ орзулар қанотида ифодаланган. Севги-садоқат, соф муҳаббат ғоясини ташкил этиб, ёр фироқи йўл азобига мансуб воқеа ва ҳодисаларда сарсон-саргардонлик етакчи хотимани

оптимистик рух бошқаради, гоҳо у фожиа билан якун топади. Бу нарса ишқий саргузашт эртакларнинг ўзига хос табиатини белгилайди. Унинг воқеалари лирик оҳангда тавсифланган” [1:149].

Таъкидлаш жоизки, эртакларнинг қорақалпоқча варианты “Вафо савдогар” ғоявий – бадиий хусусиятлари, сюжет ва образлари тизимида кўра “Озодачехра”, “Тухматга учраган келин” номли ўзбек халқ эртаклари билан муштараклик касб этади. Бу муштараклик, аввало, икки қардош халқ вакиллариининг орзу-умидлари, психологияси, турмуш тарзининг ўзига хос уйғунлигида акс этади. Шунингдек, мазкур эртакларнинг бир-бирига яқинлиги, шаклий тузилиши, табиатининг ўхшашлиги бир вақтда юзага келганлиги, ёнма-ён яшаб, ўзаро таъсир жараёнида ривожланганидан далолат беради.

Эртакларнинг ўзбекча вариантыда ҳикоя қилинишича, Озодачехра Балх шаҳри подшошининг чевараси. Қизнинг отаси Саид савдогар бўлиб, хотини дунёдан ўтгач, кизини бобоси подшонинг хузурида қолдириб, савдо иши билан сафарга кетмоқчи бўлади. Подшонинг маслаҳати билан Озодачехра шайх Санон

хузурида қолдирилади. Қиздаги ўзгача чирой ва латофатни кўрган шайх қабих ниятни ўйлаб, унга тажовуз қилмоқчи бўлади. Қиз эса уни обдасга билан уриб қочади. Шарманда бўлган шайх кизни одобсизликда айблаб, подшога чиқади. Озодачехра доно вазирнинг аралашуви билан ўлимдан қутилиб қолади. Ана шундан сўнг унинг фавқуллоҳда ҳодисаларга тўла саргузаштлари бошланади. Озодачехра шахзода Бахт билан турмуш куради, лекин вазирнинг ўғли унга хиёнат қилади, иродали ва абжир киз қирқ қароқчини ўлдиради, чўпон йигит киймида юртига келади ва воқеалар сўнгида душманлик қилганлар жазоланадилар [2: 539-540]; [3: 234-236].

Қорақалпоқча эртақ матнида сюжетнинг бу таянч нукталари сақланган ҳолда қатор ўзгаришлар кўзга ташланади. Чунончи, эртақ қахрамони – кизнинг номи Қундуз, юрти Чин мамлакатидир. Отаси Вафо савдогар эса подшонинг куёви бўлиб, унинг подшо кизини сафардан қайтишда кўриб қолиб, катта қалин (юз бош тош туя, юз от, юз эчки, юз тилла) эвазига уйланиши, Қундузнинг туғилиши ва унга отасининг меҳрибонлиги каби воқеалар бирмунча кенгрок баён этилган. Ўзбекча вариантдан фарқли ўлароқ, бунда разил шайхнинг исми айтилмай, ҳазрати пир деб юритилади [4:102-103].

Ўзбекча эртақ вариантыдаги вазир ўғли ўрнида мазкур эпизодда шахзода йигитларининг бошлиғи хоинлик қиладики, бу ҳам қорақалпоқ эртақлари матнида учрайдиган типик белгилардан биридир.

Айни эпик сюжет қорақалпоқ халқ бахшиси Қурбонбой жиронинг “Қаншайим” достонига замин бўлган. Бироқ мазкур эртақлар жирон талқинида қатор мотив ва образлар қайта ишлови билан сайқалланиб ўзига хослик касб этади. Шунингдек, достонда ҳар бир вариантнинг айрим специфик хоссалари ёрқин кўзга ташланади. Достон сюжети ривож икки қисмга ажратилганда буни яққол кўриш мумкин.

Биринчи қисм – отанинг ҳажга кетиш учун тайёрланиб, кизи – Қаншайимни мулла Мушқилга қолдириши, кизнинг эса мулла ниятини пайқаб уни фош этиши ва отаси томонидан чўлга элиб ташланишидир.

Иккинчи қисм – Қаншайимнинг чўлдан топиб олинишидан кейинги саргузаштларидир. Биринчи қисм мазмунини ҳар иккала матн вариантыда деярли бир хил (фақат нашр нусхасида кизнинг отаси Сулаймон Сардақлининг етмиш яшар хони дейилса, қўлзма нусхада Қумкент шахридан Салимбой деган киши деб кўрсатилади) [4:173].

Биринчи қисм ҳийла барқарор бўлиб, эртақ сюжетида тўғридан-тўғри трансформация қилинганлигида намён бўлади. Характерига кўра ҳам бу қисм воқеалари ижроқидан жиддий ўзгаришлар талаб қилмайди, балки фабуланинг ёрқин ифодасига ва кульминациясига замин ҳозирлашга хизмат қилади. Шу маънода бу қисм қолиплаган аънавий бошламадир. Иккинчи қисм воқеалари оқими эса достонга хос эпик кўлам, персонажларни идеаллаштириш ва бошқа шаклий компонентларни тақозо қиладики, бунда энди эртаққа хос тасвир меъёри достонга сиғмай қолади. Шунинг учун ҳам бахши эртақ сюжети мотивлари, ҳаётини қамрови, шеърини ва бошқа қисмларига эпос талаби нуктаи назардан ёндошади. Бу жараён эса ижобий бўлиб, достончининг эпик аънаваларнинг қанчалик ўзлаштирганига, индивидуал услубига, салоҳиятига ва бошқа омилларга боғлиқдир. Шунинг

учун ҳам эртақларнинг асосини ташкил этган сюжет достонга ўтганда унга баъзи образлар ва эпизодлар қўшилган, воқеалар тасвири кенгрок аспектда, шеърини ва насрий қисмларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида баён этилган. Достонга киритилган Абдулла образини эртақ матнида учратмаймиз. Қаншайимнинг акаси бўлган бу образ ўз сингисининг софлигига ишонади, унга ачинади, отасини ишонтириш учун кизнинг қўйлагини чўпондан олган қўй қонига бўяб келади. Эртақларга хос бўлган бу хусусият достоннинг таъсирчанлигини ошириб, унинг янада қизиқарли бўлишига хизмат қилади. Қаншайимни чўлдан топиб олиб, унга уйланган киши ҳар иккала вариантда ҳам Абдурахмон деб аталади. Лекин у китобда ботир, қўлзмада эса Юнон шоҳи деб таърифланади. Ҳам шоҳ, ҳам ботир сифатида у достончи идеалини ифодалаб, Сардақли ва Елпенг мамлакатлари ўртасидаги ўзаро урушга чек қўяди ва халқлар биродарлигини таъминлайди. Бизнинг кузатишимизча, достоннинг нашр варианты ўзбек халқ эртаги асосида пайдо бўлиб, унга баъзи қорақалпоқ қахрамонлик достонларидаги аънавий жанг эпизодларидан бирини киритиб (Темирхон ва Абдурахмон олишуви), асарнинг тасвир кучини оширган. Қўлзма варианты эса бевосита қорақалпоқ эртаги таъсирида яратилган бўлиб, эртаққа хос сюжет чизиқлари, бадий уйдирма ва фантазия излари сақланган.

Англашиладики, достонда сеҳр ва муболага эртақдагига қараганда анча чекланган бўлиб, бадий тасвир ва ҳаётини етакчилик қилади. Образлар ҳам умумий тарзда эмас, балки аниқлаштирилиб, хатти-ҳаракатлар, кечинмалар орқали тасвирланади. Воқеалар баёнида ҳар бир жанрга хос услуб кўзга ташланади. Яъни, эртақда лўндалик ва қисқалик, достонда эса деталлаштириш устунлик қилади. Достонга асос бўлган воқелик эртақдан ўзлашиш жараёнида фантастик унсурларни ҳаётини белгиларга алмаштира бошлаб, янги жанрнинг ўз компонентига айланиб қолган. Қахрамонлари турли тоифага мансуб бўлган достонларда уларнинг характер хусусиятлари ижтимоий зиддият ва адолатсизликка қарши курашда очилади. Шунга кўра, унинг танқидий характери асарда асосий, ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, эртақдаги муҳим эпизодлар ўзаро уйғунлашиб, достоннинг эпик негизини ташкил этганки, бу ижтимоий, маиший мавзунини кўтаринки руҳда баён этишда имкон берган. Айни жиҳатларни фарқлашда фольклоршунос В.Я.Пропп таъбири билан айтганда, “...айрим эпик турга мансуб асарларни бир-биридан узоқлаштирувчи ёки ўзаро яқинлаштирувчи белгилар мавжуд. Шунингдек, алоҳида аҳамиятга эга бўлган муҳим белгини қайта адабий ўзлаштириш ижодий ишлаш жараёнида аниқлаш, унинг ўзгармай бирдек тура бериши ёки ўзгарувчанлигига эътибор бериш тадқиқотчидан ўта синчковликни талаб қилади [4:82].

Хулоса қилиб айтганда, “Қаншайим” ўзбек ва қорақалпоқ эртақлари билан эпос аънаваларининг ижодий синтези намунаси сифатида вужудга келган ғоявий – бадий мукамал асар саналади. Унда қардош икки туркий халқнинг эпик аънавалари сюжети барқарорлашган. Зеро, асар умумтуркий халқларнинг юксак ахлоқ нормалари ҳақидаги қарашларини қамраб олиб, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маиший аҳамият касб этган.

Адабиётлар

1. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: «Фан», 2008.
2. Ўзбек халқ эртақлари. Икки томлик. 2-том. – Тошкент. «Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти, 1963.
3. Ойжамол. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: «Фан», 1969.
4. Максетов К. Каракальпакский эпос. – Т.: «Наука», 1977.
5. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: «Наука», 1976.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ривожига эртақчилик аънаваларининг муҳим омил бўлганлиги ҳақида сўз

юритилган. Шунингдек, эртақ жанрининг шакли, ифода услуби, образ ва мотивларига қайта ишлов берилиши натижасида стилизация фольклоризм кўринишларининг яратилганлиги билан боғлиқ тушунчалар борасида фикр юритилган. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти тараққиётида фольклор жанрлари стилизацияси омиллари ва кўринишларининг муҳим ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются сказочные традиции которые являются важным фактором развития узбекской и каракалпакской литературы. Также анализируется концепции, связанные с созданием стилистических форм фольклора в результате обработки формы, стиля выражения, образа и мотивов сказочного жанра. Изучается важная роль и значение факторов и проявлений стилизации фольклорных жанров в развитии узбекской и каракалпакской литературы.

SUMMARY

The article depicts that the traditions of fairy tales are an important factor in the development of Uzbek and Karakalpak literature. It also discusses the concepts associated with the creation of stylistic forms of folklore as a result of the processing of the form, style of expression, image and motives of the fairy tale genre. The important role and significance of the factors and manifestations of stylization of folklore genres is studied in the development of Uzbek and Karakalpak literature.

КОСМОГОНИК МИФ СЮЖЕТИНИНГ ЭПИК ТАЛҚИНИГА ДОИР

М.Жўраев - филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: фольклор, астраль миф, архаик миф, афсона, сюжет, мотив, персонаж, этиологик миф, антропогеник қараш, тарихий асос.

Ключевые слова: фольклор, астральный миф, архаический миф, легенда, сюжет, мотив, персонаж, этиологический миф, антропогенические воззрения, историческая основа.

Key words: folklore, astral myth, archaic myth, legend, plot, motive, character, etiological myth, anthropogenic views, historical basis.

Маълумки, жаҳон, шу жумладан, туркий халқлар фольклорининг қадимий намуналаридан бири космогоник мифлар бўлиб, унда оламнинг тузилиши, ой, қуёш ва юлдузларнинг пайдо бўлиши, самовий жисмлар ҳаракати ҳақидаги мифопоэтик тасаввурлар ўз ифодасини топганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай миф ва эътиқодий қарашлар қадимги одамнинг олам ҳақидаги энг кўҳна ибтидоий тасаввурлари йиғиндисидан иборат бўлган. Қадимги одамнинг замин ва уни ўраб олган бепоён борлиқ сирларидан воқиф бўлишга интилиши натижасида юзага келган мифологик тасаввурларнинг туб моҳияти – оламнинг ибтидоси сабабларини тушунтиришга қаратилган. Демак, космогоник мифлар борлиқнинг пайдо бўлиши, осмон билан ернинг яратилиши ва бир-биридан ажратилиши, ой, қуёш, юлдуз каби само ёриткичлари ҳамда табиат ҳодисалари ҳақидаги қадимий эътиқодий қарашлар ва мифологик тасаввурлар асосида юзага келган. Космогоник мифларнинг тарихий асослари ва мотивлар тизимини ўрганиш аждоқларимиз поэтик тафаккурининг шаклланишига асос бўлган қадимий мифопоэтик архетиплар моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек фольклоршунослигида космогоник мифлар ва осмон жисмлари билан боғлиқ халқ қарашлари К.Имомов [1], У.Жуманазаров [2:30-47] ва ушбу мақола муаллифи томонидан ўрганилган [3].

Космогоник мифлар ҳам ўз мазмунини ва сюжет типларига кўра бир неча гуруҳни ташкил этган бўлиб, улар орасида оламнинг яратилишига доир этиологик мифлар, қуёш ва ой тўғрисидаги шамсий-қамарий мифлар, юлдузлар ҳақидаги астраль мифлар, табиат ҳодисаларига оид халқ қарашларини ўзида акс эттирган култ мифлари каби типларга бўлинади. Юлдузлар тўғрисидаги астромифологик тасаввурлар асосида шаклланган ўзбек мифлари орасида Осмоннинг шимолий ярим шарига кўринувчи Етаган ёки Етти қароқчи юлдузларининг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилувчи сюжетлар ўзининг хилма-хиллиги ва қизиқарлилоғи билан ажралиб туради. Бу типга мансуб астраль мифларнинг генезиси ва ўзига хос эпик талқинларини ёритиш мақсадида юлдузга айланган етти оға-ини ва уларнинг сингиси ҳақидаги ўзбек мифини таҳлилга тортишни лозим топдик.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Майма-ноқ қишлоғида яшовчи уста Неъматилла Дилмурод ўғлидан 1997 йилда биз тарафимиздан ёзиб олинган "Савдогарнинг етти ўғли" номи мифда осмон жисмларининг пайдо бўлиши шундай изоҳланади:

«Қулардан бир куни бир савдогар сафарга отландиган бўлиб қолибди. Унинг етти ўғли бор экан, хотини

бўлса яна оғироёқ экан. Савдогар кетар чоғи ўғилларига қараб: «Болаларим, рўзғорни энди сизларга топшириб кетаяпман», – дебди. Орадан бироз вақт ўтиб, савдогарнинг хотини киз туғибди. Етти оға-ини сингилли бўлганликларига суюниб, бошлари осмонга етибди. Бир куни ака-укалар бир дашту биёбонда чайла қуриб яшай бошлабди. Акалари овға кетганида киз уларга овқат пишириб ўтираркан. Бир куни киз уйдан эргашиб келган мушуги билан аразлашиб қолишибди. Мушук аччиқ қилиб, ўчоқдаги оловни ўчириб қўйибди. Акалари келгунига қадар овқат тайёрлаш учун қизча ноилоҳ олов ахтариб йўлга тушибди. Юра-юра бир кампирнинг уйига бориб қолибди. Кампир қизнинг қўлига бир ҳовуч қул солиб, устига уч дона чўғ қўйиб берибди. Қизнинг қўлидаги қул аста-секин тўкилиб, из бўлиб қолибди. Кампир ана шу қул изи билан келиб, ҳар куни қизга бошидаги битларни тердириш баҳонасида унинг тиззасига бошини қўйганча қонини сўриб кета бошлабди. Бир куни бу сирдан воқиф бўлиб қолган етти оға-ини кампирнинг бошига қилич солиб, қалласини сапчадай узиб ташлабдилар. Аммо қалла думалаб-думалаб бир ғорга кириб кетибди. Бу ғорда кампирнинг дев акалари яшар экан. Улар ғордан чиқиб келишибди-да, етти ака-ука билан уларнинг сингисини ўлдирибдилар.

Шу атрофда бир чўпон қўй боқиб юрган экан, савоб учун уларнинг жасадларини ювиб-тараб, қўмибди. Бир йилдан сўнг уларнинг мазоридан ҳар хил гуллар ўсиб чиқибди. Савдогар болаларини ахтарибди, аммо улар ўлганини билиб, доду фарёд чекиб йиғлабди. Фарзандларидан жудо бўлган савдогарнинг нолаю илтижолари тангрининг даргоҳида қабул бўлиб, етти ака-ука билан уларнинг сингиси тирилибди ва худонинг амри билан осмонга чиқиб, юлдузга айланиб қолишган эмиш. Осмондаги Етти қароқчи билан Зухра юлдузлари ана шу ака-ука билан уларнинг сингиси дейишади. Қизча жодугарнинг уйидан чўғ олиб келганда қўлидан тўкилган қулнинг изи эса Сомон йўлига айланган экан» [Муаллифнинг фольклор экспедицияси материалларидан, 1997 йил].

Етти ака-ука ва уларнинг сингиси саргузаштлари ҳақидаги бу асотир қадимги туркий қавмлари мифологиясидаги архаик сюжетлардан бири асосида шаклланган. Хусусан, тоғли олтойликларнинг афсоналарида ҳам Етаган юлдузларига айланган етти ака-уканинг сингиси образи бор бўлиб, унинг исми «Очу қарақши» дейилади. Г.Н.Потаниннинг аниқлашича, тоғли олтойликлар тилида «қарақши» сўзи «сохибжамол», «ғўзал» деган маъноларни англатар экан [4:128].

Бурят мифларидан бирида айтилишича, Етти қароқчи юлдузи ўзининг ақлилиги ва топқирлиги би-

лан одамлар эътиборини қозонган етти нафар етим бола эмиш. Улар узоқ давом этган машаққатли изланишлардан кейин бир баҳодирнинг йўқолган қизини излаб топиб, ота-онаси бағрига қайтарадилар. Ана шу олийҳимматликлари ва жасурликлари учун улар юлдузга айлантирилган эмиш [5:16].

Кўринадики, етти ака-ука ва уларнинг синглиси саргузаштлари мавзуси туркий ҳамда муғул-буят халқлари мифологиясида турлича талқин қилинган экан. Бевосита ана шу бобосюжетнинг образлар силсиласи ва осмон ёриткичларига эврилишдан иборат космогоник жараён моҳиятини ўзида мужассамлаштирган асотирнинг асрлар давомида анъанавий эпик мотивлар билан бойитилган бир кўриниши ўзбек фольклорига сақланиб қолиши ҳам архаик миф эволюцияси маҳсулидир.

Отаси сафардалиқ чоғида фарзанд туғилиши, болаларнинг уйдан чиқиб кетиши, биёбонда чайла қуриб, овчилик билан кун кечириш, мушукнинг оловни ўчириши, қизнинг чўғ излаб ялмоғизга дуч келиши, қизнинг қонини сўрган ялмоғизнинг ўлдирилиши, кесилган калланинг думалаб ғорга кириб кетиши, ғордан чиққан девлар билан олишув каби мотивлар ўзбек халқ эртақларининг анъанавий сюжет элементлари сирасига қиради.

Айни бир мотив халқ насрининг турли жанрларига мансуб матнларнинг композицион қурилишида мавжуд бўлиши ўзбек фольклори учун анъанавий поэтик қонуниятлардан бири саналади. Масалан, «Кенжа ботир» эртагида кесилган калла думалаб-думалаб, ўрмон четигадаги бир ўрага тушиб кетади [6:102-103].

“Минораи калон” номли тарихий афсонада тасвирланишича, бир девона Бухоро Арки дарвозаси ёнида ўтириб: “Дўст бўлсанг, дўзахингни барҳам ур!” деб фиғону нола этаркан. Амирнинг мулозимлари уни ҳайдашибди, уришибди, лекин ҳалиги девона сира гапга қулоқ солмай, тиним билмай додлармиш. Амирнинг ғазаби келиб: “Девонанинг боши чопилсин!” деган фармонни берибди. Жаллод девонанинг бошини чопибди. Бош думалаб-думалаб Аркнинг ёнидан Масжиди Калоннинг олдига келиб, бир ғорга кириб кетибди. Кечаси амир туш кўрибди. Тушида ҳалиги боши чопилган девона келиб: “Эй, амир! Мени ўлдиртирганингдан ўкинма. Аллоҳга шукрки, мен муродимга етиб, жаннатий бўлдим. Лекин сен менинг бошим ғойиб бўлган жойда бир минора қурдирмоққа фармон бер!” дебди. Эртасига амир минора қурмоққа фармон берган экан [7].

Ўзбек мифологиясида ғор (ёки унинг қудук, ўра, чуқурлик, сой, жар каби аналоглари) ўзга олам – ўликлар мулки (кўпинча ер остида жойлашган деб тасаввур қилинади)га ўтиш йўли сифатида тасаввур қилинади. Ялмоғизнинг кесилган боши бамисоли жони бор пайтдагидай гапириши ва думалаб ғорга кириб кетиши эса қадимги одамнинг жон тўғрисидаги анимистик қарашлари асосида шаклланган мотивлардир. В.Я.Пропп антик давр тасвирий санъатида худди ердан ўсиб чиқаётганга ўхшаш соқолли каллалар сурати чизилган лавҳалар мавжуд бўлганлигини қайд қилади. Унинг фикрича, қадимги одам инсон жони танасининг юқори қисмида, яъни калласида бўлади деб ўйлаган, шу боис кесилган калла жон ва руҳ тимсоли саналган. Бошларнинг танасидан узилгач, ўлмаслиги ҳақидаги эртақларнинг тарихий асослари ана шу астраль қарашларга боғланади [8:136].

Исломда авлиёлар қульгини махсус тадқиқ этган этнограф олим В.Н.Басилов Ўрта Осиё халқлари фольклоридаги “қесикбош мотиви”нинг генетик илдизлари хусусида сўз юритар экан, бу мотивнинг мифологик асосларини ўлиб-қайта тирилувчи тангрилар ҳақидаги эътиқодий қарашларга боғлаб таҳлил қилган [9:145].

«Савдогарнинг етти ўғли» номли миф этиологик характерда бўлиб, унинг тугалланмасида учта самовий жисмнинг пайдо бўлиш сабаблари изоҳланган. Бу миф

сюжети Етти қароқчи, Зухра юлдузи ва Сомон йўли тўғрисидаги мифологик қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Қашқадарё воҳасидан ёзиб олинган мазкур астраль миф сюжети «Оқпомиқ» номли туркман халқ эртагига жуда ўхшаб кетади. Мазкур эртақда тасвирланган эпик воқеалар етти ака-ука билан уларнинг синглиси бошдан кечирган саргузаштлар асосига қурилган. «Оқпомиқ» эртагининг қисқача мазмуни қуйидагича:

«Бир одамнинг етти ўғли бўлган экан. Қасб-қори овчиликдан иборат бўлган ака-укалар синглиси йўқлигидан ўксиниб юришар экан. Бир куни уларнинг онаси қиз туғибди. Унга Оқпомиқ деб исм қўйибдилар. Қиз улғайиб, вояга етгач ака-укаларнинг уйига файз кирибди.

Оқпомиқнинг бир мушуги бор экан, топганини ўша мушук билан бўлишиб ер экан. Кунлардан бир куни ҳовли супураётган қиз бир дона майиз топиб олибди. Майизни иккига бўлиб, ярмини ўзи ебди, қолган ярмини мушугига бермоқчи бўлиб ҳарчанд чақирмасин, мушук келмабди. Кейин майизнинг қолган бўлагини ҳам қизнинг ўзи еб қўйибди. Бироздан сўнг мушук келиб қолибди ва топилган майиздан ўз улушини қолдирмаганига жадли чиқиб, аччиқланибди-да, ўчоқдаги оловни ўчириб қўйибди. Қиз бўлса оловнинг ўчиб қолганидан қаттиқ хафа бўлибди, чунки акалари келгунича овқат пишириб қўйиши керак эди-да!

У оловни қаердан топсам экан деб ўйлаб, ташқарига чиқса, узоқдан тутун кўринибди. Ўша жойга яқинроқ бориб қараса, у бир дев кампирнинг макони экан. Дев кампир олов бериш эвазига қизнинг қонини сўришга шартлашиб олибди. Шундай қилиб, у ҳар куни акалари йўқлигида қизнинг уйига келиб унинг қонини сўра бошлабди.

Синглисининг кундан-кунга ориқлаб бораётганини кўрган етти ака-ука бир куни пойлаб ўтириб, дев кампирнинг қилаётган ишидан воқиф бўлиб қолишибди. Улар дев кампирнинг етти ерига қилич солиб, бурдалаб ташлабдилар. Аммо унинг калласи: «Чўпдай кўпайиб келай!» деганича юмалаб-юмалаб кетибди. Оға-инилар каллани қувиб етолмабдилар. Дев кампирнинг калласи юмалаб бориб бир тоғнинг ковагига кириб кетибди. Бироздан сўнг ҳалиги ковақдан бир нечта девлар чиқиб, етти ака-укани ўлдириб, гўштларини еб, суяқларини қолдириб кетишибди. Оқпомиқ бир кийикнинг терисини ёпиниб ўтиргани учун девлар уни топишолмабди.

Акаларидан ажралиб қолган қиз бир қари кампирни учратиб қолибди. Кампир қизга раҳми келибди ва унга агар Оқ туянинг сутига акаларининг суяқлари устига сепса, улар тирилишини, аммо Оқ туя одамни ёмон кўришини, шунинг учун эҳтиёт бўлиш зарурлигини айтибди. Қиз кампирнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Оқ туянинг маконига бориб, унинг кўшаги-бўталогини ахтариб топибди. Бўталоқ одамни яхши кўрар экан, Оқпомиқ унга ўз дардини айтиб берибди. Шунда бўталоқ: «Майли, мен сенга ёрдам бераман. Фақат онам билмаса бўлгани», дебди. Оқ туя кўриниши биланок Оқпомиқ бўталоқнинг панасига яшириниб олибди. Туя келиши билан бўталоқ онасининг олдига югурибди. «Одам иси келаяпти!» дебди туя. Аммо бўталогининг қорни очикқанини кўриб, ийиб кетганидан уни эмиза бошлабди. Бўталоқ ҳам онасини эмиб, сутни Оқпомиқнинг қўлидаги идишга қуяверибди. Идиш тўлгач, бўталоқ ўтлагани кетгандай бўлиб, Оқпомиқни оти боғлаб қўйилган жойга олиб бориб қўйибди. Оқ туя ҳам улар билан изма-из келаятган экан, бирдан қизга қўзи тушиб, орқасидан қувлабди. Аммо Оқпомиқни тутта олмай, орқасига қайтиб келибди ва боласига қараб: «Тошга айланиб қол!» дебди. Бўталоқ ўша заҳоти тошга айланибди. Боласидан айрилган оқ туя эса бўзлай-бўзлай қўкка чиқиб кетибди. Унинг елинидан томган сут эса осмонда оппоқ из бўлиб сочилиб қолган эмиш. Бу Сомон йўли бўлиб, одамлар уни «Оқ моюнинг йўли», яъни «Оқ туянинг йўли» деб аташар экан.

Оқпомиқ бўлса акаларининг суякларини бир жойга тўплабди, аммо кенжа акасининг битта қовирғасини топполмабди. Суякларнинг устига сут сепган экан, акалари бир акса уриб тирилиб. ўринларидан турибдилар [10:17-25].

Етти ака-ука ва уларнинг синглиси саргузаштлари жуда жозибатор бадий лавҳаларда тасвирланган бу эртақда туркий халқларнинг Етаган юлдузлари ва Сомон йўли ҳақидаги қадимий астраль қарашлари ўз ифодасини топган. Эртақда космогоник мифнинг этиологик характердаги мотивларидан фақат биттаси – Сомон йўли (Оқ мойнинг йўли)нинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар акс этган, холос.

Астраль мотив асосига қурилган мазкур туркман халқ эртаги сюжетининг характерли деталларидан бири етти ака-уканинг сут воситасида тирилиши мотивидир. Бу мотивнинг илдизлари тириклик суви – оби ҳаёт тўғрисидаги қадимий тасаввурларга бориб тақалади. Ибтидоий одам сувнинг ҳаётбахш хусусиятга эгаллигига ишонгани боис оби ҳаёт чашмаси ҳақидаги мифларни яратган. Чуваш фольклори тадқиқотчиси А.К.Салминнинг аниқлашича, мифологияда сув билан бир қаторда жониворлар сути ҳам марҳумларга жон ато эта оладиган магик хусусиятга эга бўлган муқаддас нарса деб қаралган. Қадимги одам мурда устига муқаддас жониворларнинг сути сепилса, у ўша захотиёқ тирилади, деб ўйлаган [11:106].

Сув ва сутнинг ҳаётбахш этувчилик хусусиятига ишонишга асосланган мифологик тасаввурларнинг излари ёшларни бир ёш-табақа мансубиятидан бошқа гуруҳга ўтказиш удуми, яъни синов-инициация маросимларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, қадимги майя қабиласи қоҳинлари синовдан ўтаётган ўсмирларни рамзий ўлим ҳолатига солишган ва бироз фурсат ўтгач, уларни «қайта тирилтириш» амалларини бажиришган. Бунинг учун улар гул қўшиб афсун ўқилган сувни ўсмирнинг пешонаси, кўзлари ва юзига суртиб, уч марта «уйғон!» деб хитоб қилишган [12:246].

Сув (сут)нинг ҳаётбахшлик хусусиятига эгаллиги билан алоқадор мифик қарашлар, яъни марҳум танаси ёки унинг суяклари устига сепилган сув (сут)нинг магик таъсири натижасида ўлган одамга қайта жон кириши тўғрисидаги анимистик эътиқодлар «Оқпомиқ» эртагидаги етти оға-инининг тирилиши мотивининг тарихий-генетик асосини ташкил этади.

Ўзбек фольклорига қайд қилинган «Савдогарнинг етти ўғли» номли миф сюжети типологик жиҳатдан Етти қароқчи юлдузларининг пайдо бўлиши ҳақидаги мўғул мифига жуда яқин келади. Ўтган асрнинг охириларида ёзиб олинган бу мифда баён қилинишича, қадим замонларда Масанг деган баходир бўлган экан. Онаси сигир, отаси одамзот бўлганлиги учун Масанг ҳўкиз бошли бўлиб туғилган экан. Бир куни Масанг сафарга чиқибди. Юра-юра бирин-кетин учта одам билан учрашиб, дўстлашибди. Улар чўлда чайла қуриб, яшай бошлабдилар. Бир куни Масанг ялмоғиз кампирни ўлдирди. Ялмоғиз бир ўрадан чиқиб келган экан. Масанг белига арқон боғлаб, ўша ўранинг ичига тушибди, аммо дўстлари хоинлик қилиб, уни тортиб олабдилар. Масанг дарахтга тирмашиб, ер юзига чиқиб олибди. Узоқ машаққатлардан сўнг осмон руҳлари билан жанг қилаётган бир қора махлукка дуч келибди. Масанг уни ҳам ўлдирди. Шу пайт Масанг ер юзига чиқариб юборган аёл унинг бошига темир таёқни ташлаб юборди. Масангнинг танаси етти бўлакка бўлиниб кетди. Осмон ҳокони уни Етти қароқчи юлдузларига айлантириб, кўкка ўрнатиб қўйди [13:26].

Бу миф Етаган юлдузларининг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимги туркий асотирилларнинг сюжетида қачонлардир мавжуд бўлган ғоят муҳим бир бадий детални саклаб қолган. У ҳам бўлса мифик қахрамон Масангнинг ер юзидаги биринчи одам сифатида талқин қилинишидир. Зеро, Масанг ҳўкиз бошли афсонавий одам сифатида тасвирланиши ҳам унинг ер юзида яра-

тилган илк одам эканлигидан далолат беради. «Авесто»да ёзилишича, Ахурамазда томонидан яратилган биринчи одам Гавомард ярми одам, ярми бука кўринишига эга бўлган [14].

Мамлакатимиз ҳудудидан топилган археологик материалларда бука бошли, одам сийратли мифологик персонаж тасвири акс эттирилганлиги ҳам қайд қилинган. Хусусан, Хоразм вилоятининг Шовот тумани ҳудудидан милoddан бурунги V-VIII асрларга оид қалъа харобалари текширилганда боши соқолсиз одам қалласини эслатувчи бука ҳайкаллари топилган эди [15:455]. Халқимизнинг илк одам – Гавомард тўғрисидаги мифологик тушунчалари асрлар давомида турли семантик ўзгаришларга учраган. Шу боис, қадимги санъат ва архитектура обидаларида у гоҳ ҳўкиз бошли одам, гоҳида эса қалласи одамга ўхшаш бука тарзида тасвирланган. Масанг ва Гавомард образлари ўзининг мифологик асосларига кўра Шарқ халқларининг илк одам ҳақидаги антропогоник қарашлари маҳсулидир.

Мўғул фольклорига астраль миф талқини, Масанг ўлганидан кейин унинг вужуди етти қисмга бўлиниб, юлдузларга айланган. Бу космогоник мотив ҳам ер юзидаги илк одамнинг тана аъзоларидан оламдаги моддий борлиқнинг вужудга келиши ҳақидаги мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирган сюжет элементи ҳисобланади. Хусусан, қадимги Хитой мифологиясида ер юзида пайдо бўлган биринчи одам – Паньгунинг ўлиmidан кейин унинг вужуди парчаланиб кетиб, нафаси – шамол ва булутларга, товуши – момақалдирикка, чап кўзи – қуёшга, ўнг кўзи – ойга, суяклари ва оёқлари эса дунёнинг тўрт томони ҳамда беш буюк тоққа айланганлиги айтилади. Паньгунинг қонидан дарёлар, томирлари ва пайларидан заминдаги йўллар, сочларидан юлдузлар, тишларидан олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар, эрлик уруғидан маржон, илигидан дур, терларидан ёмғир ва шабнам пайдо бўлибди. Унинг танасида ўрмалаб юрган ҳашаротлар шамол таъсирида одамларга айланган эмиш [16:326].

Қадимги аждодларимиз ер юзида пайдо бўлган биринчи одам ўлгач, унинг танаси турли хил нарсаларга айланган деб ўйлаганлар. Масангнинг еттига бўлинган танаси юлдузга айланиши мотивининг тарихий асослари ҳам ана шу тасаввурларга боғланади. Қашқадарёдан ёзиб олинган астраль мифда савдогарнинг етти ўғли билан қизи ўлганидан кейин юлдузга айланиши баён қилиниши бевосита Масанг ҳақидаги қадимги мўғул самовий асотири сюжети билан генетик муштаракликка эга. Ислom космогоник мифологияси таъсирида қадимги туркий мифнинг мотивлар таркибида муайян ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, ўлган етти ака-ука руҳи кўкка чиқиб, юлдузга айланиши мотиви унутилган ҳамда унинг ўрнига савдогарнинг ўз болаларига жон ато этишни сўраб, худога илтижо қилиши лавҳаси қиритилган.

Фикримизча, Етаган юлдузларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги қадимги туркий астраль мифнинг бош сюжетида мавжуд бўлиб, кейинчалик унутилган сюжет узвларидан яна бири ёвуз қучларнинг юқори олам – Кўкда яшовчи тангрилар билан кураши ҳамда мифологик қахрамон – димиургнинг ана шу курашда эзгулик қучларига қўмаклашуви мотивидир. Қашқадарё воқисасидан ёзиб олинган мифда боши танасидан жудо этилганда қалласи ўлмай қолган (яъни юмалаб бориб ғорга кириб кетган) ялмоғиз ҳамда ғордан чиқиб келган девлар ёвузлик олами - Ер ости дунёси, зулмат вақилларининг тимсоли. Мўғул асотирининг қахрамони Масанг билан олишган «қора махлук», ўзбек фольклорига «ялмоғиз» ҳамда туркман халқ эртагидаги «дев кампир» образлари ўзининг тарихий-генетик асосларига кўра муштарак негизга эга бўлган мифологик персонаждир. Чунки «қора махлук» осмон руҳлари билан олишган бўлса, ялмоғиз образининг тарихий-функционал типларидан бири ҳисобланган Раху Қуёш билан Ойни таъқиб қилиб юради [17]. «Савдогар ва

унинг етти ўғли» номли мифда эса ялмоғиз қизнинг қонини сўриш билан етти ака-укага душманлигини намойиш этади. Мўғул ва ўзбек фольклоридаги сюжетларнинг ҳар иккаласида ҳам қахрамон юқори олам вакиллари ҳимоя қилганлиги, уларнинг душманларини ўлдирганлиги учун юлдузга айланишади. Масанг ва етти ака-уканинг ўлимига сабабчи бўлган мифологик рақиб образи талқинида ҳам муштараклик мавжуд. Масангни ўра ичидаги аёл темир таёқ билан уриб ўлдирган бўлса, етти оға-ини ҳаётига ялмоғиз кампирнинг қалласи думалаб кириб кетган гордан чиққан девлар зомин бўлади.

Марказий Осиё халқларининг Етаган юлдузларини эзгу кучлар тимсоли деб тасаввур қилишга асосланган астраль қарашлари туркий халқлар оғзаки ижодиётида турли хил космогоник миф ва самовий афсоналарнинг юзага келишига замин бўлган. Биз юқорида кўриб ўтганимиз Бухоро вилоятидан ёзиб олинган астраль мифда синглизига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли етти ака-

уканинг юлдузга айланиши баён қилинган бўлса, Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларида қайд қилинган космогоник асотирларда етти оға-ини ёвузлик кучларининг хуружи туфайли ҳалок бўлишса-да, синглизининг жасорати натижасида қайта тирилишлари тасвирланган. Осмон ёриткичларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги астраль мифларнинг архаик намуналарида етти ака-уканинг юлдузга айланиши эвришиш мотиви асосида изоҳланган. Космогоник мифларнинг тараккиёти натижасида илк мифларнинг просюжети ўзининг асл ҳолатини сақлаб қолмаган бўлса-да, юқорида таҳлил қилинган матнларнинг барчасида етти ака-ука саргузаштларининг тасвирланиши сюжет ўзагини ташкил этади. Архаик мифнинг асосий моҳияти – самовий жисмларнинг вужудга келиши, муайян ҳолати ва ҳаракатини изоҳлаш, яъни Етаган юлдузларининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтириш функциясини ўзида мужассамлаштирган космогоник қарашлар афсона жанрига хос эпик баён усулида ифодаланган.

Адабиётлар

1. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: «Фан», 1981. 70-71-б; Ўша муаллиф. Афсона // Ўзбек фольклори очерклари. 2-жилд. – Тошкент: 1989. 6-б.
2. Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. 30-47-б.
3. Жўраев М. Юлдуз учини билан боғлиқ мифологик қарашлар. // УТА. – Тошкент: 1996. №2. 39-43-б; Шу муаллиф. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996; Шу муаллиф. Астромифологические представления народов Центральной Азии и генезис праздника Навруз. // Навруз – праздник мира и добра (Материалы международной научной конференции. 21 марта, 2013 года). – Ашгабад: 2013; Шу муаллиф. Ипак йўли халқлари астромифологияси. – Тошкент: 2018.
4. Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. – СПб., 1899. – С.128.
5. Хангалов М.Н. Додрун убгэд. // В кн.: Хангалов М.Н. Собрание сочинения. Т.3. – Улан-Удэ, 1960. – С.16.
6. Чалпак ёққан кун. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: «Чўлпон», 1987. 102-103-б.
7. Салимов С. Эй, минора, саломатмисан!? – Тошкент: «Халқ сўзи», 1991. 7 июль.
8. Пропф В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – С.136.
9. Басилов В.Н. Следы культа умирающего и воскресающего божества в христианской и мусульманской агнологии // Фольклор и историческая этнография. -М.: 1983. -С.145.
10. Туркмен халқ эртекилери. 2-том. – Ашхабад: 1979. 17-25-б.
11. Салмин А.К. Сказка, обряд, действительность. – Чебоксары: 1989. – С.106.
12. Кнозоров Б. Иероглифические рукописи майя. – Л.: «Наука», 1975. – С.246.
13. Этнографический сборник. Т. VI. -М.: Издания Русского географического общества, 1864. - С.26.
14. Тревер К.В. Гопатшах-пастух-царь. //Труды отдела Востока государственного эрмитажа. Т.2. – М.: 1940. - С.81; Андрианов Б.В. Земледелие наших предков. – М.: «Наука», 1978. – С.61-63; Богомолов Г.Л. Канкинский печат с изображением Гопатшаха // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. – Ташкент: 1985. – С.28; Ртвеладзе Э.В. Бактрийский Гопатшах (нефритовая пластинка с изображением бактрийского правителя и человека-быка) // Вестник древней истории, 1995. – №1. – С.67-74; Жўраев М. Гавомард образининг ўзбек фольклоридаги талқинлари // УТА. –Тошкент: 2001. №5. 48-55-б.
15. Мамбетуллаев М. Работы Шаватского отряда. // Археологические открытия. 1980. -М.: «Наука», 1981. – С.455.
16. Юань Кэ. Мифы древнего Китая. – М.: «Наука», 1965. – С.326.
17. Евсюков В.В. Древнеиндийский миф о затмениях и его типологические соответствия в фольклоре тюрко-монгольских народов. // Традиционные верования и быт народов Сибири. – Новосибирск: «Наука», 1978. – С.27; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: «Фан», 1995; Ўша муаллиф. Ой ва куёш тутилиши билан боғлиқ мифологик тасаввурлар // Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. 19-23-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Етаган юлдузларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги космогоник миф сюжетининг ўзбек, туркман, мўғул-бурят халқлари фольклоридаги ўзига хос мифопоэтик талқинлари қиссий таҳлил қилинган. Марказий Осиё халқларининг Етаган юлдузларини эзгу кучлар тимсоли, деб тасаввур қилишга асосланган астраль қарашлари туркий халқлар оғзаки ижодиётида турли хил космогоник миф ва самовий афсоналарининг юзага келишига замин бўлганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даётся сравнительный анализ своеобразных мифопоэтических интерпретаций сюжета космогонического мифа о появлении звезды Етаган (Большая медведица) в фольклоре узбекских, туркменских, монголо-бурятских народов. Научно обосновано, что древние астральные воззрения народов Центральной Азии, основанные на представлении о звездах Етагана как символе благородных сил, породили в устном народном творчестве тюркских народов различные космогонические мифы и легенды.

SUMMARY

The article provides a comparative analysis of the peculiar mythopoetic interpretations of the plot of the cosmogonic myth about the appearance of the star Etagan (Big Dipper) in the folklore of the Uzbek, Turkmen, Mongol-Buryat peoples. It is scientifically substantiated that the ancient astral views of the peoples of Central Asia, based on the concept of the Etagan stars as a symbol of noble forces, gave rise to various cosmogonic myths and legends in the oral folk art of the Turkic peoples.

ҚАРАҚАЛПАҚ БАЛАЛАР ӘДЕБИЯТЫНЫҢ РАҰАЖЛАНЫҰЫНА ДҮНЬЯ БАЛАЛАР ӘДЕБИЯТЫНЫҢ ТӘСИРИ

С.Қазақбаев - филология ылымлериниң докторы (DcS)

Қ.Бийсенбаев - магистрант

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: балалар адабияты, балалар шеърляти, таъсир, лирика, эпос, драма, роман, очерк, проза, памфлет, қўшиқ, жанр, театр.

Ключевые слова: детская литература, детская поэзия, влияние, лирика, эпос, драма, роман, эссе, проза, памфлет, песня, жанр, театр.

Key words: children's literature, children's poetry, influence, lyrics, epic, drama, novel, essay, prose, pamphlet, song, genre, theater.

Дүнья балалар әдебиятында лирикалық, эпикалық, драмалық жанрлардың пайда болыуы, қәлиплесийи хәм раўажланыуы мәселеси көп ғана илимпазлардың изертлеулеринде өз көринисин тапқан. Мәселен, қарақалпақ балалар әдебиятының қәлиплесийине көбирек тәсир еткен рус әдебияты бойынша «жазба әдебиятта ең биринши рет балалар поэзиясы бойынша рус әдебиятында XVII әсирдің 30-40-жыллары Савватий тәрәпинен жигирмадан аслам қосық жазылып, соның он бир қосығы балаларға арналған» [1:304]. Проза жанры бойынша туңғыш мәрте «Пейлинен тапқан бала хәм ана» [1:73] гүрриңи тийкар бола алады.

Ал, балаларға арналған драма жанры XVIII әсирдің басында рус жазыушысы И.А.Крылов тәрәпинен 1707-жылы «Қызыма сабақ» [1:62] драмасы менен басланады. Улыўма, жазба балалар әдебияты Европа еллеринде XVII әсирде жасаған француз жазыушысы Жонатан Свифттың (1667-1745) бир қанша очерк, памфлет, романлар, ертеклеринен басланады. Ол «Гулливвердин саяхатлары», «Китаплар урысы» романлары менен балалар әдебиятында даңқ таратқан болса, Шарл Перро (1628-1703) «Етик кийген пышық», «Қызыл қалпақша», «Золушка» ертектери, Англия жазыушысы Даниел Дефонның (1660-1731) «Робинзон Крузо», «Капитан Синглтон» романлары, ағалы-инили Гриммлердин: Якоб (1785-1863), Вилгельм (1786-1859) «Алтын ғаз», «Қар қыз», «Батыр тигийуши» ертектери, XIX әсирдеги Дания жазыушысы Ханс Кристиан Андерсонның (1805-1875) «Қар маликасы», «Сақшы», «Дүнья мениң Уатаным» қосықлары, «Импровизатор» романлары, «Жаңа ертектер хәм тарийх», «Бақа» ертектери, XIX әсирде жасаған рус жазыушысы А.С.Пушкинның (1799-1837) «Балықшы хәм балық хаккында», «Алтын қораз хаккында» ертектери, Н.А.Некрасовтың «Мазай ата хәм қоянлар» ертеги, XIX әсирдің ақыры XX әсирдің басындағы Л.Н.Толстойдың «Үш айыу» ертеги, К.И.Чуковскийдің «Крокодил», С.Я.Маршактың «Он еки ай» қосықлары, В.В.Маяковскийдің «Семиз бала Петя менен киши бала Сима хаккында» ертектери [2:52] менен балалар жазба әдебиятының пайда болыуына «балалар әдебияты» деген термин-атаманың, жанрдың қәлиплесийине тийкар салды.

Мине, бул шығармалар дүнья балалар әдебиятының дүрданалары деп есаплайтуғын болсақ, олар басқа халықлар сыяқлы қарақалпақ балалар әдебиятының қәлиплесийине де өз тәсирин тийгизбей қалмады. Бул тәсир, биринши гезекте, сол шығармаларды қарақалпақ тилине аударыу арқалы жүзеге келди. Себеби, аударма арқалы басқа оқыушылар сыяқлы балалар жазыушылары да тәсирленеди, оларда жаңа идеялар пайда болады. Дүнья жүзлик әдебияттағы балаларға арналған шығармаларды қарақалпақ тилине аударыу XX әсирдің басында басланды. Биз оны үш басқышқа бөлип қарағанымыз мақсетке муўапық деп есаплаймыз.

Биринши басқыш: XX әсирдің 30-40 жылларын өз ишине алады. Бул дәуірде тек балалар әдебияты емес, улыўма дүнья әдебияты менен қарақалпақ оқыушылары жеткиликсиз дәрежеде таныс еди. Дәслепки аудармашылар сыпатында С.Мажитов, Ә.Шамуратов, А.Бегимовларды атап өтиўге болады. С.Мажитов,

Л.Толстойдың «Еки дос», «Еки саўдегер», «Бөри менен тырна», «Алданған бөри», «Арыслан бөри хәм түлки», ертек хәм гүрриңлерин, Ә.Шамуратов А.С.Пушкинның «Өлген хан қызы менен жети батыр хаккында ертек», «Алтын қораз» И.А.Крыловтың «Пил хакимлик сүрмекте», «Саўдегер менен етикши» тымсалларын, А.Бегимов Пушкинның «Поп хәм оның хызметкери бала хаккында ертек», «Қарындасы менен ағалары» М.Зәрекеев, М.Қәлменов, С.Хамидуллина, И.С.Майоров, К.Ирмановлар М.Горькийдің «Челкаш», В.Маяковскийдің «Ким болсам екен», «Жаксы деген не? Жаман деген не?» С.Михалковтың «Форма», А.Бортоның «Санағыш», «Жылауық қыз», «Патас қыз» ағайынли Гриммлердің «Батыр тигийуши», «Алтын ғаз» [3:50-56] басқа да бир қанша шет ел хәм рус балалар әдебиятының балаларға арналған шығармаларын қарақалпақ тилине аударды. Олар баспасөзде жәрияланды хәм орта билим берий мектептериниң қарақалпақ әдебияты сабақлығына киритилди. Бул аудармалар базы бир кемшиликлерине қарамастан балалар ушын да, дәретиушилер ушын да үлкен саўға болды.

Бул басқышта көркем аудармаға қол урған жоқарыда атап өткен талант ийелери өз дәуири ушын қахарманлық иследи. Ол ўақытта көркем аударма бойынша тәжирийбе жоқ. Бул шығармалардың дерлик барлығы да орыс тилинен аударылды. Аудармашылардың орыс тилин билиу дәрежеси де жоқары емес. Усы жағдайларға қарамастан биз жоқарыда атап өткен шығармалар балалар әдебияты бойынша дүнья әдебиятынан аударма исленген тийкаргы шығармалар болып қалды.

Екинши басқыш: XX әсирдің 50-70 жылларын өз ишине алады. Онда Н.А.Некрасовтың, Л.Толстойдың, К.Ушинскийдің, А.С.Пушкинның М.Горькийдің, Марк Твеннің, Кричан Чандраның, В.В.Маяковскийдің, К.Чуковскийдің, А.Бартоның, А.Гайдардың, А.Фадеевтың, С.Михалковтың, С.Маршактың басқа да жазыушылардың шығармалары қарақалпақ тилине аударыу даўам етти. Олардан «Балалық», «Том Сайердин басынан кеширгенлері», «Полк улы», «Дала қуяшы», «Витя Малеев үйде хәм мектепте», «Мойдодор», «Доктор Айболит» ұксаған шығармаларды қарақалпақ оқыушылары өз ана тилинде оқыу мүмкиншилигине ийе болды. Олар мектеп бағдарламасына киргизилип оқытылды. Бул аудармалардың сапасы әдеуір жоқары болды. Себеби, аудармашылық пенен саўатлы, қәнигелескен жазыушы-шайырлар шұғыллана баслады. Соның менен бирге әйне, усы дәуір балалар әдебиятының қарақалпақ тилине ең көп аударылған дәуири болды.

Үшинши басқыш: XX әсирдің 90-жылларына шекемги, яғный ғәрезсизликке шекемги аралықты өз ишине алып, онда Т.Қабулов С.Михалковтың «Степа ағай», С.Маршактың «Бизин хәулинин балалары», А.Әбдиев Эдгор Поньинның «Алтын қоңыз», Ж.Сименонның «Мегра хәм бала», Ж.Өтенизов К.Д.Ушинскийдің «Қоянның шағымы» гүрриң хәм қосықларын, К.Чуковскийдің ертектерин, С.Маршактың [3:50-56] қосықларын қарақалпақ тилине аударды. Бирақ, соны да атап өтиў керек, бул дәуірдеги аудармалар сапасы бойынша да, саны бойынша да

өзинен алдыңғы дәуір менен салыстырғанда жоқары болмады. Тек санаулы авторлар ғана аудармашылық пенен шұғылланды.

Ал, ХХІ әсирдің басына келип, дүнья әдебиятының балаларға арналған шығармаларын аударыу тоқтап қалды. Бұған бир қанша объектив хәм субъектив себеплер тийкар болды. Бириншиден, ғәрезизликтің дәслепки жылларында жәмийетлик қатнастың, сананың өзгериуі менен әдебиятқа да көзқарас өзгерди. Енди әдебиятта нени жырлау керек ямаса әдебияттың қахарманы ким болыу керек деген сорауға да көпшилик дөретіушилик ийелеринде жууапплар жоқ еди. Соның ушын да дүнья әдебиятындағы балаларға арналған шығармалардың қайсысын аударыу керек деген сорау көлденең турды. Екиншиден, белгили уақытқа шекем дүнья әдебияты менен байланыс үзілип қалды. Бундай әдебий шығармалардың бизге келип жетіуінде проблемалар болды. Орыс хәм дүнья әдебиятының дүрданалары басылып шығатуғын басылымлар бизге шекем келип жетпей қалды. Усыған байланыслы дүнья әдебиятындағы пайда болған балалар әдебиятына тийисли шығармаларды таңлап алыу мүмкиншилиги, дерлик болмады. Үшиншиден, кітап-сауда мәселеси дурыс жолға қойылмағандығы, аударма қылынған шығармаларды басып шығарыу мәселесинде қыйыншылықтардың болғандығы. Төртиншиден, бизиң балалар жазыушы, шайыр, драматурглеримиз аударма менен шұғылланыуға жетерли дәрежеде кеуил бөлмегенлиги. Хәзирги уақытта тек ғана өткен әсирдеги аудармалар қайтадан баспадан басылып шықпақта.

Әлбетте, айырым әдебий жанрлардың рауажланыуы ушын объектив хәм субъектив себеплер де жүзеге келиуі тийис. Мәселен, көркем шығарма ушын жәмийетлик талап болмаса ол рауажланбайды. Усындай талаптардың бири ХХ әсирдің 90-жылларында Қарақалпақстан Республикасы Нөкис

қаласында жас өспиримлер ушын «Қуыршақ» театрының ашылуы болды. Әлбетте, театр болғаннан кейин оған қойылатуғын драмалық шығармалар зәрурлиги тууылады. Театрға усындай зәрурлик тууылғанлықтан қарақалпақ әдебиятында бундай шығармалардың болмауы себепли ең дәслепки спектакльер С.Михалковтың «Үш торай», Е.Спиранскийдің «Таң қаларлық жарыс», Б.Орловтың «Алтын шөже» спектакльери сахнаға қойылды. Себеби, театрдың ашылуында бизиң миллий балалар драматурглериниң шығармалары таяр болмағандықтан, рус драматурглериниң спектакльерин қойыуға мәжбүр болды.

Сонлықтан да, И.Қурбанбаев: «Хәзирги балалар әдебиятының буннан былай да қәлиплесіу хәм рауажланыуына рус хәм тууысқан халықлардың балалар әдебиятындағы жақсы шығармалардың да қарақалпақ тилине аударылуы биринши жағынан балалар әдебияты ғәзийнесин байытса, екинши жағынан жазыушыларымыздың ондағы дәстүр хәм шеберликлерин өзлестіриуден, олардан ибрат алыуына тәсир етти» [3:130], деп атап өткен еди.

Демек, биз жоқарыда атап өткен жағдайлар қарақалпақ балалар әдебиятының рауажланыуында дүнья әдебиятының тәсири бар екенлигин көрсетеди. Демек, жазба әдебиятта қарақалпақ балалар әдебияты ХХ әсирде жүзеге келди хәм рауажланды. Бунда биринши гезекте биз жоқарыда атап өткен дүнья классикалық балалар әдебиятынан аудармалардың тәсири күшли болды. Нәтийеде, қарақалпақ балалар әдебиятында уақыялар көп бағдарда рауажланатуғын романлар, фантастикалық шығармалар, қосық пенен жазылған повестьлер хәм басқа да жанрлық жақтан рәң-бәрең шығармалар жүзеге келди хәм әдебияттың бул түрин рауажландырды.

Әдебиятлар

1. Сетин Ф.И. История русской детской литературы. –Москва: «Просвещение», 1990.
2. Жахонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори: -Тошкент: «Ўқитувчи», 1975.
3. Курбанбаев И. Қарақалпақ балалар әдебияты. -Нөкис: «Билим», 1992.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ХХ аср охири қарақалпақ балалар адабиетининг ривожланишига дунё адабиетининг таъсири. Лирик, эпик, драматик жанрларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется влияние мировой литературы на развитие каракалпакской детской литературы в конце XX века. Изучаются этапы возникновения, становления и развития лирических, эпических, драматических жанров.

SUMMARY

The article examines the influence of world literature on the development of Karakalpak children's literature in the late XX th century. The stages of emergence, formation and development of lyrical, epic, dramatic genres are studied.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги ТУРКМАН ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА НАВОЙИ АНЪАНАЛАРИ

К.Қурамбоев - филология фанлари доктори, профессор

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ижод, анъана, жанр, дoston, ғазал, мухаммас, поэтика, образ, радиф, лирик қахрамон, таъсир, адабий алоқа.

Ключевые слова: творчество, традиция, жанр, поэма, газели, пятистишие, поэтика, образ, реди́ф, лирический герой, влияние, литературная связь.

Key words: work, tradition, genre, poem, gazelles, five verses, poetics, image, redif, lyric hero, impact, literary connection

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг номи ва асарларининг шухрати унинг хаётлик чоғларидаёқ туркий халқлар орасида маълум ва машхур эди. Бундан шоирнинг ўзи хәм хабардор бўлган. Ва “Хитодиз то Хуросонгача” ораликдаги турк улусини, хатто Шероз-у Табризни хәм кўшин тортмай, қалами кучи билан эғаллаганини, бу ўлкаларда хәм асарлари ўқиладганини қониқиш билан ёзган эди. Навоийнинг нафакат туркийлар, балки туркий бўлмаған халқлар хәм шоирнинг ижод хазинасидан бахраманд бўлгани хақидаги фикри ғоят ахамиятли фактдир. Шоирнинг :

*Кўнгил бермиш сўзимға турк жон хам,
На ёлғиз турк, балким туркмон хам...*

деб ёзгани ушбу хақиқатнинг бадий тасдиғидир. Жумладан, туркман халқи ва ижодкорлари Алишер Навоийни жуда қадрлайди. Ижод дурдоналари асрлардан

асрларға ўтиб қалбаларға синғиб кетган. Туркман бахшилари, созандаю хонандалари репертуарида, шоир хақида тўқилган ривоятларда Навоий номи улуғланаётгани туркман халқининг ўзбек адабиетига, унинг буюк сиймоларидан бири Алишер Навоийға хурматнинг белгисидир. XVІІІ–XІХ асрларда яшаб ижод этган Озодий ва Махтумқули, Андалиб ва Камина, Муллаунафас ва Сейдий, Зелилий ва Зинхорий Шохбанди ва Қотиби ва яна ўнлаб туркман мумтоз шоирлари Навоийни ўзларига устоз санаган, анъаналарини ўз даври ижтимоий-тарихий шароити рухида давом эттирганлар. Давлатмаммад Озодий шундай атоқли шоирлардан бири. XVІІІ асрда яшаб ижод этган шоир ўз даврининг илғор маърифатпарварларидан эди. У туркман адабиети тарихини фалсафий дидактик дostonлари билан бойитган қалам сохиби, Махтумқулининг отаси хамдир. Ўғлининг

етук шоир бўлиб шаклланишида Озодийнинг мураббийлик роли ғоят катта. Озодий туркман адабиётида “Ваъзи Озодий”, (“Озодий насихатлари”) ва “Беҳишнома”дек фалсафий-таълимий дostonлар муаллифи сифатида танилган. Айниқса, “Ваъзи Озодий” Шарқ адабиётида ҳам тилига олинадиган дostonлардан бири. Асарнинг филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим томонидан ўзбек тилига ўгирилгани (2018) китобхонларнинг шоир ижоди билан яқиндан танишишига имкон яратди. Дoston Шарқ адабиёти анъаналари руҳида ёзилган. Шоир Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Махзан ул-асрор”, Саъдийнинг “Бўстон” ва “Тулистон” ва айниқса, Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” дostonи тажрибалидан фойдалангани, анъаналарини ўз ижодий тамойиллари негизда давом эттиргани ва ўзига хос қалам тебратгани ижодий сабоқ самарасидир. Масалан, “Хайрат ул-аброр” дostonидаги етакчи мавзулар саналмиш: адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, илм ва илм аҳли, меҳнатни улуғлаш, сахийлик, чорвачилик ва деҳқончиликнинг фойдаси, зулм ва зolimликнинг зарари каби маънавий-ахлоқий масалалар Озодий дostonида ҳам бор.

Навоий ва Озодий дostonларида яна бир ўхшашлик бор. Бу тарихий ва афсонавий қахрамонлар билан боғлиқ ривоят ва ҳикоятлар асосида сюжет яратиш ва шу орқали муҳим ахлоқий-таълимий ғояларни илгари суришдан иборат. Ҳотам Той, Шоҳ Ғозий, Шоҳ Баҳром, Кубод шоҳ тўғрисидаги ривоятлар дoston сюжетига киритилгани ва бу шаклдан Озодийнинг маҳорат билан фойдалангани “Хайрат ул-аброр” дostonини эслатади. Бу эса туркман шоири Навоий дostonининг ифода шаклига мурожаат этган деб хулоса чиқаришга, менимча, асос беради.

Махтумқули Фироғий ижоди туркман адабиёти тарихида алоҳида босқинчи ташкил этади. У бекиёс истеъдодга эга сўз санъаткори. Шоир ижоди жаҳон адабиётида ҳам эъзоз ва эътирофга муносиб, асарлари дунё адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган бетакорор сўз заргаридир. Махтумқулининг ижод ботида буюк мартабага етишида жаҳон, айниқса, Шарқ адабиётининг роли алоҳида. Фирдавсий, Низомий, Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Насимий, Фузулий, Бобур ва хусусан, Алишер Навоийдек даҳо шоирларнинг ижод хазинаси Махтумқули учун мактаб бўлгани ҳақиқат. Махтумқули ўз асарларида бу улў шоирларнинг номларини устоз сифатида тилга олиши тасодиф эмас. Шоирнинг “Бўлсам” радифли шеърида шундай бир банд бор:

*Ҳақ йўлида юрган устод Навоий,
“Чор девон”и, “Фарҳод Ширин” зебои,
Заҳириддин Бобур, “Мезон ул-авзон”и
Қошларига бориб мен Мажнун бўлсам!...*

Маълумки, Махтумқули Хивадаги “Шерғози” мадрасасида таҳсил олган. Мадрасадаги уч йиллик таълим бўлажак шоир ҳаётида унутилмас таассурот қолдиради. Шарқ мумтоз адабиёти, айнан, Навоий мероси билан ҳам мазкур мадрасада танишган. Чунки, Шарқ адабиёти намояндalари, хусусан, Навоий асарлари мадрасада дарслик-қўлланма ўрнида фойдаланилган. Шоирнинг кейинчалик аруз вазида, мумтоз лириканинг бошқа жанрларида ижод қилишида мадраса таълими қўл келгани аниқ. Натижада, шоир ғазал, мухаммас, назира каби жанрларнинг гўзал намуналарини яратди. Ва бу жараёнда Навоийнинг шоирлик маҳорати, Махтумқули учун таянч бўлган деб ҳисоблайман. Шоирнинг “Қоши ёй”, “Қайда-сен”, “Эй, дўст”, “Тўғриси”, “Бор менинг”, “Келдим”, “Туркман биноси”, “Билмасминдин”, “Қўрмишам”, “Керакмас”, “Айлади” ва яна ўнлаб ғазаллари ва мухаммаслари борки, ҳар бирида Навоийга хос бадий талқиннинг ўзига хос ифодасини кўрамиз. Навоий меросида “Айт” радифли бир неча ғазал бор. Ғазални шоир шеъриятининг кўркам чўққиларидан бири деб биламан. Ғазалга ҳавасманд бўлмаган, унга мухаммас боғлашни ёки назира ёзишни орзу қилмаган шоир кам топилса керак. Ғазал Махтумқулига ҳам илҳом берган ва ғазалга мухаммас боғлайди. Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонида тўққиз байтлик бир ғазал бор. Мана, унинг матлаъси:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,
Илгаримнинг шиддатин гўлбарги хандонимга айт...*

Шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги етти байтлик “Айт” радифли ғазал ҳам куйидаги мисралар билан

бошланади:

*Эй, насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт...*

Энди Махтумқулининг “Айт” радифли мухаммасининг бир банди билан танишинг:

*Эй сабо, арзимни қаҳри қаттиқ ул туққонга айт,
Бир умр зор айлаган ул кўзи тўла қонга айт,
Шум фалакнинг дастидан тарк айлаган жононга айт,
Айрилиб ғам чеккан ул бахти қаро жонга айт,
Бу жаҳонда топгани дард ошиғи хайронга айт...*

Мухаммас Навоий ғазали таъсирида ёзилгани шубҳа уйғотмаса керак. Бирок лирик қахрамонларнинг қалб зиддияти икки шоирда икки хил. Ғазалда ҳам, мухаммасда ҳам “сабо” образи бор. Лирик қахрамонлар “сабо”га мурожаат этади. Лекин мурожаатлар мазмун-моҳиятига кўра ҳам ҳар хил. Агар Навоийнинг лирик қахрамони дарду хасратини “Жону жаҳондин ҳам яхши кўрадиган жонони”га етказишни сабадан сўраса, Махтумқулининг лирик қахрамонини ҳаётдаги ижтимоий муаммолар қийнайди. Дунёнинг беҳисоб зарбаларидан, адолатсиз турмуш шароитидан безор бўлган, “зулм исканжасида қанотлари қирқилган”, “кўз ёшлари дард бўлиб оққан”, “дунёдан армонли бўлган” инсон (лирик қахрамон) арзи ҳолини айтиб “сабо”га ёлборади, мадад сўрайди.

Алишер Навоий инсонни кадрлаган, улуғлаган буюк шахс. Ўзгалар дардига ҳамдард бўлиш, қўлдан келса ғамхўрлик кўрсатиб, ёрдам бериш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги ҳақида шоир ёзган эди:

*Одами эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.*

Поэтик кашфиёт даражасида айтилган бу фикр халқимиз орасида ҳикматларга айланиб, ёд бўлиб кетганини биламиз. Махтумқули мероси билан танишиш жараёнида худди шундай мотивдаги афоризмларга дуч келдим ва бирданига Навоийнинг юқоридаги ҳикматли сўзини эсладим. Мавзу талқинида ҳам Навоий байтининг ифода шакли туркман шоири учун “бадий қолип” вазифасини ўтамадимикин? деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Махтумқулидан мисоллар келтираман:

*Одам борки, шоҳлар этади даъват,
Одам бор, мазлумни қақшатиш одат,
Одам бор, қилмас нар тўшаққа тоқат,
Одам бор пок қизнинг тизига етмас.*

Ёки:

*Одам бор- ҳар қанча едирсанг ҳам оздир,
Одам борки – еган нониға етмас.*

Яна бир байт:

*Одам бордир одамларни бездирган,
Шайтон бўлиб, тўғри йўлдан оздирган.*

Навоий байтидаги “одам” билан Махтумқули шеъридаги “одам” моҳиятан фарқ қилади. Бирида насихат, иккинчисида танқидий рух устивор. Муҳими, бу эмас. Муҳими, Махтумқули ушбу мисраларни бевосита навоийёна шаклда ўз таланти йўналишига мувофиқ ижод этганида.

XIX аср туркман адабиётини Мулланафас ижодисиз тасаввур қилиш қийин. “Ишқ мулкининг султони” деб эътироф этилган бу шоир лирик шеърлари, “Зухра ва Тохир”дек гўзал ишқий-романтик дostonи билан бутун Шарқ оламида танилган сўз заргарларидан. Бошқа туркман мумтоз шоирлари сингари Мулланафас ҳам Шарқнинг даҳо ижодкорлари меросини ўрганди, ижод сирларидан фойдаланиб, лириканинг бир неча жанрларида бадий-эстетик пухта асарлар ёзишга эришди. Шоир кейинчалик бу жараёнда устозларнинг роли муҳим бўлганлигини мамнуният билан ёзди.

*Румнинг гулианию ҳам ҳинд товуси,
Ёлгончи дунёдан ўтарман осий.
Низомий, Навоий яна Фирдавсий,
Сизга мудом ҳурмат қўйибди қўлгим...*

Мулланафас туркман адабиётида аруз вазида фаол ижод қилган шоир. Ғазаллари, мухаммаслари ва назиралари билан мумтоз адабиёт, жумладан, Навоий анъаналарини туркман адабиётида изчил давом эттирди. Алишер Навоий шеърияти Мулланафас учун ҳар тамонлама ибрат, илҳом чашмаси, бадий сўз санъати сирларини ўзлаштиришда адабий мактаб вазифасини бажарди. Бу фикрнинг тасдиғи навоийёна шаклларда битилган туркум ғазаллар, мухаммаслар ва назираларида кўринади. Мулланафаснинг “Ўртанур”, “Иккимиз”,

“Кўрмадим”, “Бир гўзал”, “Тилла ғозим”, “Кел буён”, “Жононинг”, “Кўзларинг”, “Эй сабо”, “Қолмишам” ва яна бир неча ғазал ва мухаммаслари борки, ҳар бирида Навоийнинг поэтик маҳоратини эслатадиган хусусият жиоланиб туради.

Мулланафасни Алишер Навоий шеърятини билан уйғунлаштириб турадиган яна бир асари бор. Бу – “Зухра ва Тохир” достони. Тўғри, достон ёзилиш услуби, сюжети, образлар туркуми жиҳатидан Навоийнинг бирор достонига ўхшамайди. Достон XIX аср туркман ҳаётидан олиб ёзилгандек таассурот қолдиради. Айниқса, достонда Мулланафас ва унинг хотини Бўстонтожнинг асар қаҳрамонлари сифатида иштирок этиши достоннинг бетакрор ўзгачалигидир. Лекин достон бошқа бир хусусияти, яъни достондаги назмий парчалар: ғазал, мухаммас, назира каби шеърини шаклларда Навоий лирикасининг таъсири борлигига шубҳа қилмайсиз. Мулланафас қаҳрамонларнинг рухий ҳолатини беришда насрга эмас, назмга мурожаат этган, ғазал ёки мухаммас жанрини ишга солган. “Ҳазойин ул-маоний”нинг учинчи “Бадойи ул-васат” девонида “Гул” рафидли етти байтлик ғазал бор. Ғазалнинг матлаъси куйидагича:

*Оразинг боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединим, бас паршон бўлди гул...*

Мазкур ғазалнинг ифода усули Мулланафасга образларнинг рухий кайфиятини ёритишда қўл келган кўринади, у ҳам “Гул” рафидли, ўн икки байтлик ғазал битиб, достон сюжетида боғлайди. Ғазалнинг икки байтини келтираман:

*Гул билан булбул келиб, гул ичра сайрон қилди гул,
Гул томошасин кўриб, ўз бағрини қон қилди гул...
Боғбониман бу кун, булбулни кўрдим боғ аро
Булбул аҳволин кўриб, чоки гирибон қилди гул...*

Навоий “гул”, “булбул” каби анъанавий рамзлар воситасида лирик қаҳрамондаги зиддиятли ҳолатни ифодалайди. Мулланафас ғазалида ҳам бу образлар бор. Лекин улар бошқа-бошқа мақсадга йўналтирилган. Мулланафас таъбирича, “гул”-бу Зухра, “булбул” - Тохир. Ушбу ғазалда Навоий ғазалида учрамайдиган, учинчи бир образ – “боғбон” образи ҳам қатнашади. Энг муҳими, туркман шоири ғазалини достон сюжетида шундай мослаштирганки, алоҳидалиги сезилмайди. Мулланафас ғазалини Навоий ғазалига назира боғлаш намунаси деса ҳам бўлади.

“Зухра ва Тохир” достониде ўн икки мухаммас ва тўрт ғазал бор. Мухаммасларнинг аксарияти мустақил мухаммаслар. Гарчи ҳар бирида Навоий байтлари қўлланилмаган бўлса-да, шаклий унсурлари шоир ғазалларининг поэтик хусусиятларини эслатади.

Тохирнинг айрилиқда, ишқ дардида Зухрани соғиниб қилган ноласи яна бир мухаммасда жуда таъсирли чиққан.

*Зар-қумушмас, зар-қумуш юзли вафодорим керак,
Тўти қушини не қиларман, тўти гуфторим керак,
Гул керакмасдир менга, гулчехра гулзорим керак,
Сунбулинг кўй менга, сунбул сочли дилдорим керак,
Ишқ аро Мажнун бўлибман, Лайлидек ёрим керак...*

Алишер Навоий ҳам ўз замонида:

*Гулишан ичра йўқтур оромим, дилоромим керак
Сарви гулни найлайин, сарви гуландомим керак...*

деган ғазал байтларини битиб, ишқ мавзусининг олмос кирраларини ёритганидан хабарингиз бор. Мулланафас ғазалнинг ифода шаклини, поэтик образларини мухаммасга кўчиради ва қаҳрамоннинг ички туйғуларини ошқор этиш учун ғазални мухаммасга айлантиради. Бу тажриба достонда ўзини тўла оқлаган. Бундай мисоллар достоннинг кўп саҳифаларида бор. Қисқаси, ушбу факт “Зухра ва Тохир” достони, ундаги мумтоз шеърят намуналарининг яратилишида, умуман, асарнинг Шарқ адабиётида шухрат қозонишида Навоий лирикасининг ҳам муайян таъсири бўлган деб ҳулоса чиқарилса, асл ҳақиқат шудир.

Қорақалпоқ адабиёти ҳам туркий халқлар адабиётининг муҳим халқаларидан бири. Унинг тараққиётида ҳам Алишер Навоий ижодининг таъсири бор. Ҳамма замонларда ҳам, мумтоз шоирлар бўладими, ёки замонавий шоирларми, Навоий асарларига мурожаат этишган, шоирни ўзларига устоз деб билган. XIX аср қорақалпоқ адабиётининг Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, сал кейинроқ Ўтеши, Умар каби шоирлари, XX аср адабиёти ривожига хисса қўшган Аяпберган Мусаев, Аббаз Добилов, Содик Нурумбетов, Ибройим Юсуповлар ҳам Навоий

асарларидан баҳраманд бўлиб ижодда қомилликка эришганларини шеърларида ёзиб қолдирганлар.

Агар шоир Бердақ:

*Наўайидан саўат аштым,
Физуўлдан дурлар аштым,
Дилўарларды излер эдим-
деб ёзган бўлса, халқ шоири С.Нурумбетов:
Уллы шайыр көркем сөздің устасы,
“Ләйли-Мәжнун”, “Фарҳад-Ширин” нусқасы,
Сизден бизге мийрас қалды Наўайы,
Қыз жигиттің сүйіп оқыр қыссасы...—*

тўртлигида Навоий асарларини таърифлаган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсуповнинг қуйидаги мисралари барча қорақалпоқ ижод аҳлининг Навоийга ҳурмати рамзи янглиғ янграйди, назаримда:

*Саҳра гуллерин шашайин устиңе,
Наўайыны сүйген қарақалпақ бөлең,
Ибрайым дер, уллы руўхың, алдында,
Бас ийемен шәкиртиң Бердақ болың.*

Уч авлод қорақалпоқ шоирларининг Навоий улуғланган сатрларидан намуналар келтирдим, ҳолос. Аслида, буюк шоирга нисбатан, айтилган бундай қўнғил изҳорлари қорақалпоқ адабиётида кўп. Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ бир-бирларидан унчалик узок бўлмаган даврда, тарихий шароитда яшаб ижод этганлар. Уларнинг Навоий асарларига муносабати, таъсирланиш жараёнлари ҳам ҳар хил бўлган. Масалан, Кунхўжа ва Бердақ кўпроқ Навоий қаламга олган мавзуларни, ғояларни ўз даврига мослаштириб, бармоқ вазнида ижод қилган бўлса, Ажиниёз Навоий анъаналарини давом эттиришда, асосан, мумтоз шеърят вазни – арузда туркум ғазал ва мухаммаслар ёзган. Бу ўзига хосликни мен қуйидагича изоҳлаган бўлардим. Ажиниёз Хиवादиги Шерғози мадрасасида таҳсил олган. Мадрасада мумтоз шеърят қонун-қоидалари, жумладан, аруз назарияси ҳам ўргатилган. Бу сабоқ Ажиниёзнинг кейинчалик, аруз вазнида шеърлар ёзишида қўл келди. Шоирнинг “Уйғон”, “Бормикан”, “Кўзларим”, “Бери кел”, “Ай алиф”, “Чикди жон” рафидли ғазал ва мухаммаслари айнан мадрасада олинган сабоқнинг самараси ўлароқ битилган деган фикрдаман. Ва уларнинг нафақат ифода шакллари, сўз санъатидан фойдаланиш усулларида ҳам Навоийнинг поэтик маҳоратини эслатадиган хусусиятлар бор.

Замонавий қорақалпоқ шеърятинида эса Алишер Навоий анъаналарининг излари “Навоийга шогирди Бердақ бўлиб таъзим қилган” шоир И.Юсупов номи билан бевоқифа боғлиқдир. Чунки шоир лирикада мумтоз шеърини шакллар қўллашда, аввало, Навоийдан сабоқ олди. Ғазалларига назиралар ёзиб, мухаммаслар боғлади. Масалан, Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги “Уйғон” рафидли ғазалига ёзган назираси И.Юсуповнинг аруз вазни қоидаларини мукамал эгаллаганидан дарак беради. Қорақалпоқ шоирининг ғазал ёзишида бошқалардан фарқ қиладиган бир ўзгачалиги бор. И.Юсуповнинг аксарият ғазаллари замонавий мавзуда, ўз даври ҳаёти билан боғлиқ, замон ва макон талқинининг аниқ манзили бор. Бошқача айтганда, ғазалнинг мумтоз адабиётга хос анъанавий бадий шаклига замонга ҳамоҳанг янги мазмунни сиғдира олган. Шоир ғазаллари бугунги ҳаёт ҳақида. Фикрим тасдиғига мисол:

*Яр, оян наз уйқыдан, таң сәҳар болып қалды,
Және Әмиў бойында нәўбәхәр болып қалды.
Кийиклер қуралайлап Устирт шоллигинде,
Саманбай тоғайында бәхәр болып қалды...*

Ушбу ғазалга Навоийнинг “Уйғот” рафидли ғазалининг матлаъси эпиграф сифатида танлангани бежиз эмас. Фикримча, И.Юсупов навоийча ғазал ёзишда таланттини синовдан ўтказишни назарда тутган ва мақсадида ҳам эришди.

Бугунги қорақалпоқ шеърятинида ҳам Алишер Навоийнинг барҳаёт анъаналари мунтазам давом этаётгани таҳсинга лойиқ. Устозга эргашиб туркум ғазаллар, мухаммаслар ва рубойлар, назиралар ва бошқа Шарқона мумтоз шеърини шаклларда ижод қилиб келаётган таниқли шоирлардан бири Абулқосим Ўтепбергановдир. У ғазалларидан бирида:

*Тәжмил ет сен Абилқасым Әлийшер Наўайыга,
Поэзия атлы сулуўдың басында жыға еди ол...-*

деб ёзди. Ва Навоий асарларининг қудратига таъзим қилиб, юксак баҳо берди. Муаллифнинг “Шарқ оҳанглари”, “Шоҳ шоирлар билан”, “Боғи эрам бизларда” ва бошқа бир қатор шеърый тўпламлари арузда битилган, ғазал, назир, мухаммаслардан иборат. Кўпчилиги Алишер Навоий ғазалларига назир, тахмис шаклида ёзилган. Абулқосим Навоийнинг йиғирмага яқин ғазалига мухаммас боғлади. Агар бу рўйхатга қорақалпоқ шоири битган назирларни ҳам қўшиб ҳисобласам, Абулқосимнинг Навоийга ихлоси, ҳурмати, ижодиға меҳри нақадар салмоқли ва ранг-баранг эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Навоийнинг “Келмади”, “Бўлмағай”, “Кўринг”, “Найлайин”, “Нетарсан”, “Инон”, “Тўзал ёрга” каби ғазалларидан таъсирланиб, уларга мухаммаслари билан жавоб беради. Шоир қўшган ҳар бир мисра Навоий ғазалининг шаклий компонентларига мос, мазмун-моҳиятига пайвандланиб кетган.

*Ҳеи ким мен киб илайим ярга интизар болмағай,
Тары ҳэўжинде узилген, эрманлы дуўтар болмағай,
Шақасында турып солган ўах, алмалы- нар болмағай,*

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. “Перхат ве Ширин”. –Ашгабат: 1965.
2. Озодий. “Ваъзи Озод”. –Тошкент: 1918.
3. Махтумқули. Булбул нолаи. –Тошкент: 1914.
4. Мулланафас. “Зухра ва Тохир”, –Тошкент: 2010.
5. Ёжинияз. Булбулзибан. –Нөкис: 2014.
6. Юсупов И. Йош. Қосықлар. –Нөкис: 1977.

Мақолада Алишер Навоий ижодининг туркман ва қорақалпоқ мумтоз ҳамда замонавий адабиётига таъсири, шоирлар ижодининг ўзига хослиги, услубий ранг баранглиги, маҳорати, киёсий аспектда ўрганилади.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается влияние творчества Алишера Навои на туркменскую и каракалпакскую классическую, так же на современную литературу, в сопоставительном аспекте изучается творческое своеобразие, стилистическое разнообразие, и мастерство поэтов литературы.

SUMMARY

The article deals with the impact of the work by Alisher Navoiy in Turkmen and Karakalpak classic as well as modern literature, creative peculiarity, stylistic diversity the mastery of poets of fraternal literature are explored comparatively.

«ЖАХАНША» ДЭСТАНЫНЫҢ ЖАЗЫП АЛЫНЫҰЫ ХӘМ ИЗЕРТЛЕНИҰИ МӘСЕЛӘЛЕРИ

Ж.Қ.Мамбетов – докторант
ӨзРИА Қарақалпақстан бөлими

Таянч сўзлар: «Жаҳанша» достони, генезис, типология, воқеалар ривожы, асар идеяси.

Ключевые слова: дастан «Жаҳанша», генезис, типология, ход событий, идея работы.

Key words: «Zhakhansho» dastan, genesis, typology, stages of event evolution, topic of the work.

